O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **9** февраль, жума № **6** (2185).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **9** февраля, **2007** год, № **6** (2185).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена свободная

Бугун сержантлар таркиби армиямизнинг том маънодаги таянч устунига айланган ни, улар аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлашимиз зарур.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан бутун мусулмон оламининг ифодачиси бўлган Жаҳон ислом лигаси номидан Сиз, Жаноби Олийларини ва ўзбек халқини муборакбод этиш менга улкан мамнуният бахш этади. Парвардигордан Сизга мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат ато этишини сўрайман.

Жаҳон ислом ташкилоти мамлакатингизнинг ислом маданиятини ривожлантириш ишига қўшаётган ҳиссасини юксак қадрлайди. Бу муҳим воқеани муносиб нишонлаш мақсадида биргаликда «Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси» мавзуида халқаро семинар ўтказишга тайёр эканимизни билдирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман, Ўзбекистон халқига янада равнақ ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром билан,

Доктор Абдулла бин Абдулмуҳсин ат-Туркий,
Жаҳон ислом лигаси Бош котиби.



Комилдин ТЎРАЕВ суратга олган.

Сарҳадларинг туташ жон томиримизга

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Кичик ва хусусий бизнес маҳсулотлари экспорти, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот жаҳон бозорига чиқиши учун ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қулай шароитлар яратиш давлат ташқи иқтисодий фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси билан биргаликда ташкил этган давра суҳбати "Кичик ва хусусий бизнес корхоналари маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш ҳамда валюта ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари" мавзусига бағишланди.

Анжуманда шу нарса таъкидландики, кичик ва ўрта бизнес мамлакат иқтисодиётида ўз маррасини мустаҳкамлаб бормоқда, ҳозирги вақтда мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 40 фоиздан ошди. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган, 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида таъкидланганидек, "кичик корхоналар ёки хусусий тадбиркорларнинг ҳаммаси ҳам ўз маҳсулотини мустақил равишда самарали экспорт қила олмайди, албатта".

Мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнес корхоналарини янада ривожлантириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган экспорт маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш юзасидан салмоқли ишлар қилинмоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари кичик ва хусусий бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда рўёбга чиқариш билан боғлиқ бир қатор долзарб масалаларни муҳокама этдилар. Хусусан божхона ва солиқ тўғрисидаги, кичик ва хусусий бизнес субъектларининг маҳсулоти экспортини раҳбатлантиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга эътибор қаратилди. Товарлар ва хизматлар рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркорларга шериклар излашда ахборот базасидан фойдаланиш эркинлигини таъминлаш, ташқи бозордаги вазият тўғрисида мукаммал ахборотга эга бўлишларига эришиш улар учун ўз маҳсулотини экспортга етказиб беришда жуда муҳим, баъзан эса ҳал этувчи аҳамиятга молик эканлиги айтиб ўтилди. Давлатимизнинг экспорт-импортда ижобий қолдиққа эришиш, мамлакатимизнинг олтин-валюта захирасини кўпайтириш имконини берган валюта сиёсатини янада изчиллик билан амалга ошириш йўллари ҳам муҳокама этилди.

Сенаторлар тадбиркорлик субъектларига мавжуд экспорт салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришда тегишли давлат тузилмаларининг амалий ёрдами самарадорлигини ошириш ва таъсирчанлигини кучайтириш зарурлигига ҳам эътиборни қаратдилар.

Муҳокамалар асносида мамлакатимиз тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва рўёбга чиқаришга доир ҳуқуқий базани такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ҳам билдирилди.

Тадбирда сенаторлар, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси намояндалари, тадбиркорлар, фермерлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

НОЁБ ГАВҲАР – ҚОРАКЎЛИМСАН

(Давоми. Боши ўтган сонида).

Чўл яйловларининг экологик дифференцияланишини ҳисобга олган ҳолда улардан оқилона фойдаланиш ва яхшилаш технологияси ишлаб чиқилган. Чўл озуқабоп ўсимликлари интродукцияси ва селекцияси борасидаги тадқиқотлар натижасида астрагалнинг протеинга бой янги маҳаллий нави яратилган. Чўлдаги озуқабоп ўсимликларни экувчи агрегат лойиҳалаштирилиб, унинг тажриба нусхаси яратилди ва синовдан ўтказилди.

Ҳа, олимнинг фикрларидан ҳам кўриниб турибдики, қоракўлчилик янада юқори самара бериши, бу ноёб гавҳаримиз янада сайқалланиши учун аввало қўйларни озуқа билан таъминлашнинг самарали усул-услубларига эътибор қаратмоқ лозим. Мазкур илмий даргоҳдаги олимларимизнинг бу борада илғор тажрибаларни қўллаш, янгиликлар яратиш борасида саъй-ҳаракатлари ҳеч кимдан кам эмаслигимизни кўрсатиб турибди. Таъкидлаш лозимки, қоракўлчилигимиз шаклланишига беқиёс улуш қўшиб келаётган ушбу илм даргоҳида ўндан зиёд илмий лаборатория, 4 та фан тармоғи бўлимлари мавжуд. Уларда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг аксарияти соҳасини мукаммал биладиган етук олимлардир. Заҳматкаш зиёлиларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли кўплаб илмий мақолалар, монография, тавсияномалар, илмий-оммабоп ҳужжатлар тайёрланди. Қоракўлчиликда технологик жараёнлар тақвими тайёрланганини фахр билан таъкидлаш мумкин.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



ОНА ТИЛИГА ЭҲТИРОМ

Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар.

Ислом КАРИМОВ

Она алласи билан шууримизга сингган мўътабар тилга эҳтиром, ўтган аждодлар хотираси ва киндик қони томган заминга муҳаббат туйғулари авлодлардан авлодларга ўтиб, инсоннинг жисму жонида алангаланиб яшайди. Зеро, бу – ҳаётга зиё бағишлаб, умрни нурлантириб турадиган илоҳий ҳикматдир.

Табиийки, ҳар қандай туйғу тарбия талаб этади.

Ҳатто боғу бўстон ҳам парвариш қилинмаса, файзу тароватини йўқотади, дарахтлар тарвақайлаб, ёввойилашиб кетади.

Ҳолбуки, инсоний туйғулар гулдан нозикдир. У доимий равишда сайқал топиб бормаса, кул босган чўғ каби тафтини, ҳароратини йўқотади.

Донишмандлар айтадики, тил инсон учун оламларни очувчи калитдир. У одоб ва ҳикмат, ўтмишдан таълим берувчи илм пойдевори. Шу маънода, миллатнинг ўз қадр-қимматини нечоғлик англаши аввало она тилига, ота-боболари босиб ўтган ҳаёт йўлига ва она Ватанига муносабатида тўлиқ намоён бўлади.

(Давоми 8-бетда).

РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Мудофаа вазирлигида

ҚОНУНШУНОСЛАР БИЛАН УЧРАШУВ



Мудофаа вазирлигида Олий Мажлис қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда Қуролли Кучларимиз давлатимиз ва жамиятимизнинг ажралмас бўлаги экани ва ўтказилаётган ислоҳотлар жараёнида унинг ҳам ҳамқадам бораётгани, олиб борилаётган туб ислоҳотлар замирида тараққиёт, ривожланиш ва демократик тамойилларни жамиятга кирита бориш, мустақил давлатимиз иқтисодий ўсишига асос яратиш ҳамда миллий хавфсизликни таъминлаш каби вазифалар устувор аҳамият касб этиши таъкидланди.

Учрашувда Олий Мажлис қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ахтам Турсунов сўзга чиқиб, қўмитанинг бугунги фаолияти, вазифаси ва амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, олиб борилаётган ислоҳотлар, олдинда турган муҳим вазифалар, миллий хавфсизлик ва мудофаа масалаларининг долзарблиги ҳамда қонунчиликка оид маълумотларни айтиб ўтди.



Шунингдек, хавфсизликни таъминлашда зарур бўлган омиллар қаторида минтақанинг ҳам ўрни муҳимлиги, юртимиз жойлашган геосиёсий ҳудуд, халқаро вазият, минтақавий хавфсизликни таъминлаш аввало миллий хавфсизликни таъминлашдан бошланиши ва бу ўринда асосий эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатларга тўхталди.

Маълумки, давр тақозосига кўра мавжуд қонун ва меъёрий ҳужжатлар мукаммаллаштириб борилиши талаб этилади. Иштирокчиларга анжуман давомида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган баъзи қонунлар ҳақида ҳам керакли маълумотлар берилди.

Ката лейтенант Яшин КОМИЛОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Огоҳлик – давр талаби

СЕРГАК ПОСБОНЛАР ЖАСОРАТИ

Мустақиллик, ҳурлик байроғи ҳилпираётган она Ватанимиз бутун дунёда тинчликсевар мамлакат сифатида обрў қозонди. Юртимизга келаётган хорижлик сайёҳлар, меҳмонлар ҳам бевосита бунга гувоҳ бўлишмоқда. Аммо, тинчлигимиз, осойишталигимизни кўролмайдиган ғаламис кимсалар ҳам учраб туради. Улар халқимиз фаравон ҳаётига раҳна солишга ҳаракат қилишади. Бироқ ёвуз кишиларнинг нияти, ғаразли мақсади ҳеч қачон амалга ошмайди. Чунки юртимизни кўз-қорачиғидай, мардона туриб ҳимоя қиладиган мард ва жасур ўғлонларимиз бор.

Офицер Аҳрор Абдураҳмонов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда қоровуллик хизматини ўтаётган посбонларнинг огоҳлиги, сергаклиги юқоридаги фикрларимизни яна бир бор исботлади.

... Тартиб бўйича соқчидан постни қабул қилиб олган оддий аскарлар Элбек Давронов ва Тоҳир Норқобиловлар ўз вазифаларини ўташга киришганларида тахминан тунги соат бир яримлар эди. Улар ҳарбий шаҳарча атрофидаги постда сергак туриб, белгиланган ҳудуд бўйлаб бориб келишарди. Шунда, постдан унча узоқ бўлмаган масофадан ўқ овози эшитилади. Бирдан ҳушёр тортган посбонлар низом қоидаларига риоя қилган ҳолда, алоқа воситаси орқали қоровул бошлиғига бу ҳақда ахборот беришади ва ўзлари постни сергаклик билан қўриқлашни давом эттиришади. Қоровул бошлиғи лейтенант Олим Обидов юқори қўмондонликка рўй берган воқеа юзасидан хабар бериб, дарҳол қўшимча куч билан постга етиб келади. Барча постларга ёрдамчи кучлар жўнатилиб, белгиланган ҳудуд қаттиқ назорат остига олинади. Ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда кўрилган тезкор ҳаракат туфайли бўлиб ўтган ҳодиса аниқланиб, керакли чора кўрилади.

Оддий аскарлар Э.Давронов ва Т.Норқобиловларнинг ўз вазифаларига виждонан ёндашганлари ҳамда постни ҳушёр ва сергаклик билан қўриқлаганлари сабабли юз бериши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисанинг олди олинди.

– Посбонларни қоровулга тайинлашдан олдин, – дейди лейтенант Обидов, – уларнинг жанговар вазифани бажаришга ҳар томонлама мукаммал тайёргарликлари текширилади. Бўлиб ўтган воқеа жараёнида ҳам соқчиларимизнинг аниқ, ишончли ҳаракат қилганликлари низом қоидаларини пухта ўзлаштирганликларини кўрсатиб турибди.

– Мен хизматга Навоий вилоятининг Нурота туманидан чақирилганман, – дейди оддий аскар Норқобилов. – Постда ҳушёр ва сергак туриш ҳар бир соқчининг асосий вазифасидир. Биз хизмат вазифамизни ўташ вақтида бу нарсага қаттиқ амал қилдик ва содир бўлиши мумкин бўлган нохуш ҳодисанинг олдини олиб, ўз қасамёдимизга содиқ қолиб, постимизни ҳимоя қилдик. Юрт корига камарбаста бўлаётганимдан ғоят шодман.

– Бирор кўнгилсизликни сезсанг, ақлинг ҳам равон ишлаб кетаркан, – дейди оддий аскар Давронов. – Постда турганимизда бутун диққатимиз билан атрофни кузатдик. Эшитилган ўқ овози бизни яқинда сергаклантирди. Низом қоидаларига кўра қилган ҳаракатимиз самара берди. Бунда офицер ва сержантлардан олган чуқур билим ва кўникмамиз ҳам жуда асқотди.

Тинчлик – энг олий неъмат ҳисобланади. Шундай экан сарҳадларимизни ишончли ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Буни теран англаган оддий аскарлар Т.Норқобилов ва Э.Давроновлар ўз вазифаларини, билдирилган ишончни аъло даражада бажардилар. Ўз постида сергак ва ҳушёр хизматини ўтаган бу икки навқирон ўғлон Мудофаа вазирининг «Эсдалик нишони» билан тақдирланди. Посбонларнинг кўрсатган матонатлари уларнинг сафдошларини ҳам жасоратга ундаши, шубҳасиз.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ОТРИЧЕНКО Максим Олегович



7 февраля 2007 года при выполнении учебно-боевых задач погиб военный летчик лейтенант Отриченко Максим Олегович.

Обстоятельства непреодолимой силы вырвали из рядов защитников Родины молодого талантливого офицера, специалиста, только начинавшего свое профессиональное становление.

В 2005 году после успешного окончания Джизакского высшего военного авиационного училища лейтенант Отриченко М.О. по распределению прибыл в летную воинскую часть для прохождения дальнейшей службы.

С первых дней пребывания в войсках он проявил свои лучшие качества. Полученные в учебном заведении знания старался применять на практике в полном объеме.

Был внимателен с сослуживцами, особенно прислушивался к советам старших коллег, внимая каждому слову профессионалов, щедро делившихся своим богатым служебным опытом с только начинающим свой боевой путь лейтенантом.

За короткое время он стал душой коллектива. Его уважали сослуживцы за трудолюбие, стремление быть лидером в освоении секретов мастерства, внутреннее обаяние, добрый характер, вежливость и приветливость.

До последних минут своей жизни оставаясь верным Военной присяге, офицерской чести, лейтенант Отриченко М. О. мужественно исполнял свой воинский долг.

Руководство Министерства обороны и Объединенный штаб Вооруженных Сил Республики Узбекистан, генералы, офицеры, друзья, товарищи и сослуживцы с глубоким прискорбием выражают соболезнование родным и близким лейтенанта Отриченко Максима Олеговича.

Светлая память о нем навсегда останется в наших сердцах.

КИЧИК МУТАХАССИСЛАР КАТТА ҲАЁТДА

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳузурида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 октябрдаги Қарори ҳамда Мудофаа вазирининг 2004 йил 6 ноябрдаги тегишли буйруғи асосида «Автотрактор техникаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш махсус курси» ташкил этилганидан хабарингиз бор. Унда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган фуқаролар жойлардаги мудофаа ишлари бошқармалари ва ҳокимликлар йўлланмаси асосида белгиланган тўлов пулини қоплагач, таҳсил оладилар.

Давлатимиз раҳбарияти ташаббуси билан махсус курсни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳалари ҳамда Қуролли Кучларимизнинг тегишли бўғинларига малакали мутахассис-кадрлар етказиб беришдан иборат. Шунингдек, мазкур курснинг айнан ҳарбий билим юрти ҳузурида ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Зеро, юксак тартиб-интизом асосида чуқурлаштирилган билимларнинг малакали мутахассислар томонидан олиб борилиши ҳамда курсантлар учун зарур ўқув хоналари, амалий машғулот ўташлари ва спорт билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиб берилгани, қолаверса, бевосита ҳарбийча кўникмалар негизида таълим-тарбия берилиши уларнинг келгуси фаолиятлари давомида муваффақиятли натижаларга эришишида мустаҳкам замин ҳозирлайди. Шунингдек, машғулотларни самарали олиб бориш учун зарур ўқув ва техник жиҳозлар ҳам билим юртида етарли даражада. Таҳсил давомида уларнинг олган билим ва кўникмалари бевосита амалий машғулотларда мустаҳкамланиши учун Самарқанд вилоятида мавжуд «Узавтосаноат» ва «Ўзагромашсервис» корхоналарида ҳам машғулотлар ўтказилади. Махсус курсда йигитлар беш ойга яқин муддат давомида сабоқ олишади. Иш билан таъминлаш негизида таълим-тарбия берилиши масаласида эса жойлардаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари ҳамда ҳокимият органлари амалий ёрдам кўрсатади. Курсда ўқишни истаганлар икки босқичли танлов асосида саралаб олинади.

Биринчи босқичда сафарбарлик чақируви резервида йиғинни ўтаётган фуқаролар орасидан ўқиш истаги борларни саралаб, йиғин тугаганидан сўнг тегишли мудофаа ишлари бўлимига ҳужжатлари юборилади.

Иккинчи босқичда жойлардаги мудофаа ишлари бошқармалари ўқиш истагидаги номзодларни саралаб жўнатишади.

Айтиш жоизки, ҳар икки босқичда ҳам номзодлардан талаб қилинадиган асосий жиҳатлар аввало, ёши 27 дан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаганлиги, техникани бошқаришга саломатлигининг тўғри келиши, маълумоти ўртадан паст бўлмаганлиги кабилардир. Мазкур талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган номзодлар ўзлари яшаб турган жойдаги мудофаа ишлари бўлимига мурожаат қилишади. Унга ўша ердан қандай ҳужжатлар тайёрлаши ва нақд ёки кўчириш йўли билан тўланадиган пул миқдори тушунтирилади.

Курсантлар билим юртида таҳсил олиш жараёнида ётоқ, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминланади, маданий-маиший хизмат турлари, кутубхона, дам олиш хоналари, телевизор, шахмат-шашка, мусиқа асбоблари кабилардан бемалол фойдаланишади. Яъни бу каби воситалар уларнинг таҳсил учун тўлаган пуллари асосида ва билим юртининг ички имкониятларидан келиб чиқиб қопланади.

Билим юртини мазкур йўналиш бўйича таҳсил олиб битирган кичик мутахассисларнинг кўпчилиги бугун турли жойларда фаолият кўрсатишмоқда. Эътиборли томони, ҳарбий билим юртида таҳсил кўриб, бевосита ҳарбийча кўникма ва қатъий интизом қоидаларини пухта ўзлаштирган бу соҳа ходимлари ўз ғайрат-шижоати ва зиммаларидаги масъулият ҳиссини чуқур англашлари билан бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Уларнинг кўпчилиги бугун шартнома асосида ҳарбий хизматни адо этишаётгани ҳам қувончли.

– Битирганларнинг иш билан таъминланиши масаласида амалий ёрдам кўрсатиш ҳаракатидамиз, – дейди Самарқанд вилояти мудофаа ишлари бошқармаси сафарбарлик чақируви резерви бўлими бошлиғи офицер Эрнест Асанов. – Кўпчилик шартнома бўйича хизматга ҳужжат тайёрламоқда. Уларни ҳарбий техникаларни таъмирлаш заводлари, ҳарбий қисмлар кутиб туришибди. Бундан ташқари ҳокимият органлари кўмагида ишга жойлашганлар ҳам анчагина. Жомбой туман машина-трактор паркига ишга жойлашган Хайрулла Мирзаев, Пахтачи туманидаги пахта заводига қабул қилинган Азимжон Тангатаров, Жанубий тоғ-кон бошқармасига ишга кирган нурободлик Боймирза Бобожоновлар шулар жумласидандир.

Махсус курсни тугатган ва бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган Қамариддин Тўраев ўз меҳнат жамоасида муносиб ўрин топишга улгурди. У айни пайтда Самарқанд вилоятидаги «Абдужалил ота» фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик техникалари бўлими бошлиғидир. Хоразм вилоятининг Боғот тумани мудофаа ишлари бўлимидан ўқишга юборилган ва махсус курсни аъло баҳоларга тугатган яна бир мутахассис Исроил Очилдиев эса айнан ўзи таълим олган билим юртида шартнома асосида хизмат қилянти.

– Махсус курсни автотрактор техникалари механик ҳайдовчиси мутахассислиги бўйича тугатиб, ҳозир «Сувмаш» заводида ишлаяпман, – дейди Тошкент шаҳар Бектемир туманида яшовчи Ренат Идрисов. – Бизга шундай имкониятлар яратиб берган ва ёшлар келажаги учун қайғураётган ҳукуматимизга, таълим берган устозларимизга каттадан-катта раҳматлар айтамиз. Ушбу курс ташкил этилиб, ёшлар учун яна бир қатор имкониятларга йўл очилди. Кўпчилик ҳунарли бўляпти, тугатганлар ишламоқда. Айниқса, ўқишнинг бевосита ҳарбийча тартиб ва қатъий интизом асосида олиб борилгани алоҳида эътиборга сазовор жиҳат. Жавобгарлик ҳиссини чуқур англайдиган бўлдик, вазифага виждонан ёндашишни ўргандик. Олган билимларимиз ҳозирги иш фаолиятимизда қўл келмоқда.

– Махсус курсда ўқиб, менда бевосита ҳарбий хизматга иштиёқ уйғонди, – дейди яна бир кичик мутахассис Фёдор Жуковский. – Ҳозир Тошкент гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирида Қуролли Кучлар хизматчиси бўлиб фаолият юритяпман. Шу билан бирга шартнома асосида ҳарбий хизмат қилишга тайёрланяпман. Ўқишда кўплаб дўстлар орттирдим. Улар ҳам ҳозир республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида муносиб иш кўрсатишмоқда. Улар билан борди-келди қиламиз, баъзиларининг тўйларига ҳам бордик. Нукуслик Шермуҳаммад Ниёзов, тўйтепалик Баҳодир Раҳимов, самарқандлик Владимир Булгаковлар шулар жумласидан.

Мудофаа вазирлиги томонидан халқ хўжалиги соҳаларига ҳам малакали мутахассислар етказиб берилиши халқ ва армия яқдиллигидан, юртимизда олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар босқичида ҳарбийларимиз ҳам фаол қатнашаётганидан далолат. Қолаверса, армия билан ҳаётини боғлаган ёшларимиз кейин ҳам доимо давлатимиз эътиборида экани, нафақат муддатли ҳарбий хизматни ўтаганлар, балки сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган фуқаролар ҳам бу жараёндан четда қолмаётгани, умуман, келажагимиз ворислари бўлган ёшларимизга муносиб шарт-шароит ҳозирлашга барча жабҳаларда чуқур эътибор қаратилаётгани акс этган.

Курсни битирган йигитларнинг олган таълим-тарбиясида ҳарбий кўникманинг алоҳида ўрин тутиши, вазифани сифатли адо этиб, ишончли ҳамда шижоатли бўлишларида ўзига хос омил бўлиши барчага аён. Мустақил юртимизда яна бир янги ва муҳим бўғинга асос солингани ҳамда бу жараёнда ҳарбийларимизнинг ҳам муносиб ўрни борлиги янада қувончлидир.

Катта лейтенант Дилшод ЖУМАЕВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

ҲАРБИЙЛИКДИР ҒУРУРИ, ФАХРИ

Офицер Руслан Жумаев хизмат қилаётган ҳарбий қисм жамоаси ҳақли равишда мард ўғлонлари билан фахрланса, арзийди. Чунки бу ерда фидойиларча хизмати билан миллий армиямиз ривожига ўзига хос ҳисса қўшаётган қалби қайноқ, матонатли шунқорлар кўплаб топилади. Мана шундай жасур, мард йигитлардан бири капитан Анвар Ҳамидовдир. Армия сафида чиниқиб, тинимсиз маҳоратини тоблаб бораётган бу ёш офицер 2002 йил Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тугаллаб, хизматини бошлаган дастлабки кунлардан то ҳозирга қадар ушбу ҳарбий қисмда юртимиз осойишталиги, осмонимиз мусаффолигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатмоқда.



Ўқув машғулотларида шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги боис Анварнинг қўл остидаги посбонлар доимо ўқув мавсумининг етакчилари сифатида эътироф этилмоқда.

– Бугуннинг профессионал посбони кечаги посбондан тубдан фарқ қилади, – дейди капитан Анвар Ҳамидов. – Айни пайтда армия сафида хизмат қилаётган ўғлонлар нафақат жисмонан бақувват балки энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорини пухта эгаллаб, юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти билан кўпчиликка намуна бўлмоғи лозим.

Ҳа, армияни том маънода армия қиладиган, унинг жанговар қудратини юксалтирадиган куч – бу армия сафларида муносиб хизмат қилаётган инсонлардир. Юрт ўғлонлари ҳар томонлама чиниқиб, шаклланар экан, Қуролли Кучлар қудрати янада ортиб бораверади. Буни яхши англаган офицер Ҳамидов ўз қўл остидагиларининг маънан ва жисмонан чиниқишига катта эътибор қаратади. Шу боис унинг етакчилигидаги взвод шунқорлари икки йилдан буён ўқув мавсуми машғулотларида нафақат ҳарбий қисмда балки округ миқёсида ғолибликни қўлдан бой бермай келишаяпти. Взвод етакчиси Анвар Ҳамидов эса Қуролли Кучларимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг илғор мутахассис» танловида муваффақиятли иштирок этиб, ушбу танловнинг «Энг илғор взвод командири» номинацияси бўйича республика босқичида кетма-кет икки йил ғолиб деб топилди. Взводнинг илғорлигини таъминлашда жамоадаги шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Шерзод Ўралов, Нодир Раҳмоновларнинг алоҳида хизмати бор. Аскарларининг устози, офицерларнинг яқин ёрдамчилари бўлган бу профессионаллар ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишмоқда.

Ҳарбий хизматни шунчаки иш эмас, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурч, деб биладиган мардларнинг масъулиятли хизмати ҳамиша муносиб тақдирланган. Миллий армиямизнинг умидли ёш офицерларидан бўлган капитан Анвар Ҳамидовнинг Юрт, халқ олдидаги намунали хизмати ўз рағбатини топмоқда. Илғор офицерга намунали хизматлари учун ўтган йил «Мустақилликнинг 15 йиллиги» кўкрак нишони топширилган бўлса, Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллиги арафасида у «Жасорат» медали билан тақдирланди.

– Ватаннинг бундай юксак мукофотига лойиқ топилганимдан ниҳоятда хурсандман. Бу мукофот нафақат менинг хизматимга, балки устозларим, қолаверса, ота-онамга берилган баҳодир. Уларнинг самарали хизматлари туфайли мен бундай мукофотга лойиқ топилдим, – дейди у.

Анвар Термиз шаҳрида таваллуд топган. Олимжон ака ва Ситора опаларнинг тўнғичи бўлган самимий, очиқкўнгил бу йигит ёшлигидан ҳарбийликка меҳр қўйди. Унинг шарафли бу касбга қизиқишида уйининг ёнида жойлашган ҳарбий қисмнинг аҳамияти жуда катта бўлди, десак янглишмаймиз. Мана, посбонларга ҳавас қилиб юрган шўх болакай орадан йиллар ўтиб, Ватанини, халқини мардонавор ҳимоя қила оладиган етук офицерга айланди. Танлаган касбидан ғурурланадиган, фахрланадиган бу ўғлонга кўпчилик ҳавас қилса арзийди.

Комилжон ҲАСАНОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИГИДАН РУҲЛАНИБ

ШАРАФЛИ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»да шундай таъкидлайди: «Биз 15 йил мобайнида юртимизда замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган Қуролли Кучларимизни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кўлами ва моҳияти жиҳатидан том маънода улкан ишларни амалга оширдик».

Дарҳақиқат, Юртбошимиз раҳбарлигида Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли миллий армиямиз тобора профессионаллашиб бормоқда. Бугун биз юрт истиқболи, тинчлик-осойишталигини қалбларига жо қилган Ватанимиз ҳимоячилари билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурланса арзийди. Амалга оширилаётган ислоҳотлар миллий армиямизни ёшларимизнинг иродасини тоблайдиган, ўз Ватани ва халқига садоқатли, жасорат ва матонатли фарзандлар камол топаётган мактабга айлантирди.

Миллий армиямизда хизмат қилиш шарафли бурч ҳисобланади. Зеро, она юртни ҳимоя қилиш қадим-қадимдан шарафлаб келинган. Ҳозирда халқ ва давлат томонидан Ватан ҳимоячиси зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган. Конституциямизнинг 125-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаётини ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади» дея зикр этилган. Ватан ҳимоячиси учун Бош Қомусимиз қўяётган вазифадан ҳам шарафли ва масъулиятли юмуш бўлиши мумкинми? Йўқ, албатта. Бир сўз билан айтганда, Ватанга хизмат– олий шарафдир.

Кун сайин жанговар салоҳияти ошиб бораётган армиямизда хизмат қилиш – муқаддас вазифа. Чунки бунёда ўз муқаддас тупроғини, мустақил диёрини, ўз халқини ҳимоя қилишдан бошқа юксакроқ, муҳимроқ ва муқаддас вазифа йўқ. Бу вазифа шунинг учун ҳам муқаддаски, унда республика раҳбарияти, мамлакат Президентининг юксак ишончи ифодаланган. Бу ишончни оқлаш учун ҳар бир Ватан ҳимоячиси ўз конституциявий бурчини онгли равишда ва масъулият билан бажариши, ҳарбий хизматга жиддий тайёргарлик кўриши ҳамда бу шарафли бурчни ғурур ва ифтихор билан адо этмоғи шарт.

– Ҳарбий хизмат, – дейди офицер Шокир Дўсчанов, – бу фақат белгиланган ички тартиб бўйича яшаш ва фаолият кўрсатиш ҳамда қоровуллик ва ички хизматни ўташдангина иборат эмас. Ҳарбий хизмат – бу, аввало, ҳарбий, касбий билим ва малакаларни, юксак маҳоратни эгаллаб боришнинг узлуксиз жараёнидир. Бу – тактик фикрлаш ва ҳар қандай душманга қарши, ҳар қандай мураккаб ва ностандарт вазиятларда ҳам ҳаракат қилиш ва ғалаба қозониш маҳорати. Бу – Ватан хавфсизлиги ва халқимизнинг тинч осойишта ҳаёти учун ўз ҳарбий бурчи ва юксак масъулиятини чуқур англашдир.

Мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимиз раҳбарияти миллий армиямизни такомиллаштириш, профессионаллаштириш масаласига жиддий эътибор бериб, ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Ватан ҳимоячиларининг моддий таъминоти, улар ва оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи доимий эътиборда.

Ҳарбий хизматни ўташни шон-шараф иши деб билган ҳимоячиларимизга кўплаб имтиёзлар берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 октябрда қабул қилган «Муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий хизматчиларнинг бир ойи икки ойлик меҳнат стажи ҳисобланади. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида аскарнинг оила аъзолари ер солиғи тўлашдан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга берилган имтиёзларни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори асосида аскарлар резервга бўшатилганида бериладиган пул миқдори энг кам иш ҳақининг 16 бараварига етказилди.

Шунингдек, қарорда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришган муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида имтиёз бериш кўзда тутилган.

Фактларга мурожаат этамиз, 2006 ўқув йилида олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари натижасига кўра беш мингдан ортиқ резервга бўшатилган ҳарбий хизматчилар талаба бўлиш бахтига муяссар бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ «Жасорат» медали билан тақдирланганлар орасида ҳарбий хизматчилар – Асқарали Қурбонов, Фахриддин Қурбонов, Маҳмуд Валиевлар ҳам бор. Бу Ватан, халқ хизмати йўлида фидойилик кўрсатаётганлар доимо эътиборда эканидан.

Қуролли Кучларимиз сафларида ўз бурчи, муқаддас вазифасини аъло даражада ўтаб бошқаларга ўрнак бўлаётганлар жуда кўп. Шулардан бири офицер Нодиржон Жўраев командирлик қилаётган бўлинмада хизмат қилаётган шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Амин Ҳамроевдир. У ортда қолган ўқув йилини юқори натижалар билан якунлаб, янги ўқув йилини кўтаринки руҳда давом эттирмоқда. Яқинда ўз касбига, фаолиятига сидқидилдан ёндашиб, қўйилган ҳар қандай вазифани аъло даражада бажарган ҳолда сафдошларига ўрнак бўлаётган кичик сержант Амин Ҳамроев Мудофаа вазирининг эсдалик нишони билан тақдирланди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини ишончли ҳимоя қилиб келаётган мард, жасур посбонларимизни ҳар қанча шарафласак оз.

Абдураззоқ ОБРЎЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ИСЛОҲОТИ

Мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳарбий мутахассислар тизимини такомиллаштиришдан иборат. Президентимиз Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида ҳам бежиз «...ҳарбий хизматчиларнинг шахсий ва гуруҳ таркибидаги тайёргарлик даражаси, интеллектуал салоҳиятини оширишни таъминлайдиган моделлаштириш, симуляция ва ҳарбий таълимнинг бошқа замонавий усулларини кенг жорий этиш лозим» демаган. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида мамлакатимиз мудофааси учун зарур бўлган бешта йўналиш – «Танк қўшинлари тактик қўмондонлиги», «Ҳаво десанти қўшинлари тактик қўмондонлиги», «Зирҳли танк қуроллари ва техникасининг тактик муҳандислиги», «Зенит–ракета қўшинлари тактик қўмондонлиги» ва «Зенит – ракета қўшинлари тактик муҳандислиги» мутахассисликлари бўйича офицер кадрлар тайёрланмоқда. Билим юртида мудофаа вазирлиги қисм ва муассасаларида хизмат қилаётган офицерларни қайта тайёрлаш мақсадида малака ошириш факультети ҳам ташкил этилган. Бу ерда тингловчилар 3 ойлик ўқув дастури бўйича сабоқ олиб, ўз малакаларини оширадилар.

Ўқув даргоҳида 13 та кафедра мавжуд бўлиб, уларда юксак малакали профессор-ўқитувчилар ва офицер-ўқитувчилар курсант ҳамда тингловчиларга сабоқ берадилар. Жами 17 та ҳар хил фанлардан ўқув машғулотлари олиб бориладиган гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси жамоаси ҳам курсант ва тингловчиларда кенг дунёқарашни, ватанпарварлик ҳамда ҳарбий бурчга садоқатни шакллантиришда, курсант ва тингловчиларни ҳақиқий Ватан ҳимоячилари қилиб тарбиялашда катта ишларни амалга оширмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилнинг 14 майидаги «Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ҳарбий кадрлар тайёрлашнинг самарадорлигини ошириш чоратадбирлари ҳақида»ги қарорида «бўлғуси офицерларда юксак маънавий-ахлоқий, руҳий ва лидерлик сифатларини, дунёқарашни ҳамда дунёдаги ва Марказий Осиёдаги мавжуд ҳарбий-сиёсий вазиятнинг хусусиятларини тушунишни шакллантириш» вазифаси қўйилган. Бизнинг назаримизда офицер шахси бир-бирини тўлдирувчи иккита муҳим элементлардан ташкил топган бўлиб, биринчиси ундаги мутахассис сифатидаги маҳорат даражасини кўрсатувчи билим, кўникма ва малакалар бўлса, иккинчиси эса унинг комил инсон ва фуқаро сифатидаги камолотини белгиловчи маънавий-ахлоқий қадриятлар мажмуасидан иборат. Офицерлардаги маънавий ва ахлоқий сифатларни шакллантиришда моҳият эътибори билан «инсоншунослик» деб аташ мумкин бўлган ижтимоий фанлар муҳим роль ўйнайди. Ўқув муассасалари зиммасига дунёдаги тез ўзгариб бораётган ҳарбий-сиёсий вазият, хусусан жанговар ҳаракатлар вақтида тўғри қарорлар қабул қилиш лаёқатига эга ҳамда мантиқий тафаккур соҳиблари бўлган командирларни тайёрлаш вазифаси юкланган. «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатади, – деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти, мамлакатимиз Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислом Каримов ўзининг «Фидокор» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида, – инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан ижтимоий фанларнинг ўрни беқиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга». Ҳақиқатан ҳам бундай фанлар курсант ва тингловчиларни ҳақиқий Ватан ҳимоячилари қилиб тарбиялашда, шунингдек, кимга ва нима учун хизмат қилаётганликларини англаб етишларида катта роль ўйнайди.

Ўтиладиган ўқув машғулотларининг юқори савияда бўлишини таъминлашга хизмат қилувчи турли-туман воситаларни излаб топишга ҳаракат қилаяпмиз. Масалан, курсант ва тингловчиларнинг билимларини назорат қилишни осонлаштириш ҳамда дарс машғулотидаги вақтни тежаш мақсадида ҳамма мавзулар бўйича тестлар тузишга ҳаракат қилаяпмиз. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлардан машғулотлар ўтиш билан боғлиқ шарт-шароитлар бунга имкон беради. Ўқув йили давомида тузилиб, машғулотларда синалган тестлар йиғилиб, тўплам шаклида чоп этилади. Шундан сўнг курсантларнинг фойдаланишлари учун кутубхонага топширилади. Ҳозирги тажрибаларимиз бу усулнинг яхши самара беришини кўрсатаяпти.



Кафедрада курсантларнинг «Ёш жамиятшунослар» илмий тўгараги ишлаб турибди. Бу ерда тўгарак аъзолари бўлган курсантлар маълум бир фанлар доирасида ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича ўқитувчилар раҳбарлигида илмий изланишлар олиб борадилар. Таъкидлаш жоиз, мазкур илмий тўгарак курсантларнинг сиёсий билимларини кенгайтириб, дунёқарашларини шакллантирмоқда. Уларни жамиятимизда, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда бўлаётган муҳим ўзгаришлар, ислоҳотларга бефарқ бўлмасликка даъват этаяпти.

Бундан ташқари бевосита ўқитувчиларнинг услубий маҳоратларини ошириш мақсадида кафедраларараро ўқув-услубий семинарлар ўтказишни ташкил қилдик. Бундай йиғинларда кафедрамизнинг тажрибали ўқитувчилари турли шаклдаги ўқув машғулотларини қандай қилиб самарали олиб бориш ҳақидаги ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар. Мазкур ўқув-услубий семинарларнинг 2005 йилги якунлари сифатида «Маъруза ўқиш санъати» номли тўплам чоп этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг биз юқорида эслатганимиз қарорида «...билим юртидаги таълим йўналишлари бўйича давлат тилида ўқув қўлланмаларини яратиш» вазифаси ҳам қўйилган эди. Кафедра доценти, педагогика фанлари номзоди Алижон Каримжонов педагогика фанлари номзоди, доцент, подполковник Азим Сотиболдиев билан ҳамкорликда «Ҳарбий педагогика» ўқув қўлланмасини яратишди. «Ҳарбий психология» ўқув қўлланмаси 2004 йили чоп этилиб, ўқув жараёнига жорий этилди. Ҳозирги кеча-кундузда эса «Тарбиявий ишлар услубияти», «Уруш ва тинчлик фалсафаси», «Ҳарбий хизмат этикаси» каби бир қатор ўқув ва ўқув-услубий адабиётларни яратиш устида иш олиб борилаяпти. Курсантлар ва тингловчилар, шунингдек офицерларнинг машғулотларга мустақил тайёргарлик кўришларини самарали ташкил этиш мақсадида, кафедрамиз қошида компьютерлашган электрон кутубхонали ўқув зали ташкил этиш мақсадимиз бор. Ҳарбий билим юртлари, хусусан, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедралари учун ўқитувчиларни тайёрлаш масаласи ҳали ҳам очиқлигича қолмоқда. Ҳозирча эса бу муаммони етарлича тажрибага эга ва педагогик фаолиятга лаёқатли бўлган бўлинма командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларини кафедрадаги ўқитувчилар лавозимларига тайинлаш билан ҳал қилишга ҳаракат қилаяпмиз. Агар, пойтахтимизда фаолият юритаётган ҳарбий академияда ҳарбий фанлар бўйича педагогик-мутахассислар тайёрлайдиган бўлимлар очилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимиздаги ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича ўқув дастурларини мунтазам равишда янгилаб бориш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу жараён ҳарбий таълим тизимидаги барча ўқув юртлари доирасида ўзаро келишилган ҳолда амалга оширилса, айни муддао бўлар эди. Бундан ташқари ҳарбий хизмат билан боғлиқ муаммоларни ҳар томонлама ҳал қилиш мақсадида Мудофаа вазирлиги тасарруфида илмий-назарий журнал таъсис этиш вақти етди, деб ўйлаймиз. Токи мазкур нашр тизимдаги мавжуд илмий-техника ва илмий-педагогик салоҳиятни ўз атрофига жамлай олсин.

Маълумки, умумжамият миқёсида бўлгани каби ҳарбий жамоаларда, ҳарбий хизматчиларнинг оилаларида ҳам ўзига хос ижтимоий, маънавий, иқтисодий, педагогик ва ҳуқуқий муаммолар мавжуд. Уларни самарали ҳал қилиш ҳарбий хизмат фаолиятига шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатади. Бу муаммоларни илмий жиҳатдан ҳар томонлама ўрганиш ҳамда ҳал қилиш учун Мудофаа вазирлиги тизимида социологик тадқиқотлар марказини яратиш мақсадга мувофиқ. Бундай марказ бизнинг кафедрамиз қошида ташкил этилса, айни муддао бўлар эди. Чунки, биринчидан, бу ерда шундай фаолиятга лаёқатли юқори малакали илмий-педагог ходимлар йиғилган, иккинчидан эса, кафедра аъзоларининг бевосита илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланишлари, улар олиб борадиган ўқув машғулотлари самарадорлигининг ошишини таъминлайди. Натижада курсант ва тингловчиларга берилаётган назарий билимларни амалиёт билан боғлаш – ўқув машғулотлар самарадорлигини ошириш имконияти пайдо бўлади.

Подполковниклар – Алипоша АҲМЕДОВ, Чори НАСРИДДИНОВ, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА ЭЪТИБОР

Фарғона гарнизони офицерлар уйида «Ҳарбий хизматчиларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш ҳамда шахсий таркибнинг юксак ҳушёрлигини ошириш ва жанговар шайликни сақлашнинг муҳим омиллари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ватан ҳимоячиларига байрам табригида баён этилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича офицерлар таркибининг вазифалари» мавзусида майор Д.Усмонов маъруза қилди.

Шундан сўнг «Миллий истиқлол ғояси – маънавий юксаклик ва жамият тараққиётининг асоси», «Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш асослари» ва «Ҳуқуқий-демократик давлат ва диннинг тутган ўрни. Ислом дини таълимоти» мавзуларида вилоят Маънавият ва маърифат маркази вакили Ш.Тўйчиев, Фарғона давлат университети ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди доцент Ҳ.Пўлатов, вилоят диний ишлар қўмитаси вакили С.Норматовлар сўзга чиқишди.

Майор Аблай КАМОЛОВ.

ПОВЫСИТЬ ЭФФЕКТИВНОСТЬ СИСТЕМЫ УЧЕБНО-БОЕВОЙ ПОДГОТОВКИ

Старая истина гласит: солдатами не рождаются, ими становятся в повседневном настойчивом ратном труде. В упорной и целеустремленной работе по дальнейшему совершенствованию боевого мастерства, приобретению прочных профессиональных знаний и навыков.

Этому способствует ряд причин. **Во-первых,** новая и новейшая боевая техника, образцы вооружения из года в год усложняются. Если в прошлом столетии среднее по степени сложности техническое устройство состояло из 700–800 деталей, то в настоящее время аналогичное, но современное может состоять уже из 1500–2000 деталей.

Во-вторых, при работе на новой технике и вооружении увеличилось количество операций. Если некогда орудийный расчет для производства выстрела выполнял около 10 операций, то современный стартовый расчет зенитной ракетной установки для пуска ракеты должен произвести свыше нескольких десятков операций.

В третьих, в Вооруженных Силах постоянно увеличивается количество военных специальностей.

Все это требует высокограмотного военнослужащего, **способного, как говорил Президент страны, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами И.Каримов, освоить секреты современной техники,** и все возрастающей интенсификации воинского туда. А также упорства и самоотверженности военнослужащего и боевой спайки воинского коллектива, без которых немыслимы успехи в боевой учебе. Поэтому не случайно основополагающими принципами боевой учебы и важнейшими составляющими военной реформы, определенными Президентом, стали **профессионализм и высокий интеллектуальный уровень, необходимые в процессе боевой подготовки.**

От содержания и качества боевой и общественно-политической подготовки всецело зависят боеспособность и боевая готовность Вооруженных Сил и, как следствие этого, в праздничном поздравлении защитникам Родины глава государства требует: **«Повысить эффективность системы учебно-боевой подготовки и выучки личного состава, обеспечить высокую дисциплину военнослужащих, совершенствование их практических навыков по умелому владению вверенным им современным оружием и техникой».**

Это требование обусловлено возрастающим значением высокой боевой готовности войск в целом и каждого военнослужащего, который в любых условиях обстановки должен действовать решительно, умело, с высокой боевой активностью. Это требует от него значительного увеличения знаний и навыков, необходимых для боя. А от командиров – повышения организационного и методического уровня боевой подготовки и усиления ее практической направленности. Другими словами, **военнослужащие должны мастерски владеть оружием и боевой техникой и самыми разнообразными приемами ведения боя.**

В то же время, каждый воин должен осознать и прочувствовать, что высокого уровня воинского мастерства достичь непросто. Это требует каждодневного, упорного и целеустремленного труда, высокой организованности, дисциплины и ответственного отношения ко всей военной службе; необходимо понять и осознать ту простую истину, что единственный путь к боевому мастерству – это добросовестная боевая учеба, образцовое выполнение задач военной службы и неуклонное следование требованиям воинских уставов.

По каким направлениям должно сегодня идти совершенствование боевой учебы, повышение ее эффективности?

1. По линии повышения качества и действенности каждого занятия по боевой подготовке. Какое бы занятие ни проводилось, будь то строевая подготовка или изучение техники, физическая подготовка или изучение уставов, тактико-специальная подготовка или ОМП – каждое должно проводиться на высоком профессиональном и методическом уровне. Только тогда оно окажет влияние на рост знаний и профессиональное мастерство военнослужащего. При этом важно:

– не допускать срыва или переноса занятий;

– каждое занятие должно быть основательно подготовлено;

– любое занятие по боевой и общественно-политической подготовке должно находиться под пристальным вниманием командира, штаба, органа воспитательной работы.

2. По линии усиления внимания к глубокому освоению и умелому применению оружия и боевой техники. Солдат должен владеть своим оружием в совершенстве. Знать все оружие и боевую технику группы, взвода, владеть многими смежными специальностями, чтобы в нужный момент быть способным заменить своего товарища. Для мастерского овладения оружием и боевой техникой, современной сложной аппаратурой надо использовать не только плановые занятия по технической подготовке, но и изыскивать возможности для проведения дополнительных занятий. Использовать для этого большие возможности технических кружков, технических викторин, вечеров, состязания на звание лучшего по специальности и другие формы работы с военнослужащими.

3. По линии интенсификации учебного процесса. Сейчас, когда срок службы солдата сокращен до 12 месяцев, особое значение приобретает **проблема подготовки специалистов в короткие сроки.** Эта проблема актуальна не только для солдат срочной службы. Сама жизнь настоятельно требует максимально сократить время на подготовку специалиста прежде всего за счет уплотнения учебного времени, интенсивности воинского труда, усиления внимания к профессиональному становлению военнослужащего.

4. По линии широкого внедрения новых и новейших методов обучения и воспитания. Прежде всего, как отмечается в праздничном поздравлении Президента страны, **«активно внедрять методы моделирования и симуляции, другие современные методы обучения, которые призваны обеспечить высокий уровень индивидуальной и групповой подготовки, интеллектуальное развитие военнослужащих».**

5. По линии дальнейшего совершенствования методов проведения на фоне усложнения тактической обстановки, отражающей реалии современного боя, **командно-штабных, войсковых, тактических учений, учений с боевой стрельбой, полетов,** на которых закрепляются полученные знания и оттачиваются навыки, **где практически решается задача – учить войска тому, что необходимо в современном бою.** При этом особое значение приобретают вопросы проведения контртеррористических операций, борьбы против отдельных бандгрупп международных террористов и экстремистов и нейтрализации одиночек – террористов-смертников.

6. По линии дальнейшего совершенствования соревнования в войсках, утверждения в частях и подразделениях атмосферы состязательности. Продолжать совершенствовать и усложнять в духе современных требований традиционный **конкурс на звание лучшего по профессии,** поддерживать и расширять практику проведения всеармейских конкурсов. И как отмечено в праздничном поздравлении Президента: **«Необходимо всемерно совершенствовать систему стимулов для участвующих в конкурсе военнослужащих: досрочно присваивать победителям конкурса очередные воинские звания, увеличить им размер материального вознаграждения, устанавливать дополнительные льготы при поступлении их на учебу в военно-образовательные учреждения».**

Надо добиться, чтобы девиз соревнования этого года: **«Сохранять бдительность, повышать боевую выучку и профессиональное мастерство, быть готовым в любых условиях обстановки надежно защищать Отечество, спокойствие и мирную жизнь народа Узбекистана»** стал не только путеводной нитью в боевом совершенствовании, но и постоянным стимулом роста воинского мастерства.

7. По линии укрепления духовных сил воина, формирования у него патриотизма, осознания правоты нашего дела – дела независимости, строительства правового, демократического государства, гражданского общества, воспитание в духе верности Военной присяге и воинскому долгу. Не будем забывать, что **на подвиг солдата ведут чувство долга и высокая сила духа.**

Мы наследники великих предков и героев-фронтовиков, мы дети независимости, свободные граждане свободной страны – суверенной и независимой Республики Узбекистан. И никто не свернет нас с избранного пути. В верности Родине, народу и Президенту – наша сила и стойкость и наша уверенность в завтрашнем дне. Решить задачу укрепления духовных сил воина – прямая обязанность и святой долг командиров, органов воспитательной работы, всех офицеров и сержантов.

Говоря об учебно-боевой подготовке военнослужащих, мы должны учитывать и тот очевидный факт, что действовать личному составу приходится нередко в исключительно сжатые временные сроки, быстро и точно, на пределе своих возможностей. Все это требует от воинов собранности, внимательности, организованности и дисциплины, а также самообладания и способности быстро реагировать на изменение обстановки и находить правильное решение.

Важно также **учитывать лицо современного врага.** Это требует особой бдительности и боевой настороженности.

Каждому офицеру, сержанту и солдату надо знать и быть уверенным в том, что духовно, политически и психологически мы сильнее любого врага.

Мы сильны потому, что за нами великая и независимая Родина – неповторимая Республика Узбекистан, наша прекрасная и благодатная земля, вскормившая нас на благие дела во славу Отчизны, ныне живущих и будущих поколений.

Мы сильны потому, что мы – хозяева родной страны, ее архитекторы и строители. За нами будущее, потому что мы идем выверенным стратегическим курсом обновления и прогресса, курсом демократии, независимости и свободы, с которого не свернем никогда. И будем всегда надежно и стойко защищать свое родное Отечество, его территориальную целостность, суверенитет, мир и спокойствие наших людей.

Анфим ХЛЫЗОВ.

ВАТАНПАРВАР

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ – МУҲИМ МЕЗОН

САЛОҲИЯТЛИ ПОСБОН – ҚУДРАТЛИ ПОСБОН

Юртимиз истиқлолга эришгач, мамлакат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири – мустақилликни, ҳур диёримизни муносиб ҳимоя қилишга қодир мустаҳкам Қуролли Кучларни тузишга қаратилган эди. Мустақилликнинг дастлабки дадил одимлари ҳам ана шу ғоят улкан ва жиддий вазифа билан боғлиқ. Бугун юртимизда Президентимиз раҳбарлигида узоқни кўзлаган ислоҳотлар изчил амалга оширилияпти. Жумладан, барча соҳаларда бўлгани каби Қуролли Кучларни ислоҳ этиш борасида ҳам муҳим ишлар қилинди. Яъни армияни такомиллаштириш, қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш баробарида посбонларнинг жанговар маҳорати билан интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, таълим-тарбияни тубдан яхшилашга қаратилган тадбирлар ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар сирасидандир.

Бугун нисбатан қисқа фурсатда қилган ишларимиз билан ғурур ва ифтихор қилсак арзийди. Амалга оширилган ишларда, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Қуролли Кучларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳатто, нисбатан бир қатор устунликка эгалиги аниқ кўзга ташланиб туради. Зеро қудратли армиянинг кучи замонавий техника ва қурол-яроғлар билан бир қаторда унда хизмат қилаётган инсонларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Миллий армия сафларида хизмат қилаётган ҳар бир ўғлон ўзини Ватан тақдирига масъул, тақдири Ватан тақдири билан чамбарчас боғлиқ эканини теран англай билиши лозим. Бунинг учун албатта маънавий-тарбиявий ишлар юксак даражада ташкиллаштирилган, йўлга қўйилган, таълим такомиллаштирилган бўлмоғи муҳимдир.

Таълим ва тарбия эгизак тушунча. Бугун таълим-тарбия иши ғоят мураккаб тус олган. Аслида тарбия ҳамма замон ва даврларда ҳам биринчи ўринда бўлиб келган. Бизнинг давримизга келиб у бирмунча мураккаблашди. Негаки давримиз техника ва ахборот технологиялари асри деб аталади. Ахборот тезлиги шу қадар каттаки, уларни лозим даражада тушуниб, ажратиб олиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бугун сўзнинг қудратли восита эканлиги амалда ўз исботини топмоқда. Ахборот хуружи таъсирида бир давлатнинг иккинчи бир қудратлироқ давлат таъсирига тушиб қолиши ҳам буни яққол акс этади. Демак, таълим-тарбия ишининг тубдан яхшиланмоғи давр талаби эканлиги ҳам кўриниб турибди.

Президентимиз шундай таъкидлайди: «Барча бўғиндаги командирларнинг энг муҳим вазифаси – армиядаги тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ватанпарварлик ҳиссиётини кучайтиришдан иборат эканини яхши англаб олишимиз зарур...»

Бугунги посбон нафақат жисмонан ва жанговар билимларни пухта ўзлаштирганлиги, балки маънавиятининг етуклиги, интеллектуал салоҳияти, дунёқарашининг кенглиги, замонавий техника ва технология воситаларидан моҳирона фойдалана олиши, ҳар қандай жойда етакчилик қила олиш қобилияти билан ҳам ажралиб туриши керак. Шу асосда бугун олий ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларида таълимнинг такомиллаштирилган, чуқурлаштирилган дастури амалга татбиқ этиляпти. Малакали офицер ҳамда ўқитувчилар курсантларга соҳа сирларини мукаммал ўргатишмоқда. Билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактаблари кутубхоналари янги-янги адабиётлар билан бойитилмоқда. Шунингдек, бундай даргоҳларнинг ўқув-моддий базасини бойитиш, янги, замонавий техник ва технологик воситалар билан тўлиқ таъминлаш юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Олий ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларидаги таълим дастурига киритилган ўзгариш ва янгиланишлар, замонавий фанлар худди шу мақсадларда бўлажак профессионалларга хизмат қиляпти, уларнинг билим ва кўникмалари ошишида қўл келяпти.

– Сержантлар тайёрлаш мактабимизда курсантлар 9 ой давомида таълим олишиб, ҳарб санъатидан пухта сабоқ олишади, – дейди офицер Олим Йўлдошев. – Бугун таълим дастурига янги дарслар киритилган, цикллар кенгайтирилган. Бўлажак профессионалларимиз ҳарбий билимлар билан бирга юртимизда кечаётган ислоҳот ва янгиланишлардан ҳам хабардор бўлиши, профессионал деган номга ҳар жиҳатдан муносиб бўлишини кўзлаб, қатор янги машғулотлар дастурдан ўрин олган.

Худди шундай янги тадбирлардан бири сифатида Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида электрон кутубхона ташкил этилганини ҳам айтиб ўтиш мумкин. У ҳар тарафлама қулайлиги билан билим юрти шахсий таркибига ғоят манзур бўлмоқда.

–Электрон кутубхона билим юртининг информатика ва алоқа кафедраси қошида ташкил этилди, – дейди ушбу кафедра ўқитувчиси офицер Бахтиёр Исматов. – Унинг тўлиқ иш бошлаши ва барча ташкилий ишларда билим юрти раҳбарияти ҳамда Мудофаа вазирлиги бошқош бўлди. Малакали мутахассис-ўқитувчилар ва билим юрти жамоасининг изчил ҳаракатлари билан 2006 йилнинг сентябрь ойидан электрон кутубхонамиз тўлиқ ишга тушди.

Дарҳақиқат, электрон кутубхонанинг билим юрти профессор-ўқитувчилари таркиби ва курсантларга қулайлик туғдириб, шу билан бирга ўқув жараёнининг ҳам замонавий ахборот технологиялари асосида ўқув материаллари ва бошқа турдаги ахборотлар билан таъминланишида сифатли хизмат кўрсатаётгани яққол кўриниб турибди. Нашр этилган ишларнинг электрон вариантлари, маърузалар материаллари, диссертациялар, қўлланмалар, фотоальбомлардан фойдаланиш имконини яратиш, излаган маълумотни тезкорлик билан топиш, керакли жойидан жадал нусха олиш жараёнида қўл меҳнатига нисбатан замонавий техника воситасида анча вақт ҳамда меҳнатни тежаш имконини бериши ва бошқа жиҳатлар электрон кутубхонанинг ютуқли томонидир. Кутубхона фондида фанлар билан бирга қўшимча ахборотлар ҳам йиғилган, улар нафақат компьютердаги маълумотлар базасида, балки фанлар бўйича компакт дисклари каталогида ҳам мавжуддир. Шунингдек, ўқув фильмларининг ҳам борлиги, фақат ўқув фанларидаги эмас, балки оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган соҳага доир янги, долзарб маълумотлар, интернет хабарлари, илмий-оммавий нашрлардан олинган маълумотлар ҳисобига бойитилиб бориши мақтовга сазовор жиҳат. Электрон кутубхонадаги маълумотлар узоқ муддат сақланиши эса янаям аҳамиятли. Ўз навбатида бундай тадбирларнинг посбонлар билим ва малакаси ошишига хизмат қилиши ҳаммамиз учун ҳам қувонарли.

Ҳа, тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Зеро, ҳар бир даврда ҳам жисмоний соғлом, ақлан зийрак ва маънавий баркамол инсонни тарбиялаш бағоят долзарб масаладир. Президентимиз айтганидек, маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ.

ЭЛУ ЮРТ СУЯНАР МАРД ЎҒЛОНЛАРГА

Маълумки, олий ҳарбий билим юртлари Қуролли Кучларимиз саф ва бўлинмаларига малакали офицер кадрлар етказиб бераётган нуфузли билим масканларидан саналади. Уларда таълим-тарбия олган сардорларни тинчлик ва барқарорлигимизни асраш йўлида фидойиликни касб этган мардлар, истиқлолимиз жонкуярлари десак, хато қилмаймиз. Офицерлик – шарафли касб. Бу соҳада фақат асл мардлар, Ватан тақдирини ўз тақдирида кўрган, машаққатлардан асло чўчимай ғайрат камарини маҳкам бойлаган фидойилар хизмат қилишади. Юксак фазилат бўлган мардлик туйғуси тоза юракларда, беғубор қалбларда барҳаёт умр кечиради. Мард инсонга эса бемалол суяниш, улуғлаш ва масъулиятли вазифаларни ишониб топшириш мумкин. Бугун олий ҳарбий билим юртларида таълим олаётган эртанги офицерлар, яъни курсантларимиз ҳам ана шундай мард, шижоатли ва фидойи азаматлар сирасидандир.



Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Сирожиддин Ибрагимов ҳам соҳага юксак ишонч ва қайноқ шижоат билан кириб бораётган қатъий мақсадли ўғлонлардан. У ёшлигиданоқ тенгқурлари орасида жасурлиги, иродали ва ўзига ишониши, мустақил фикри борлиги, ўктамлиги, етакчилик қобилияти ва ҳамиша ожизларга ёрдам кўрсатиши билан алоҳида ажралиб турарди. Ундаги бундай хислатларни кўрган катта ёшдаги кишилар, сен улғайганингда эл хизматига камарбаста командир ё бошлиқ бўласан шекилли, ишқилиб орзуингга етгин, дея дуо қилишарди. Вақт ўтиб билдирилган фикрлар ўз тасдиғини топди. Кўпнинг дуоси кўл, дейдилар. Сирожиддин шарафли соҳа бўлган ҳарбий хизматни танлади.

Аслида нор йигитда жасоратли ва матонатли соҳага ҳавас болаликдан уйғонган эди. Бу йўлда у кўп изланди, ўқиди, спорт билан мунтазам шуғулланиб, ҳарбий касбга тайёрланиб борди. Тиришқоқлиги, бир ишга аҳд қилса жонжаҳди билан киришиб, мақсадга етгунча ортга чекинмай, мудом олға интилиши фойда берди. Ҳали ўсмирлик давридаёқ мактабда фанлар бўйича ўтказиладиган мусобақаларда, жамоат ишларида фаол қатнашиб юриб бир неча бор ота-онасига раҳматлар келтирди. Спортда эса бокс ва тайбокс йўналишларида кетма-кет фахрли ўринларни қўлга киритиб, 2- ва 3-разряд соҳиби бўлди.

Ўқитувчи-хизматчи оиласида тўнғич фарзанд бўлиб дунёга келган Сирожиддинга бевосита вояга етаётган муҳити ҳам ижобий таъсир кўрсатар эди. Албатта, ҳар бир фарзанд дастлабки тарбияни ўз оиласидан, туғилиб ўсган хонадонидан олади. Сирожиддинга ҳам илм-маърифат юксак қадрланадиган, фақат ҳалол меҳнат билан ризқ топиб, бу фоний дунёда инсонлар ҳожатини чиқариб яшаш улуғ саодат экани мудом уқтириладиган ушбу оилада тарбия топиш унинг ўз келажак йўлини танлашида муҳим дастуриламал вазифасини ўтади. Бундан ташқари ҳар бир оилада ҳам тўнғич фарзанднинг масъулияти катта бўлиши табиий ҳол. У ота-онасининг биринчи ёрдамчиси, ўзидан кичик укаларига эса етакчи, ҳимоячи бўлиб шаклланa боради. Кичик укалар акалардан ибрат олади, улар каби натижаларга эришишга интилишади. Сирожиддин ҳам доимо укаларига ғамхўрлик кўрсатарди. Келажакда қайси касбда ишлаш ҳақида оилада ўзаро суҳбат бораркан, ака укаларига ҳарбийликнинг фазилатларини, бу касбнинг жозибаси ва унга қанчалар ҳавас қилишини тўлқинланиб сўзларди. Ўз навбатида бундай суҳбатларни кузатиб юрган ва фарзанддаги бу қадар чуқур ҳавасни кўрган ота-она ҳам унинг истакларини қўллаб-қувватлади. Шу тариқа тўлиқсиз ўрта таълимдан сўнг Сирожиддин ўз севган соҳасига илк қадамини қўйди. Яъни ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи лицейда таҳсилни давом эттирди.

Лицей ҳаёти унинг учун катта мактаб, шаклланиш йўлидаги муҳим босқич бўлди. Сирожиддин бу ерда ҳарбийча ҳаётга тобора яқинлашганини, ҳарбу зарб санъатига оид билим ва тасаввурлари янаям ўткирлашиб, мардлар касбининг шарафли ва масъулиятли томонларини кўпроқ англаганини тушунди. Ўз навбатида тажрибали устозлардан олган сабоқлари натижаси ўлароқ жисмоний ва маънавий томондан ҳам пишиб-тобланди. Дунёқараши ўсди, интеллектуал салоҳияти ривожланди. Лицейни муваффақиятли тамомлагач эса орзулар йўлидаги асосий довонларни ошиб ўтишга тайёргарлик бошланди. Энди галдаги муҳим ва ҳал қилувчи қадам олий ҳарбий билим юртига ўқишга кириш, эгнига жанговар либосни илиб курсант деган номга сазовор бўлиш эди. Албатта, бу осонликча қўлга киритиладиган иш эмас. Бугун ҳарбий бўлишни истаганларга талаблар юксак, талабгорлар эса кўп. Улар орасидан ютиб чиқиш енгил кечмайди. Пухта тайёргарлик зарур, ҳар томонлама билимдон, соғлом, бақувват, синов ва имтиҳонларни мардона енгиб ўтган, ҳар қандай вазиятда керакли тадбирни қўллай оладиган ва топағонларгина ўзини бахтли санаши мумкин.

Имтиҳонлар арафасида Сирожиддин яна тайёргарликка зўр берди. Тинимсиз ўз устида ишлаб, ўрганганларини қайта-қайта такрорлаб чиқди. Буни қарангки, бахти кулган экан. Интилганга толе ёр деганларидек, у олий ҳарбий билим юрти курсанти деган номга сазовор бўлди. Мақсад йўлидаги улкан довонни забт этган йигит қувонч ва шодлигини дўст-яқинлари билан баҳам кўраркан, бундан буён ҳам тинимсиз ўқиб, фақат олдинги ўринларга интилишни кўнглига тугиб қўйди.

Мана, у бугун бўлажак офицер. Жанговар санъат илмини мукаммал эгалламоқда. Ўқишга кирган пайтда кўзлаган ниятларини амалга ошириш учун ҳамиша изчил ҳаракат қилиб, чин йигитларга хос ўз сўзининг устидан чиқиб келяпти. Ҳатто, намунали ўқигани учун шахсан Мудофаа вазирининг эсдалик нишонини олишга ҳам мушарраф бўлди. Бу унга янаям куч берди, орзуларга қанот, муваффақиятларга интилишида илҳом бағишлади.

– Мен шу нарсага амин бўлдимки, - дейди у. – Инсон интилса, астойдил меҳнат қилса, қийинчиликларни бемалол енгиб ўтиб, муваффақиятга эришар экан. Бугун барча устозларимдан, бизга таълим-тарбия бераётган ўз касбининг моҳир устаси бўлган ўқитувчи офицерлар ва командирларимдан ҳамда мусобақадош дўстларимдан чексиз миннатдорман. Жумладан, ҳарбий автомобиллар техникаси тайёргарлигидан сабоқ берувчи офицер Меҳриддин Одинаев, автомобиллардан фойдаланиш тайёргарлиги ўқитувчиси офицер Андрей Фадеев, взвод командиримиз офицер Мансур Набиев ва барча-барчасига ташаккур. Уларнинг фанларни пухта ўргатганлари сабаб, ғалабаларга эришмоқдамиз. Келажакда мен ҳам эгаллаган билимларимни улар каби ўз қўл остимдагиларга ўргатишимни ўйласам ҳам масъулият ҳиссини туяман, ҳам фахрланаман. Режаларим эса улкан. Энг асосийси, соҳанинг билимдони бўлиб, юрт осойишталиги йўлида фидокорона хизмат қилишдир.

Катта лейтенант Сардор КОМИЛОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

КЕЛАЖАГИН ЯРАТАР ЁШЛАР

Республикамизда бошқа соҳалар қаторида Қуролли Кучлар тизимида ҳам қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда-ки, бу Ватанимиз ҳимоячиларини она юртимизни жон дилдан севиб, уни кўкракларини қалқон қилиб ҳимоя қилишдек муқаддас ишга руҳлантирмоқда.

Айниқса, Республика Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги Қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларимизга бериладиган имтиёзлар тизими янада такомиллаштирилди. Тавсияномани қўлга киритган ўғлонларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 25 фоизлик имтиёзи жорий этилди. Шунингдек, Тавсияномага эга бўлиб, танлов давомида етарли балл тўплай олмаган йигитлар ўқишнинг қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий, педагогика ва техник йўналиши бўйича олий ўқув юртларига тўлов-контракт асосида қабул қилиниши, шу асосда ўқишга қабул қилинган, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган талабаларга эса «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан контракт суммасининг 35 фоизи тўлов тариқасида тўланиши ҳам белгиланганди. Ёшларимизга кўрсатилаётган бу каби ғамхўрликлар Қуролли Кучларимиз сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларни янада руҳлантириб юборди.

Ҳарбий хизмат том маънода ёшларнинг ҳаётга теран назар билан қарашида, уларда юксак ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришда, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқишида ўзига хос мактаб ҳисобланади.

Йилдан-йилга мамлакатимиз олий ўқув юртларига ҳужжат топшираётган абитуриентлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларнинг сони кўпайиб бормоқда.

Мен ўзим талабалар билан ишлаш жараёнида шунга амин бўлдимки, ҳарбий хизматни ўтаб, ҳар томонлама чиниқиб, ҳам маънан, ҳам жисмонан етилиб, шаклланиб қайтган ёшларимиз ўқиш давомида алоҳида ажралиб, сабоқдошларига ўрнак, намуна бўлиб келишмоқда. Демак, ёшларимиз армияда иродали, шижоатли, фаол ва матонатли ўғлонлар бўлиб камол топишмоқда. Ўзбекистон Миллий университетнинг қарийб барча факультетларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг етакчилари, гуруҳ сардорлари, спорт ташкилотчиларининг аксарияти ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлардан иборат. Бу уларга ҳар томонлама ишонса, суянса бўлади дегани ва улар бу вазифаларни аъло даражада ўташмоқда.

– 2006-2007 ўқув йилида университетнинг турли факультетларига ҳужжат топшириб, талабалар сафига қабул қилинганлардан 81 нафари муддатли ҳарбий хизматни битириб қайтган ёшлардир, – дейди биз билан суҳбатда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўқув-услубий бошқармаси раҳбари, юридик фанлари номзоди В.Топилдиев, – ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларнинг ўзини тутиши, фикрлаши, билимга чанқоқлиги, жамоатчилик ишларидаги фаоллиги тезда кўзга ташланади.

Биз ҳарбий хизматдан чиниқиб, аъло хизматлари туфайли Тавсияномани қўлга киритган, ҳозирда университетнинг нуфузли факультетларида таълим олаётган талаба-ёшлар билан суҳбатлашдик.

Элдор Мадаминов – геология факультетининг 1-босқич талабаси.

– Мен Хоразм вилоятининг Хозарасп туманиданман. Ота-онам мактаб ўқитувчилари. 2003-2004 йилларда хизматни мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида ўтадим. Кўп машқ қилдим, ўз устимда ишладим. Хизматим намунали бўлди, шу сабабли, ҳарбий қисм қўмондонлиги Тавсияномасига эга бўлдим. 2005 йил Тошкентга ўқишга келдим. Тест синовларидан ўтдим, аммо тўплаган балларим етмай, тўлов-шартнома асосида ўқийдиганлар рўйхатига тушиб қолдим. Ҳужжатларимни қайтариб олиб, бир йил давомида жиддий тайёргарлик кўрдим. Навбатдаги уринишда яхши натижага эришиб, тест синовларини муваффақиятли топширдим ва юқори балл тўпладим. Мана, давлат гранти асосида ўқияпман. Ўқишимда ҳам ҳарбий хизмат вақтидаги машғулотлар, жисмоний чиниқиш, маънавий ва руҳий тайёргарликларим жуда асқотаяпти. Фақат «аъло» баҳоларга ўқишни ният қилганман.

Ориф Жабборов – биология-тупроқшунослик факультетининг 1-босқич талабаси.

– Мен Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон туман мудофаа ишлари бўлими томонидан ҳарбий хизматга чақирилганман. Ҳарбий соҳанинг сир-асрорларини маҳоратли офицер ва сержантларнинг сабоқлари орқали мукаммал эгалладим. Ҳарбий қисм қўмондонлиги намунали хизматимни



TAVSIYANOMA QK 017724

Berildi [illegible] ga,
19[illegible] yilda tug'ilgan, O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida 2004 yilning [illegible] oyidan 2005 yilning [illegible] oyigacha ______ harbiy qismda muddatli harbiy xizmatni o'tagan.

Ushbu tavsiyanomaning egasiga O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003-yil 22-maydagi 227-sonli Qarorining 3-moddasiga muvofiq respublika oliy ta'lim muassasalariga o'qishga kirayotganida test sinovlarida to'planishi mumkin bo'lgan eng ko'p ballning 20 foizi miqdorida qo'shimcha imtiyoz berilsin.

Tavsiyanoma harbiy qism komandirining 2005 yil "16" [illegible] dagi [illegible] sonli buyrug'iga asosan berildi.

Tavsiyanoma berilgan kundan boshlab uch yil mobaynida haqiqiy hisoblanadi.

[illegible]

2005 yil "16" [illegible]

инобатга олиб, Тавсиянома берди. Хизматдан резервга бўшаб, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги тайёрлов бўлимига кириб ўқидим. Ўзбек тили ва адабиёти, кимё каби фанлардан пухта тайёргарлик кўрдим. Университет тайёрлов бўлимида Президентимизнинг Қарорига биноан ҳарбий хизматни ўтаганларни бепул ўқитишди. Тест синовларидан ўтиб, тўплаган балларим давлат гранти асосида ўқишга киришим учун озгина етмади. Контракт-тўлови асосида ўқияпман. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилоти контракт-тўловининг 35 фоизини тўлади. Бу ҳам ҳукуматимиз томонидан биз ёшларга кўрсатилаётган катта эътиборнинг бир намунасидир. Ҳарбий хизмат мени кўп нарсага ўргатди, ҳозирда ҳаётни теран тушунишимга ва яхши ўқишимга катта ёрдам бераяпти.

Бердиёр Исроилов – фалсафа факультетининг 1- босқич талабаси.

– Мен Самарқанд вилояти Иштихон туманида туғилганман. 2004 йил ҳарбий хизматга чақирилдим. Хизмат биз ёшларни анча чиниқтирди ва ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизда катта ёрдам берди. Жисмоний машқлар, ижтимоий-сиёсий тайёргарликлар, жанговар ва маънавий-маърифий машғулотлар фикримиз ўсишига яхши таъсир қилди. Шахсан мен ҳарбий хизматни намунали ўтадим. Шу боисдан Тавсиянома беришди. Хизматдан кейин ҳужжатларимни Ўзбекистон Миллий университетининг фалсафа факультетига топширдим. Мен ҳарбий хизматга бормасдан олдин ҳам олий ўқув юртларининг бирига ўқишга кириш учун уриниб кўргандим, аммо тест синовларидан етарли балл тўплай олмасдан, ўқиш мен учун армон бўлиб қолган эди. Мана, ҳарбий хизматда берилган имтиёзларнинг шарофати билан ушбу факультетнинг «Миллий истиқлол ғояси» бўлими талабаси бўлдим. Ўқишларим яхши, устозларимни жон қулоғим билан тинглайман. Қолаверса, фалсафанинг ўзи қизиқарли фан. Гуруҳимизда ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар олти нафарни ташкил этади. Сабоқдошларим билан аҳил-иноқмиз. Ўқишда ҳам фаоллик қилишга ҳаракат қилаяпман. «Камолот» ЁИҲнинг гуруҳимиздаги етакчисиман.

Ҳа, армияни ҳаёт мактаби, деб бежизга айтишмайди. Айниқса, мустақиллик шарофати билан ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган изчил ислоҳотлар миллий армиямизнинг нуфузини орттириб, халқимиз онгида бу шарафли касбга, хизматга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантирди. Ҳозирда армияда хизмат қилиш ёшларимизнинг орзусига айланиб улгурди. Муддатли хизматни, ўз йигитлик ва конституциявий бурчини шараф билан ўтаб, Ватан ҳимоясига, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшган ёшларимиз ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашишмоқда. Улар учун барча эшиклар очиқ.

Биз муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, Ватан олдидаги шарафли бурчини адо этиб, юзи ёруғ бўлган ва ўз келажагини яратиш йўлида илм чўққиларини забт этаётган ёшларимизга омад тилаб қоламиз.

Юсуфжон ҲАМДАМОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти.

Информация в номер

СОСТОЯЛАСЬ КОНФЕРЕНЦИЯ

В Джизакском высшем военном авиационном училище состоялась научно-практическая конференция на тему: «Актуальные вопросы воспитания военнослужащих в духе национальной идеи».

Целью данного мероприятия явилась выработка совместных рекомендаций воспитательному активу по дальнейшему совершенствованию путей и методов воспитания молодого поколения, в том числе военнослужащих, в духе преданности идеологии национальной независимости. Представители всех высших военно-образовательных учреждений страны, ведущие ученые вузов области, специалисты общественных организаций и правоохранительных органов, а также профессорско-преподавательский состав училища обсудили эти актуальные вопросы.

На конференции было заслушано свыше 25 докладов по актуальным проблемам воспитательного процесса в молодежной среде.

Наибольший интерес вызвали у слушателей выступления доктора филологических наук, профессора У.Носирова, доктора исторических наук профессора Ф.Ахмедшиной, подполковника А.Исмоилова.

Подполковник Абдурашид ШАРИПОВ.

ҲАРБИЙЛИККА ҚИЗИҚИШ КАТТА

Миллий армиямиз офицери бўлишни, эгнига ҳарбий либос кийишни истайдиган ёшларни кўплаб учратамиз. Лекин, уларнинг барчаси ҳам бунинг учун нима қилишни, қаерга ва кимга мурожаат этишни, қай йўсинда тайёргарлик кўришни билмаслиги мумкин. Демак, бу борада олиб бориладиган тушунтириш ишлари, тавсия ва кўрсатмалар шарафли ва масъулиятли касбни эгаллаш, Қуролли Кучларимиз сафларида йигитлик бурчини ўташ иштиёқида ёнаётганлар учун айни муддаодир. Таъкидлаш жоизки, мудофаа ишлари бўлимлари томонидан ўтказилувчи ва айнан юқоридаги мақсадларга йўналтирилган тадбирлар бу борада айниқса, катта самара бермоқда. Тошкент шаҳар Сергели туманидаги молия иқтисодиёт ва политехника касб-ҳунар коллежларида туман мудофаа ишлари бўлими билан ҳамкорликда шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди.

Тадбирда билим даргоҳи ўқитувчилари ва талабалар, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети ва Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти офицер ва курсантлари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар ҳарбий хизмат турлари ва Ватан ҳимоячилари учун бериладиган қатор имтиёзлар, юртимиздаги олий ҳарбий билим юртлари ва уларга ўқишга кириш шартлари, топшириладиган ҳужжатлар ҳамда имтиҳонлар, ўтказиладиган махсус кўрик-танлов, қолаверса, Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва улардан кўзланган асосий мақсад тўғрисида батафсил маълумот бердилар.

Курсантлар Маҳмуд Ибрагимов, Ҳусан Пайзиев ва Баҳром Бойтаевлар ҳам таҳсил олаётган олий ҳарбий билим юрти, курсантлик даври, ўқиш ва дам олиш, спорт билан шуғулланиш ҳамда бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун яратилган шарт-шароит, қулайликлар ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Талабалар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. Айниқса, курсант акаларининг фикр-мулоҳазаларидан таъсирланган аксарият йигитлар олий ҳарбий билим юртига ўқишга киришда ўз омадларини синаб кўришларини айтишди. Улар орасида ўз билим ва маҳоратини оширган ҳолда курсантлик сари дадил илдамлаётган талабаларнинг кўплиги ниҳоятда қувонарли ҳолдир. Ажаб эмаски, вақти келиб айнан ўша йигитлар ҳарбий соҳа билимдонлари, ҳақиқий профессионаллар бўлиб етишиб чиқса.

Ҳасан МИРСУЛТОНОВ.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ГУРУҲЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА ЁРДАМ

ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА КАТТА ҲИССА ҚЎШГАН БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон инсоният оламининг дастлабки босқичларидан бошлаб, энг қадимги аждодларимиз яшаган минтақалар қаторига киради ҳамда жаҳон цивилизациясининг илк марказларидан ҳисобланади. Бу ўлканинг Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари улуғ фарзандлари яратган асарлар жаҳон илм-фани ва маданияти хазинаси дурдоналари бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

ХОРАЗМИЙ
(783 – 850 й.й.)

Ўрта осиёлик машҳур математик, астроном Хоразмий – Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ёшлигиданоқ илм-фанга қизиқ-қанлиги учун у ўша даврда катта илмий ва маданий марказ ҳисобланган Бағдодга таклиф қилинади ва дастлаб халифа ал-Маъмун (813 – 833 й.й.), сўнгра ал-Мутасим (833 – 842 й.й.) ва ал-Восиқ (842 – 847 й.й.) саройларида ишлайди.

Хоразмийнинг илмий фаолияти ушбу илм даргоҳларида равнақ топади. У Шарқнинг илк академияси – "Байт ул-Ҳикмат" ("Донолар уйи")да фаол иштирок этган. Бу ерда унинг раҳбарлигида араблар ва бошқа халқлар вакиллари билан бир қаторда Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий каби Ўрта осиёлик олимлар ҳам тадқиқотлар олиб борганлар.

Хоразмий ўз даврида диний-мафкуравий дунёқараш ҳукмронлигига қарамай, ўзининг табиий-илмий фаолияти билан илғор ижтимоий-фалсафий тафаккурга йўл очди. У математикада абстракция тушунчасини кенгайтирди. Индукция йўли билан умумий ечиш усулларини ҳал қилди ва дедукция йўли билан умумий усуллар ёрдамида турли хусусий масалаларни ечди. Унинг асарлари дунёвий фанларнинг ислом динидан мустақил ривожланишига йўл очди. Хоразмийнинг фан соҳасидаги ютуқлари ўрта асрларда ҳукмронлик қилган фалсафага қаттиқ зарба берди.

Хоразмий ўзининг "Ал-жабр ва ал-муқобала" рисоласида олимларни уларнинг ишлари характери бўйича 3 гуруҳга бўлади:

1) "Улардан бирлари ўзларигача қилинмаган ишларни қилиб, уни келажак авлодга қолдириб, ўзгалардан ўзиб кетадилар";

2) "Ўзгалар ўтмишдошлари меҳнатларини шарҳлаб берадилар ва бу билан қийинчиликларни енгиллаштирадилар, қулфларни очадилар, йўлларни ёритадилар, бу эса тушунишни осонлаштиради";

3) "...ёки бу одам баъзи китоблардаги нуқсонларни топади ва узилганларни улайди".

Шу классификация бўйича Хоразмийнинг ўзини "алгебра"нинг муаллифи сифатида биринчи гуруҳга, "арифметика"си билан иккинчи гуруҳга киритиш мумкин.

Хоразмий ўз илмий фаолиятини, аввало ўша даврдаги табиий фанларни ривожлантириш, табиатни ўрганиш ва дунёни тажриба йўли билан билиш ва бошқа масалаларга қаратди.

Хоразмийнинг номини тарихда қолдирган асарларидан бири – "Ал-жабр ва ал-муқобала" рисоласидир.

827 йилда Хоразмий раҳбарлигида Ер куррасининг катталигини аниқлаш мақсадида Ер меридианининг бир градуси ўлчаб чиқилди.

Хоразмийнинг "Устурлоб ҳақида рисола", "Қуёш соатлари тўғрисида рисола", "Тарих рисоласи", "Мусиқа рисоласи" каби асарлар ҳам ёзганлиги тўғрисида маълумотлар бор, аммо улар бизгача етиб келмаган.

Хоразмий буюк математик ва географ, алгебра фанининг асосчисидир. «Алгерба» сўзи унинг «Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала» номли рисоласидан олинган.

Хоразмийнинг арифметика рисоласи ҳинд рақамларига асосланган бўлиб, ҳозирги кунда биз фойдаланадиган ўнлик позицион ҳисоблаш тизими ва шу тизимдаги амалларнинг Европада тарқалишига сабаб бўлган. Олимнинг номи эса «алгоритм» шаклида фандан абадий ўрин олган. Хоразмийнинг «Зиж»и Европада ва Шарқда астрономиянинг ривожланишига асос солди.

Буюк алломанинг 20 дан ортиқ асарларидан атиги 10 таси бизгача етиб келган.

БЕРУНИЙ
(973 – 1048 й.й.)

Беруний – Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад (973.4.9. қадимги Кот (Кат) шаҳри – 1048.11.12. Ғазна (ҳозирги Афғонистонда) улуғ ўзбек мутафаккир олими, ўрта асрнинг буюк даҳоларидан бири бўлган.

Беруний ўз замонасининг ҳамма фанларини, биринчи навбатда фалакиёт (астрономия), физика, риёзиёт (математика), илоҳиёт, маъданшунослик фанларини пухта эгаллаган. Бу фанлар тараққиётига қўшган ҳиссаси билан унинг номи дунё фанининг буюк сиймолари қаторидан жой олди. Унинг насл-насабида «берун» сўзи «ташқи шаҳар», «Беруний» эса «ташқи шаҳарда яшовчи киши» маъносини билдиради.

Беруний ёшлигида машҳур олим Абу Наср ибн Ироқ Мансур қўлида таълим олади. Ибн Ироқ фалакиёт ва риёзиётга оид бир қанча асарлар ёзади ва шулардан 12 тасини Берунийга бағишлайди. Беруний ҳам устозининг исмини ҳамма вақт зўр ҳурмат билан тилга олади.

Беруний фаннинг деярли ҳамма соҳаси билан шуғулланди. Шарқнинг бой фани ва маданиятини пухта ўрганиб, юнон илми билан ҳам чуқур танишди. Беруний шоир, адабиётшунос ҳам эди. Она тилидан ташқари араб, сўғдий, форс, сурёний, юнон ва қадимий яҳудий тилларини эгаллади.

Кейинчалик Ҳиндистонда санскрит тилини ўрганди. Ўз илмий асарларидан бирида ёзишича, Беруний Хоразмда яшаган даврида 990 йилдан Кот шаҳрида муҳим астрономик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлар учун ўзи астрономик асбоблар ихтиро қилган. Мамлакатда тахт учун бошланган курашлар олимнинг бу илмий ишларини давом эттиришга имкон бермади.

Беруний 22 ёшида Ватанини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. У қадимий Рай шаҳрига (ҳозирги Теҳрон яқинида) боради. Райда анча оғир ҳаёт кечиради, моддий қийинчиликларга дучор бўлади. Олим 998 йилдан кейин Журжонга келади ва бу ерда иккинчи устози табиб, фалакиётшунос ва файласуф Али Саҳл Исо ал-Масихий билан танишиб, ундан таълим олади. Ўша вақтда Каспийолди вилоятларида зиёлийлар сулоласи (928 – 1042 й.й.) ҳукмронлик қилган. Бу сулоланинг вакили Қобус ибн Вашмгир (1012 йилда ўлдирилган) ёш олимни ўз ҳимоясига олади. Ёқут Хамавийнинг ёзишича, Қобус ибн Вашмгир Берунийга вазирлик лавозимини таклиф қилган, лекин олим бунга рози бўлмаган.

Беруний «Ал-осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарини Журжонда муҳожирлик даврида ёза бошлаган ва 1000-йилда тамомлаган. Беруний уни ёзиш учун турли халқлар тарихи, маданияти ва тилларини ўрганди.

Беруний 1005 йилларда Хоразмга қайтади ва сўнгроқ уни янги ҳукмдор Али Аббос Маъмун 11 саройга яқинлаштиради. Ўша даврда Урганчда Хоразмшоҳ саройида кўп машҳур олимлар тўпланиб, фаннинг турли соҳаларида илмий ишлар олиб борадилар. «Маъмун академияси» деб номланадиган бу анжуманнинг фаолиятида Беруний муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, у шоҳ Маъмун 11 нинг энг яқин маслаҳатчиси сифатида мамлакат сиёсий ишларида ҳам фаол қатнашади.

Берунийнинг Ибн Сино билан ёзишмалари ҳам унинг Хоразмда турган даврида бўлган. Уларнинг савол-жавобларидан ва Берунийнинг Ибн Синога ёзган хатларидан бизгача фақат 18 таси етиб келган. Бу ёзишмалар унинг табиат фалсафаси ва физика масалалари билан ҳам қизиққанини кўрсатади.

Хоразм Маҳмуд Ғазнавий томонидан (1017 й.) босиб олингач, Беруний Хоразмшоҳ саройидаги бошқа бир қанча олимлар билан биргаликда Ғазна Шаҳрига олиб кетилади. Берунийнинг Ғазнадаги даври унинг илмий фаолияти учун энг маҳсулдор давр бўлди.

Берунийнинг «Хоразмнинг машҳур кишилари» асари ҳам шу даврда яратилган. Унинг геодезияга оид муҳим асари «Таҳдид ниҳоёт ил-амокин ли тасҳиҳ масофот илмасокин» («Турар жойлар орасидаги масофаларни аниқаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш») 1025 йил 18 ноябрда ёзиб тугатилган. Бу асарнинг бирдан-бир қўлёзмаси Истанбулда бўлиб, биринчи марта рус тилига шу қўлёзмадан «Геодезия» номи билан таржима қилинди (Тошкент, 1966 й.). «Геодезия» Берунийнинг дунёқарашини белгилашда бой манбалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Берунийнинг «Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар» асари ҳам 1029 йилда Ғазнада ёзилган. Асарнинг форсча ва арабча нусхалари бизгача етиб келган. Унда ўша замон астрономияси билан боғлиқ бўлган бир қанча фанлар ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Берунийнинг машҳур «Ҳиндистон» асари – «Таҳқиқ мо ли-л-Ҳинд мин маъқула бақбула фи-л-ақл ав марзула» («Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби») 1030 йилда ёзилган. Бу асар Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан юксак баҳоланган.

Маҳмуд Ғазнавийнинг Ҳиндистонга қилган юришларида Беруний шоҳга ҳамроҳ бўлган. Гарчи олимнинг Ҳиндистонда қачон ва қандай яшагани аниқ бўлмаса-да, Хоразмдан олиб кетилгандан кейин бир оз вақт Ҳиндистоннинг шимолидаги Нандна қалъасида яшагани маълум. Ҳиндистонда санскрит тилини пухта ўрганиш унинг ҳинд маданияти, адабиёти ва Ҳиндистоннинг ўша давр олимлари билан яқиндан танишишига ҳамда бу мамлакат ҳақида асар яратишига имкон берди.

Олимнинг «Ҳиндистон» номли асари ҳажми жиҳатидан жуда катта асар. Унда ҳинд адабиёти, фалсафаси, аниқ фанлар, география, эшшунослик, қонун ва урф-одатлар, дин, тарихий-диний ривоятлар, ҳинд ёзувининг турлари ҳақида маълумотлар бор. Ҳозирги замон Ҳиндистон олимлари Берунийнинг бу асарини ҳинд маданияти тарихини ёритиш нуқтаи назаридан жуда юқори баҳолайдилар ва муҳим манбалардан бири, деб ҳисоблайдилар.

Беруний астраномияга оид «Ал-қонун ал-Масъудий» («Масъуд қонуни») асарини султон Масъудга бағишлади. Китобнинг қачон ёзиб тугатилгани аниқ эмас. Бу асар Берунийнинг фалакиётга доир энг муҳим асаридир. Ўрта аср олимлари бу асарни жуда юксак баҳолаганлар.

Шундан кейин у яна иккита муҳим китоб ёзган. Булардан бири «Минералогия», яъни «Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир» («Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами»)дир. Бу рисола ўз замонаси учун Марказий Осиё ва Яқин Шарқ, Европада минералогия соҳасидаги энг яхши асар ҳисобланган.

Унинг охирги асари «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб»нинг қўлёзмаси XX асрнинг 30-йилларида Туркияда топилди. Асар «Сайдана» номи билан машҳур бўлиб, унда Шарма, жумладан Туркистонда ўсадиган доривор ўсимликларнинг тавсифи берилган.

Беруний ўз замонасининг улкан математикларидан бири эди. Унинг математика фанига қўшган ҳиссаси муҳим аҳамиятга эга. Беруний асарларида геометрия, арифметика, алгебра, сонлар назарияси ва тригонометрия тушунчалари маълум тартиб билан таърифланади. Олимнинг арифметика ва алгебрасининг катта ютуғи шундан иборатки, унда иррационал сонлар арифметика ва алгебранинг тенг ҳуқуқли предмети бўлиб қолди.

Беруний айниқса тригонометрия соҳасида катта ютуқларга эришди. Баъзи бир ҳозирги замон тадқиқотчилари Берунийни тригонометрияга мустақил фан сифатида қараган биринчи олим, деб эътироф этмоқдалар. Беруний тригонометрик функцияларнинг умумий қонуниятини топиш юзасидан иш олиб борган. Унинг «Ал-қонун ал-Масъудий» асарида ясси ва сферик тригонометрияни баён қилган.

Беруний Коперникдан бир неча аср аввал Ерни коинотнинг маркази деб билувчи геоцентрик ва Қуёшни коинот маркази деб ўргатувчи гелиоцентрик тизим тенг кучга эга, деган хулосага келади. Жойларнинг географик кенглиги ва узоқлигини аниқлашда Беруний эришган натижалар ҳатто ҳозирги замон олимларини ҳам ҳайратга солади.

Берунийнинг ўша вақтда унча маълум бўлмаган шимолий ўлкалар, Болтиқ ва Оқ денгиз ҳақидаги маълумотлари, Сибирнинг «бизда ёз бўлганда, у ерда қиш бўладиган» жойлари ҳақидаги хабарлари айниқса қизиқарли. Беруний Хитой ва Тибетга туташ ўлкаларни ҳам ўзидан олдинги олимларга нисбатан тўла ва аниқ тасвирлаган.

Птолемейга қарама-қарши Атлантика ва Ҳинд океанларининг жанубий томони бир-бирига туташганлигини исботлаб берган. У Осиё ва Африка қитъалари орасида бир вақтлар бўғоз бўлган ва Ер шарининг жанубий томони қуруқлик бўлган, деб тахмин қилади. Беруний қолдирган ноёб маълумотлар шарқ географик адабиётида муҳим роль ўйнаган.

Тарихда Америка қитъасини 1492 йилнинг октябрь ойида денгиз сайёҳи Христофор Колумб кашф этганлиги қайд қилинган. Аммо бу борада Берунийнинг илмий фарази мавжудлиги ҳам маълум. Олим ўзининг «Ҳиндистон» асарида ер юзасининг тузилиши, денгиз ва қуруқлик тўғрисида шундай ёзади:

«...Ернинг чораги маъмурадир. Маъмурани ғарб ва шарқ томондан Муҳит океани (Атлантика ва Тинч океани) ўраб турибди. Муҳит океани ернинг обод қисмини денгизларнинг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одам яшайдиган оролардан иккала океан (ғарбдан ва шарқдан) ажратиб туради...»

Беруний бундай фикрни «Ал-қонун ал-Масъудий» асарида ҳам уқтиради. Демак, ғарбий ярим шарда яхлит бир қуруқликнинг, кейинчалик Америка деб номланган қитъаларнинг мавжудлигини Беруний европалик олимлардан 450 йилча олдин тахмин қилиб, ўз асарларида бир неча бор ёзган. Берунийнинг ғарбий ярим шарда катта қуруқлик борлиги тўғрисидаги фикри 15–16-асрларда ўз тасдиғини топди.

Туркистоннинг баъзи жойлари, жумладан Амударё водийсининг геологик ривожланишини биринчи марта жиддий ўрганишга ҳаракат қилган ҳам Беруний бўлган. Унинг Амударё водийсининг геологик ўтмиши ва Орол денгизининг пайдо бўлиши ҳақидаги хулосалари ўша замоннинг энг муваффақиятли геологик таҳлилларидан бири ҳисобланади.

Берунийнинг «Қадимги қалъалардан қолган ёдгорликлар», «Хоразмнинг машҳур кишилари», «Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг охирги чегараларини аниқлаш», «Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар», «Ҳиндистон», «Масъуд қонуни» каби асарлари маънавий меросимизга катта ҳисса бўлиб қўшилган.

Беруний фаннинг ҳамма соҳаларида самарали ижод қилган эди. Унинг илмий мероси жуда кенг ва ранг-баранг. Берунийнинг илмий иш соҳасидаги зўр қобилияти унинг кўпчилик замондошлари ва кейинги олимлар томонидан эътироф этилган.

Беруний 1035 – 1036 йилларда ўз илмий ишларининг рўйхатини тузади. Бунда шу вақттача ёзган китоб ва рисолалари 113 тага етгани кўрсатилган. Кейинги ёзган асарларини ҳам қўшсак, у қолдирган илмий мерос 152 та китоб ва рисоладан иборат.

Берунийнинг бой илмий мероси Ўзбекистон ва ундан ташқарида ўрганилмоқда. Унинг асарлари лотин, француз, итальян, немис, инглиз, форс, турк тилларига таржима қилинмоқда. Дунёда биринчи марта Ўзбекистонда топилган минералга Беруний номи қўйилган.

АБУ АЛИ ИБН СИНО
(980 – 1037 й.й.)

Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан (980.8. Афшона қишлоғи – 1037.18.6. Ҳамадон шаҳри, Эрон) – жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган Ўрта осиёлик буюк қомусий олим. Ғарбда Авиценна номи билан машҳур.

Ибн Синонинг отаси Абдуллоҳ Балх шаҳридан бўлиб, Сомонийлар амири Нуҳ ибн Мансур (967–997 й.й.) даврида Бухоро томонга кўчиб, Хурмайсан қишлоғига молия амалдори этиб тайинланади. У Афшона қишлоғида Ситора исмли қизга уйланиб, икки ўғил фарзанд кўради.

Ўғилларининг каттаси Ҳусайн (Ибн Сино), кенжаси Маҳмуд эди. Ҳусайн 5 ёшга киргач, улар оиласи пойтахт – Бухорога кўчиб келади ва Ибн Синони ўқишга берадилар. 10 ёшга етар-етмас Ибн Сино Қуръон ва адаб дарсларини тўла ўзлаштиради. Айни вақтда у ҳисоб ва алжабр билан ҳам шуғулланади, араб тили ва адабиётини мукаммал эгаллайди.

Ибн Синонинг илм соҳасидаги дастлабки устози Абу Абдуллоҳ Нотилий эди. У эл орасида ҳаким ва файласуф сифатида машҳур бўлгани учун отаси Ибн Синони унга шогирдликка берди. Нотилийнинг қўлида Ибн Сино мантиқ, ҳандаса ва фалакиётни ўрганди, баъзи фалсафий масалаларда устозидан ҳам ўзиб кетди.

Ибн Синонинг ақл-заковатини кўрган устози отасига уни илмдан бошқа нарса билан шуғуллантирмасликни тайинлайди. Шундан сўнг ота ўғлига илм ўрганиш ва билимларини чуқурлаштириш учун барча шароитларни яратиб берди. Абу Али тинмай мутолаа қилиб, турли илм соҳаларини ўзлаштиришга киришди. У мусиқа, оптика, кимё, фиқҳ каби фанларни ўқиди, хусусан, табобатни севиб ўрганди ва бу илмда тез камол топа бошлади.

Ибн Синонинг тиб илмида юксак маҳоратга эришишида бухоролик бошқа бир табиб Абу Мансур ал-Ҳасан ибн Нуҳ ал-Қумрийнинг хизмати катта бўлди. Ибн Сино ундан табобат дарсини олиб, бу илмнинг кўп сирларини ўрганди. Қумрий бу даврда анча кексайиб қолган бўлиб, 999 йилда вафот этди.

Ибн Сино 17 ёшдаёқ Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида танилди. Ўша кезларда ҳукмдор Нуҳ ибн Мансур бетоб бўлиб, сарой табиблари уни даволашга ожиз эдилар. Довруғи бутун шаҳарга ёйилган ёш табибни амирни даволаш учун саройга таклиф қиладилар. Унинг муолажасидан бемор тезда соғайиб оёққа туради. Эвазига Ибн Сино сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Сомонийларнинг кутубхонаси ўша даврда бутун ўрта ва яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхоналардан саналарди. Ибн Сино бир неча йил давомида шу кутубхонада кечаю кундуз мутолаа билан машғул бўлиб, ўз даврининг энг ўқимишли, билим доираси кенг кишиларидан бирига айланди ва шу пайтдан бошлаб ўрта аср фалсафасини мустақил ўрганишга киришди.

У юнон муаллифларининг, хусусан, Аристотелнинг «Метафизика» асарини берилиб мутолаа қилди. Лекин бу китобда баён қилинганларнинг аксарияти унинг учун тушунарсиз эди. Тасодифан ёш олимнинг қўлига Абу Наср Форобийнинг «Метафизиканинг мақсадлари ҳақида»ги китоби тушиб қолади ва уни ўқиб чиқибгина Ибн Сино метафизикани ўзлаштиришга муваффақ бўлади.

Шундай тариқа Ибн Сино зарурий билимларнинг барчасини Бухорода олади. Олимнинг илмий ижоди 18 ёшидан бошланди. У Нуҳ ибн Мансурга атаб нафсоний қувватлар ҳақида рисола, «Уржуза» тиббий шеърий асари, ўз қўшниси ва дўсти Абу-л-Ҳусайн ал-Арузийнинг илтимосига биноан, кўп фанларни ўз ичига олган «Ал-Ҳикмат ал-Арузий» («Арузий ҳикмати») асарини таклиф этди. Ундан ташқари, бошқа бир дўсти фақиҳ Абу Бакр ал-Барақий (ёки Барақий)нинг илтимосига кўра, 20 жилдли «Ал-Ҳосил ва-л-маҳсул» («Якун ва натижа») қомусий асари ҳамда 2 жилдли «Китоб албир ва л-исм» («Саховат ва жиноят китоби») ни ёзди.

Қорахонийлар 999 йилда Бухорони забт этиб, сомонийлар давлатини қулатишганидан кейин Ибн Сино ҳаётида ташвишли, нотинч ва оғир дамлар бошланди. 1002 йилда унинг отаси вафот этди. Икки сулола вакилларининг тахт учун кураши 1005 йилгача давом этиб, охири қорахонийларнинг буткул ғалабаси билан тугади. Бундай вазиятда Бухорода ортиқ қолиб бўлмас эди. Шу боис Ибн Сино ўз юртини тарк этиб, Хоразмга бош олиб кетди.

Хl аср бошларида Хоразм қорахонийлар ҳукмидан бирмунча тинч бўлиб, иқтисодий ва маданий жиҳатдан анча ривожланган ўлка эди. Хоразмшоҳлар Али ибн Маъмун (997–1009 й.й.) ва Маъмун ибн Маъмун (1009–1017 й.й.) илм-фанга эътиборли ҳукмдорлар бўлиб, олимларга илмий ижод учун қулай шароит яратиб берган эдилар.

Шунинг учун бу даврда Хоразмнинг пойтахти Гурганж (Урганч)да йирик математик ва астроном Абу Наср ибн Ироқ (1034 й.), атоқли табиб ва файласуфлар – Абу Саҳл Масиҳий (1010 й.), Абу-л-Хайр Хаммор (942–1030) ва буюк олим Абу Райҳон Беруний сингари ўз замонасининг кўпгина таниқли олимлари тўпланди. Шулар жумласидан, ана шу илмий даврага 1005 йилда Ибн Сино ҳам келиб қўшилди.

Хоразмда Ибн Сино асосан математика ва астрономия билан шуғулланди. Бу соҳалардаги билимларининг чуқурлашиб, илмий дунёқарашининг шаклланишида Ибн Ироқ ва Беруний билан бўлган илмий мулоқотлар катта аҳамият касб этди. Ибн Синонинг Аристотель таълимоти хусусида Беруний билан ва ўзининг шогирди Бахманёр билан ёзишмалари тарихда машҳурдир.

Ибн Сино Абу Саҳл Масиҳийнинг тиббий тажрибаси ва билимларидан ҳам катта сабоқ олди. Хоразмшоҳнинг вазири Абу-л-Ҳусайн ас Саҳлий илмларни севувчи киши бўлганидан Ибн Сино у билан дўстлашади ва унга атаб, алкимёга оид «Рисола ал-иксир» («Иксир ҳақида рисола») номли асар ёзди.

Бироқ, Хоразмдаги осойишта ҳаёт узоққа чўзилмайди. Шарқда қудрати ортиб бораётган Ғазна ҳукмдори султон Маҳмуд Ғазнавий бу ўлкага кўз тикади. У аввал, Маъмунга саройдаги бир гуруҳ олимларини Ғазнага жўнатиб юборишни сўраб хат ёзади. Бу хатга жавобан Беруний ва Абу-л-Хаммор Ғазнага кетадилар. Ибн Сино эса бу таклифни рад этиб, Масиҳий билан биргаликда 1010–1011 йилларда яширинча Хоразмни тарк этади.

Шу вақтдан олимнинг саргардонлик йиллари бошланиб, умрининг охиригача ватандан узоқда ҳаёт кечиришга мажбур бўлади. Масиҳий билан Ибн Сино Журжонга – Масиҳийнинг ватанига йўл оладилар. Лекин йўлдаги қийинчиликлар ва совуқсизлик туфайли Масиҳий бетоб бўлиб, вафот этади. Натижада, Ибн Сино азоб уқубатлар чекиб, аввал Инсо, сўнг Обивард, Тус, Шиқкон ва Хуросоннинг бошқа шаҳарларида қисқа муддат турганидан кейин, ниҳоят, Каспий денгизининг жанубий-шарқида жойлашган Журжон амирлигига етиб келади.

Ибн Сино Журжонда 1012 – 1014 йилларда яшайди. Шу қисқа вақт ичида унинг ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири – Абу Убайд Жузжоний билан учрашув ва бир умрга дўстлашув содир бўлади. У Ибн Синога нафақат шогирд, балки содиқ дўст ҳам эди. Жузжоний Ибн Сино билан олимнинг сўнгги дамигача – 25 йил давомида бирга бўлади. Ибн Сино таржимаи ҳолининг ёзилиб қолиши, кўпгина асарларининг таърифи ва тартибга тушиши ҳамда уларнинг кейинги авлодларга келишида Жузжонийнинг хизмати катта.

Журжондалик вақтида Ибн Сино ҳам илмий ижод билан шуғулланди, ҳам табиб сифатида фаолият кўрсатди. Бу ерда у шогирдининг илтимосига кўра, мантиқ, фалсафа ва бошқа фанларга оид бир нечта рисолалар ёзди, энг муҳими, «Тиб қонунлари»нинг дастлабки қисмларини яратди.

1014 йилда олим Журжонни тарк этиб, Райга кўчди. У Райга келган вақтида бу ерда бувайҳийлардан бўлмиш Маждуддавла Абу Толиб Рустам (997–1029 й.й.) ва унинг онаси Саййида Хотун ҳукмронлик қилар эдилар. Бу ерда Ибн Сино савдойи дардига чалиниб қолган Маждуддавлани даволайди ва шу сабабли салтанат тепасида турган Саййиданинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлади. Лекин олим Райда ҳам узоқ туролмади, чунки султон Маҳмуд Ғазнавийнинг Райга ҳам ҳужум қилиш хавфи бор эди.

Шу сабабли Ибн Сино Райни тарк этиб, нисбатан кучлироқ бўлган Ҳамадонга – Маждуддавланинг акаси Шамсуддавла (997 – 1021 й.й) ҳузурига кетади. Ҳукмдорни санчиқ касалидан даволаганидан кейин олимни саройга таклиф қилдилар. У аввал сарой табиби бўлиб ишлайди, сўнг вазирлик мансабига кўтарилади.

Ибн Сино давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, илмий ишларини ҳам давом эттиради ва қатор асарлар яратади. «Тиб қонунлари»нинг 1-китобини тугатиб, ўзининг машҳур фалсафий қомуси – «Китоб аш-шифо»ни ҳам шу ерда ёзишга киришади. «Тиб қонунлари»нинг қолган қисмини ҳам Ҳамадонда ёзиб битиради.

Ибн Сино Ҳамадонда 1023 йилгача истиқомат қилади ва айрим сиёсий сабабларга кўра, шу йили Исфахонга жўнаб кетади. Умрининг қолган 14 йилини шу ерда ўтказди. Бу ерда ҳам у тинимсиз илмий иш билан машғул бўлиб, бир қанча асарлар яратди. Улар орасида тиб, фалсафа, аниқ фанлар, тилшунослик каби фанларга оид китоблар бор. «Китоб аш-шифо»нинг қисмлари, форс тилидаги «Донишнома» ва 20 жилдли «Инсоф-адолат китоби» шулар жумласидан.

Жузжонийнинг ёзишича, Ибн Сино гарчи жисман жуда бақувват бўлса-да, бироқ шаҳарма-шаҳар дарбадарликда юриш, кеча-кундуз тиним билмай ишлаш ва бир неча бор таъқиб қилиниб, ҳатто ҳибсда ётишлар олимнинг саломатлигига жиддий таъсир кўрсатди ва у қуланж (колит) касаллигига чалинади.

Алоуддавланинг Ҳамадонга юриши вақтида Ибн Сино қаттиқ бетоблигига қарамай, у билан бирга сафарга чиқади. Йўлда дарди қўзғаб, олимнинг тамомила мадори қуриди ва оқибатда у шу дарддан 57 ёшида вафот этади. Олим Ҳамадонда дафн этилади. Унинг қабри устига 1952 йилда мақбара ишланган. Мақбара Ибн Синога бағишланган музей хоналарини ҳам ўз ичига олади.

Замондошлари Ибн Синони «Шайх аррайс» («Донишмандлар сардори, алломалар бошлиғи»), «Шараф ал-мулк» («Ўлка, мамлакатнинг обрўси, шарафи»), «Ҳужжат алҳаққ» («Ростликка далил»), «Ҳаким ал-вазир» («Донишманд, тадбиркор вазир») деб атаганлар.

Жаҳон фани тарихида Ибн Сино Қомусий олим сифатида тан олинган. Чунки у ўз давридаги мавжуд фанларнинг қарийб барчаси билан шуғулланган ва уларга оид асарлар ёзган. Олим асарларини ўша даврда яқин ва ўрта Шарқнинг илмий тили бўлган араб тилида, баъзи шеърий ва фалсафий асарларини форс тилида ёзган.

Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилган, лекин бизгача уларнинг 242 таси етиб келган. Шулардан 80 таси фалсафага, 43 таси табобатга оид бўлиб, қолганлари мантиқ, психология, табиёт, астрономия, математика, мусиқа, кимё, ахлоқ, адабиёт ва тилшуносликка бағишланган.

Лекин бу асарларнинг ҳаммаси ҳам олимлар томонидан бир хилда ўрганилган эмас. Ибн Синонинг кўпроқ фалсафа ва тиббиётга оид китоблари жаҳоннинг кўпгина тилларига таржима қилиниб, асрлар давомида қайта-қайта нашр қилиб келинмоқда Шу билан бир вақтда, бошқа кўп асарлари ҳали қўлёзма ҳолида ўз тадқиқотчиларини кутяпти.

Ибн Синонинг илмий меросини ўрганиш янги даврга келиб, жадал тус олди ва натижада чет эллар ҳамда Ўзбекистонда махсус илмий йўналиш – синошунослик вужудга келди. Унинг асарлари кўплаб чет тилларга таржима қилиниб, нашр этилмоқда.

МИРЗО УЛУҒБЕК
(1394-1449 й.й.)

Улуғбек – Муҳаммад Тарағай (1394.22.3. Амир Темурнинг ҳарбий юриши вақтида Султония шаҳрида туғилган (ҳозирги Эрон) – 1449.27 ёки 29.10. Самарқанд) – буюк ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби. Амир Темурнинг набираси. Улуғбек Ўрта Осиё халқлари илм-фани ва маданиятини ўрта аср шароитида дунё фанининг олдинги сафига олиб чиққан олимлардан биридир.

Улуғбекнинг болалиги бобоси Темурнинг музаффар ҳарбий юришлари даврида ўтди. Амир Темур бу юришларда Улуғбекни ўзи билан бирга олиб юрди, унинг тарбиясига катта эътибор берди. Улуғбекни билимдон ва тажрибали мураббийлар тарбиялаб хат-саводини чиқардилар.

Улуғбек араб ва форс тилларини мукаммал билган. Айни вақтда бобоси уни астасекин давлат ишларидан хабардор қилиб, ёш бўлишига қарамай, давлат кенгашлари, қабул маросимларида ҳам қатнаштирди. 1404 йили Амир Темур набирасига Тошкент, Сайрам, Янги (ҳозирги Жамбул), Ашпара ва бутун Мўғулистонни суюрғол қилиб берди.

Амир Темурнинг вафотидан сўнг (1405 й.) темурийлар ўртасида ҳокимият учун кураш бошланди, сиёсий парокандалик кучайди. Бу кураш натижасида 1409 йили Хуросон ва Мовароуннаҳрда икки мустақил давлат вужудга келди. Маркази Ҳирот шаҳри бўлган Хуросон вилоятига Шоҳруҳ, маркази Самарқанд бўлган Мовароуннаҳрга 15 ёшли Улуғбек ҳукмдор бўлди. У ёш бўлганлиги учун ҳокимиятни бошқариш вақтинча Улуғбекнинг васийси Шоҳмаликка топширилди.

Лекин Шоҳмаликнинг рақиби – Ўтрордаги шайх Нуриддин ва Муҳаммад Жаҳонгирнинг Ҳисордаги васийлари 1410 йил баҳорида Шоҳмалик ва Улуғбекка қарши чиқдилар. Ўша йилнинг ёзида Шоҳруҳ иштирокида бўлган жангда Шоҳмалик ва Улуғбек ғалаба қозонди. 1411 йил сентябрида Шоҳруҳ Самарқандга келиб, Шоҳмаликни ўзи билан Ҳиротга олиб кетди. Шундан кейин 17 яшар Улуғбек Мовароуннаҳр ва унга ёндош вилоятларнинг тўла ҳукмдори бўлиб қолди.

Улуғбек бобоси каби юришлар қилмади. Унинг ҳарбий юришлари яқинлашиб келаётган хавф-хатарни бартараф қилишга қаратилиб, қисқа муддатли бўлган. Масалан, 1424 йил ноябрида Улуғбекнинг қўшинлари Мўғулистонда унинг ишончини оқламаган. Шермуҳаммадхонга қарши катта юриш қилиб, 1425 йил баҳорида ғалаба қозонди. Улуғбек 1427 йилда қуйи Сирдарё ҳавзасидаги ҳудудларни даъво қилиб чиққан кўчманчи ўзбеклар хони Бароқхонга қарши юришда мағлубиятга учради. Шундан сўнг 20 йил мобайнида ҳарбий юриш қилмади.

1447 йили Шоҳруҳ вафот этгач, Улуғбек Хуросонни Мовароуннаҳр билан бирлаштириб, кучли давлат тузишга ҳаракат қилди, лекин қаттиқ қаршиликка дуч келди. 1448 йил баҳорида Ҳирот яқинидаги Тариоб деган жойда Улуғбек билан жияни (Бойсунқурнинг ўғли) Аловиддавла ўртасида катта жанг бўлиб, қўшиннинг чап томонида Улуғбекнинг катта ўғли Абдуллатиф, ўнг томонида кенжа ўғли Абдулазиз қўмондонлик қилди.

Жанг Улуғбекнинг ғалабаси билан тугади, лекин ғалабанома Абдуллатиф номидан эмас, фақат Абдулазиз номидан эълон қилинди. Бунинг устига Абдуллатифнинг Ҳиротдаги Ихтиёриддин қалъасида сақланаётган мол-мулкини давлат мулкига ўтказиши ўғилнинг отага нисбатан душманлигини янада оширди. Улуғбек Ҳиротда Абдуллатифни қолдириб, ўзи Самарқандга кетди.

Ўғилнинг отага душманлигидан Улуғбекнинг рақиблари фойдаландилар. 1449 йил кузида Абдуллатиф қўшинлари Улуғбекка қарши ҳужум қилиб, уни енгди. Абдуллатифнинг розилиги билан Улуғбек Самарқанд шаҳри яқинидаги қишлоқда қатл этилди. Улуғбекнинг жасади Самарқандда дафн этилди.

Мовароуннаҳр

ХАРБИЙ ТЕХНИКА ШАРҲИ

ЭЛЕКТРОН ТЎСИҚЛАР

Ҳарбий тарихдан маълумки, душман йўлини тўсиш мақсадида узоқ масофаларга чўзилган улкан муҳандислик иншоотлари, тўсиқлар қўплаб қурилган. Одатда уларни таҳдидкор қўшнилардан сақланиш учун чегара истеҳкомлари кўринишида яратганлар. Бунга мисоллар кўп: Буюк Хитой девори, қадимий Римнинг чегара истеҳкомлари, Қадимги Русиянинг белгиланган чизиғи, французларнинг Мажино чизиғи, советларнинг Сталин-Молотов чизиғи ва бошқалар.

Дастлаб тўсиқлар тупроқ, ёғочдан, кейинчалик – тош, темир-бетон ва зирхдан қурилди. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб эса янги кўринишдаги электрон тўсиқлар пайдо бўлди. Одатда, улар шу вақтгача мавжуд ва маълум бўлган тўсиқларни тўлдиради, лекин баъзида сигнализация, разведка, таҳдидли ҳудудда рақибнинг кўчиб юришини аниқлаш ва назорат қилиш мақсадида ҳам қўлланилади.

Янгиликни биринчи бўлиб француз армияси қўллашга ҳаракат қилди. Яъни муҳандислик қўшинлари 600 км масофада, Жазоирнинг Марокаш ва Тунис билан чегара қисмида тўсиқлар ўрнатдилар. Чегара бўйлаб таъқиқ зонасининг яратилиши бир томондан, уни доимий кузатиш олиб боришдан воз кечиш, бошқа тарафдан эса, кундузги вақтда қўриқчилар сонини камайтириш имконини берди.

Америка Қўшма Штатларининг Вьетнамда олиб борган уруши ўтган асрнинг 60-йилларида боши берк кўчага кириб қолди. Бунга асосий сабаб – ташқаридан келаётган ёрдам, деб топилди. АҚШ Мудофаа вазири Макнамара Вьетнам Демократик Республикаси ва Жанубий Вьетнам орасида «Макномара девори» деб номланган тўсиқлар йўлкасини ўтказишни таклиф этди.

1966 йили ҳарбий алоқа воситаларини режалаштириш гуруҳи ташкил этилди. «Вьетнам девори» деб номланган тўсиқ бир маротаба фойдаланилувчи сигнал датчиклари мажмуасидан иборат бўлиб бошқарув марказидаги ҳисоблаш машинаси билан уланган эди. Бошқарув марказига датчиклар жойлашган ҳудудда рақибнинг тирик кучлари ёки техникаси мавжудлиги ҳақида хабар келганида назорат зонаси дарҳол бомбардимон қилинар эди.

Маълумки, объектларни аниқлаш эҳтимолини ошириш мақсадида кўпгина датчикларда акустик ва сейсмик, сейсмик ва радиотехник ёки акустик ва кимёвий сезгир элементлар қўлланилади.

Сейсмик сезгир элементли датчиклар ҳатто сувда оқиб келаётган жисмни ҳам аниқлай олади. Уларнинг таъсир радиуси 90-120 метрни ташкил этади. Ҳисоблаш машинаси одам ва ҳайвонларни уларнинг ҳаракат ритмига қараб ажратади.

Акустик сезгир элементлар одамлар гуруҳи ёки транспортнинг ҳаракат шовқинидан ишга тушади. Кимёвий сезгир элементлар эса ҳидлар таъсирида ишга тушади. Сезгир элемент сифатида ичига одам мавжудлигига жуда сезгир бўлган ҳашоратлар жойлаштирилган электромагнит майдонидаги камера ҳам хизмат қилиши мумкин. Одам яқинлашганида ҳашоратлар ҳаракатга келади ва электромагнит майдонининг кучланганлигини ўзгартиради, буни эса датчик қайд этади.

Радиотехник сезгир элемент 90-120 метр масофада электромагнит майдон ҳосил қилувчи антеннадир. Одамнинг антенна майдонига кириши антеннанинг сиғимий кўрсатмаларини ўзгартиради, бу эса датчиклар томонидан қайд қилинади.

Бугунги кунда разведка ва сигнализациянинг электрон воситалари шиддат билан ривожланиб бормоқда. Ҳозирда ҳарбий ҳаракатларнинг исталган жойида рақибни аниқлаш тизими устида ишланмоқда. Бу тизим масофадан автоматик бошқарилувчи датчиклар, ретрансляторлар ва ахборотни қайта ишлаш маркази жиҳозларидан иборат.

Сўнгги йиллардаги ҳарбий тўқнашувларда элетрон тўсиқлар ва разведканинг техник воситалари кенг қўлланилди. Разведка-сигнал воситалари билан кўпгина ривожланган давлат армиялари жиҳозланган.

Подполковник
Абдуқодир АБДУЖАМИЛОВ,
Тошкент ахборот технологиялари университети ҳарбий кафедраси бошлиғи.
(«Оружие» журналидан).

БЕЗОПАСНОСТЬ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ

ВЫИГРЫВАЕТ ТОТ, КТО СОБЛЮДАЕТ ЗАКОН



Специалисты на основе изучения проведенного анализа и мониторинга фактов и предпосылок дорожно-транспортных происшествий пришли к неутешительным выводам: причиной почти каждого третьего ДТП является мобильный телефон, а точнее, его использование водителем при управлении автомобилем. Это и есть логическая цепь, ведь утрата бдительности участником дорожного движения, в том числе вследствие телефонного разговора за рулем, является одной из причин дорожно-транспортных происшествий на сегодняшний день. Тот факт, что в мире смертность в результате автомобильных аварий стоит на третьем месте (после СПИДа и наркомании), требует дополнительных действий по обязательному и неукоснительному соблюдению мер безопасности.

Проводимые по инициативе Президента Узбекистана Ислама Каримова реформы, направленные на упорядочение автомобильных перевозок пассажиров, обеспечение безопасности граждан, повышение качества транспортных услуг, дают свои результаты. В процессе этой работы 21 ноября 2006 года было принято Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по обеспечению безопасности дорожного движения», согласно которому начиная с 1 января 2007 года водителям во время управления транспортным средством запрещается пользоваться телефоном.

Принятым 26 декабря 2006 года Законом «О внесении дополнений в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности» определены меры административного наказания за использование телефонов водителями во время управления транспортным средством.

Согласно статистике Главного управления безопасности дорожного движения МВД Республики Узбекистан, за прошедший период было зафиксировано почти четыре тысячи случаев, связанных с использованием сотовых телефонов во время управления автомобилем. Так, водитель автобуса с государственным номером 10 AV 324 столичного автобусного парка №2 А.Мирзабеков был задержан во время разговора по сотовому за рулем. Своими действиями он подвергал опасности не только себя, но и жизни пассажиров в салоне автобуса. Такое же правонарушение допустил и водитель автомашины РАФ А.Окилов из города Карши, когда перевозил пассажиров. В аналогичных ситуациях были задержаны: в Хорезмской области водитель грузовой машины КамАЗ Р.Аллакулов, в Бухарской области – водитель ЗИЛ-130 Н.Раджабов.

– В органах ХАН Министерства обороны также проводятся необходимые мероприятия по доведению этих правил до каждого участника дорожного движения, – рассказывает начальник ХАН Ташкентского гарнизона майор Мурод Фозилов. – Ежедневно инспектора выезжают в рейды в целях пресечения нарушений правил дорожного движения. Эта работа ведется в круглосуточном режиме, так как еще является и элементом боевой готовности. Немалый акцент делается и на профилактическую работу по предупреждению ДТП непосредственно с выездом сотрудников ХАН в воинские подразделения и учреждения, где в ходе занятий демонстрируются фотоснимки с мест ДТП, причинами которых явились все те же разговоры по мобильному телефону. К широкомасштабной работе по пропаганде этого нововведения активно привлекаются средства массовой информации.

Большинство наших водителей уже усвоили это требование, но не у всех еще хватает личной культуры и ответственности строго соблюдать правила безопасности. Ко всем нарушителям закона применяются соответствующие меры.

Шавкат Очилов, водитель с тридцатилетним стажем:

– Очень своевременное и нужное решение. В последние годы мобильный телефон для любого простого человека в Узбекистане из разряда предметов роскоши стал обычным средством связи. Сейчас даже школьники пользуются услугами операторов сотовой связи. Однако каждый водитель авто согласится с тем, что на дорогах из-за разговоров по мобильному при управлении автомобилем теряется бдительность, что нередко приводит к отрицательным последствиям. Лучше предупредить нарушение.

Гульнара Ахорова, студентка:

– К сожалению, в марте прошлого года я на собственном опыте поняла всю степень ответственности человека за рулем. Мой разговор по мобильнику, потеря бдительности спровоцировали столкновение трех автомашин. К счастью, обошлось без человеческих жертв и серьезных травм. Даже сейчас не могу вспомнить и понять, как оказалась на полосе встречного движения в тот весенний день. Призываю всех учиться на чужих примерах, а атрибутике деловой жизни за рулем предпочесть строгое хладнокровие.

Младший сержант Бахром Шодмонов, военный водитель:

– Подводя свой личный итог месячному сроку действия нововведения, могу сказать точно: движение на дорогах стало безопасней и комфортней, водители при необходимости разговора по телефону стали припарковываться. Культура поведения на дорогах, да и водительская этика стали заметно выше. Выигрывает тот, кто соблюдает закон.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

МУШТАРИЙ ДЕЙДИКИ...

ЎН ИККИ САҲИФАЛИ СУҲБАТДОШ

Бир оддий газетхон сифатида «Ватанпарвар» газетасининг доимий мухлисиман. Ростини айтсам, кейинги вақтларда газетадаги ўзгаришлар мени жуда қувонтирмоқда. «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам», «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди», «Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги» рукнлари остида берилаётган мақолалар содда, равон ёзилганлиги боис жуда қизиқиш билан ўқилади. Қуролли Кучларимизда муваффақиятли амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, Ватанимиз ҳимоячиларининг қайноқ фаолияти ҳар бир хабар, лавҳа, суҳбатларда ўз аксини топмоқда. «Кўнгилга ташриф» рукни остида чоп этилаётган материалларни ҳам эътироф этиш жоиз.

Мен газета мухбирлари – Алижон Сафаров, Азимбек Усмонов, Аблай Камолов, Инобат Иброҳимова, Зулфия Юнусоваларнинг ҳар бир ёзган мақоласини мунтазам ўқиб бораман. Газета саҳифаларида чоп этилаётган суратлар ҳам диққатимни жалб этмоқда. Бир сўз билан айтганда, ўн икки саҳифали ҳафтанома доимий суҳбатдошим.

Менимча, «Тенгдош», «Оила» саҳифаларида бериб борилаётган материалларни янада кўпайтириш керак. Айниқса, суратлар ранг-баранглиги таъминланса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Назаримда, Ватан ҳимоячиларининг оила аъзолари, ота-оналарининг чиқишлари мунтазамлик касб этса, яхши бўларди.

Ҳарбийлар ҳаёти жуда қизиқарли, воқеаларга бой бўлади. Улар ҳақида ёзилган бадиий асарлар – ҳикоя, қисса, шеърлар ҳар бир ўқувчининг диққатини ўзига албатта жалб этади. Газета саҳифаларида ҳарбийлар ҳаётини акс эттирувчи бадиий асарларга кенгроқ ўрин бериш лозим.

Яқинда собиқ ҳамкурсим, бухоролик журналист Дилором Ҳалимова бизникига меҳмон бўлиб келди. «Ватанпарвар» газетасини ўқиб, жуда қувониб кетди.

– Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб газетамизни тайёрлашимизда ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги материалларни излаб қолдик. «Ватанпарвар» газетасида бу мавзудаги материаллар жуда кўп экан-ку, – деди у.

– «Ватанпарвар»га обуна эмасмисиз? – деб сўрадим.

– Энди албатта обуна бўламан, – деди у.

– Газетага обуна бўлиш, мухлис, суҳбатдош бўлиш яхши. Бироқ, газетага муаллиф бўлиш ундан ҳам яхши. Бундан кейин ўзим ҳам шу газета учун материаллар ёзаман, – деди у.

Демак, газетанинг яна битта суҳбатдоши кўпаяди.

Инобат МИРЗАЕВА.



Кутубхонангизга

ЎЗБЕКЧА ВА ДАРИЙЧА ЛУҒАТ



Тил билган эл билади, деган гап бор. Биз қанчалик кўп тил билсак, шунча дунёқарашимиз кенг бўлади, бошқа халқлар тарихи, урф-одатларидан воқиф бўламиз. Бошқа халқлар тилларини билиш ҳарбийлар учун ҳам жуда зарур.

Муаллифлар – Аҳмадқул Қуронбеков билан Болта Болтаев узоқ йиллик изланишлардан сўнг «Ўзбекча ва дарийча сўзлашув китоби»ни тайёрлашди.

А. Қуронбеков тилшунос олим, мутахассис, Болта Болтаев истеъфодаги майор, таржимон.

Сўзлашув китобининг илк саҳифасида шундай жумлаларни ўқийсиз: «Дарий тили ҳозирги замон Афғонистон ислом давлатида асосий икки давлат тилидан бири. Қобул шаҳри ва шимолий Афғонистондаги турли миллат ва элатларга мансуб аҳолининг барчаси дарий тилида гаплашадилар. Афғонистоннинг жанубида, айниқса, Гардиз, Хўст, Жалолобод ва Кандаҳор шаҳарларида аҳоли асосан пашту тилида гапирса ҳам шаҳар аҳолиси дарий тилини билади».

Маълумки, мамлакатимиз жануб томонда Афғонистон билан қўшни. Кейинги вақтда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий, сиёсий алоқалар ривожланиб бормоқда.

Сўзлашув китоби кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган. Ундан ўз фаолиятлари давомида тадбиркорлар, мутахассислар, бир сўз билан айтганда, турли соҳа вакиллари фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, ўзбек тилини ўрганувчи дарийлар ҳам ундан фойдаланиши мумкинлигини исботлаб турибди.

Сўзлашув китобига Тошкент Давлат шарқшунослик институти эрон-афғон кафедраси доценти О. Шокиров билан филология фанлари номзоди, катта ўқитувчи Х. Алимова тақриз ёзишган. Китоб Тошкент Давлат шарқшунослик институтида чоп этилган.

«Ўзбекча ва дарийча сўзлашув китоби» дарий тилини ўрганувчи ўзбеклар ва айни вақтда ўзбек тилини ўрганувчи дарийлар учун муҳим қўлланмадир.

Бунёд НУРМАТОВ.

АВТОБУСЛАР ТАРИХИДАН

Биринчи автобуслар саккиз кишини олиб юришга мўлжалланган файтон (арава)лар эди. Уларнинг ҳаракати 1662 йилда Парижда қирол рухсати билан бошланган. Бу ишни файласуф ва олим Блейз Паскаль ва унинг дўсти шаҳзода Руанский моддий томондан таъминлаган. Янги транспорт воситаси Порт-де-Сент-Антуан ва Порт-де-Люксембург шаҳарлари орасида 7-8 минут интервал билан 1662 йилнинг 18 мартидан бошлаб қатнаган. Шаҳар транспорти ҳақидаги ғоя аҳоли томонидан яхши кутиб олинган (фақат солдатлар ва деҳқонларга ундан фойдаланиш тақиқланган). Аристократлар ҳам ўз шахсий файтонларини қўйиб, бу транспортдан фойдаланиб кўришган. Ҳатто қирол ҳам модага айланган бу транспортдан фойдаланиб, тарихга тож эгаларидан биринчи бўлиб автобусга чиққан шахс сифатида ёзилган.

Биринчи доимий пуллик автобус маршрути 1833 йилнинг 22 апрелида очилган бўлиб, Паддингтон ва Сити шаҳарлари оралиғида 14 ўринли «Энтерпрайз» автобуси қатнай бошлаган. Бу автобуслар 3,5 йил давомида 4200 миль авариясиз қатнаб, 12 минг 761 йўловчини ташишга муваффақ бўлган.

Биринчи икки қаватли автобус Лондондаги «Адамс энд Компани» фирмаси томонидан 1842 йил апрелида қурилган. Унинг юқори қавати очиқ бўлиб, 14 йўловчига мўлжалланган жойлар бўлган. Катта кўргазма ташкил қилинган 1851 йилда йўловчилар ҳаракати кўпайганлиги сабабли бу автобусларга талаб ортиб кетган. Автобусларда жойлар банд бўлган вақтда йўловчиларга автобус томининг четига ўтиришга рухсат берилган. Аммо улар бу ҳолатда оёқ кийимлари билан автобус ойналарини ифлос қилишлари ҳисобга олинган ва бундай йўловчилар йўл ҳақига қўшимча пул тўлаганлар. 1909 йилда эса юқори қавати ёпиқ бўлган автобуслар пайдо бўлган.

СКАНВОРД



ДЛЯ ВАС, ОФИЦЕРЫ-АРТИЛЛЕРИСТЫ!

ЗАДАЧИ ВТОРОЙ СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

Определить действительные размеры танка противника, если в ходе ведения воздушной разведки размеры его изображения по аэрофотоснимку оказались следующими: длина 2,5 мм, ширина 1 мм. Масштаб снимка 1:3000.

ЗАДАЧА № 2

С КНП 1-й батареи (X= 49100, У=70730, Н=105 м) и КНП 2-й батареи (X= 49400, У =70100, Н=125 м) с помощью буссолей засечена цель 101-я. Дирекционный угол на цель с КНП 1-й батареи 38–68, с КНП 2-й батареи 35–48. Взаимной видимости между пунктами нет. Ориентирование приборов в дивизионе проведено по дирекционным углам ориентирных направлений.

Определить координаты цели.

ЗАДАЧА № 3

Определить количество орудий и расход снарядов для постановки дымовой завесы на фронте 500 м в течение 10 мин., темп методического огня и интервал веера разрывов, если к стрельбе на задымление привлекаются 122-мм ГД-30. Направление ветра совпадает с направлением рубежа задымления (боковой ветер), скорость ветра 4 м/сек.

ЗАДАЧА № 4

Командир 122-мм ГД-30 (координаты ОП X=15620, У=36250, Н=300 м, дирекционный угол основного направления стрельбы 8–00) получил задачу от командира дивизиона подавить командный пункт роты противника – цель 101-ю. С КНП батареи (координаты КНП X=18005, У=40365) засветло произвели засечку по центру цели: дирекционный по цели 4–40, дальность 1870 м.

В батарее рассчитаны суммарные поправки на отклонение условий стрельбы от табличных для заряда второго на 5, 7, 9 км: + 150 м, – 0–04; +250 м, –0–06; +350 м, –0–08.

В должности командира батареи провести пристрелку цели дымовыми снарядами с помощью дальномера, а стрельбу на поражение – осколочно-фугасными снарядами. Получены следующие наблюдения:

1. П15, 1700 м. 2. Л6. 1900 м.
3. Цель подавлена.

ОТВЕТЫ НА ЗАДАЧИ 1-Й СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

Процент попадания в окоп = 0,6%.

ЗАДАЧА № 2

Полярные координаты точки встречи (дальность: 5950 м, дирекционный: 3–39).

ЗАДАЧА № 3

Метео 11 приближенный: – 20090 – 0110 – 50761 – 02 – 602507 – 04 – 602608 – 08 – 592708 – 12 – 592708 – 16 – 582809 – 20 – 582809 – 24 – 582809 – 30 – 572910 – 40 – 572910.

ЗАДАЧА № 4

1. «Вулкан», стой. Цель 101-я пехота укрытая. Зар. 2-й, шк.тыс. Пр 365. Ур 29 – 97, ОН + 1 – 20. Веер 0 – 03. Основному 1 сн., огонь!
2. Пр + 15 (380), + 0 – 07, огонь!
3. Пр + 15 (395), огонь!
4. Огонь!
5. Пр – 8 (387), – 0 – 01, Ск 3, батарее по 4 сн. беглым, огонь!
6. Пр + 8 (395), – 0 – 02, огонь!
7. Пр – 5 (390), + 0 – 03, соединить огонь к основному в 0 – 04, огонь!
8. Стой, записать. Цель 101-я пехота. Я «Вулкан». «Град», «Вулкан» по цели 101-й стрельбу закончил. Расход 52.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

12 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.45 ТВ-анонс.
8.50 Олтин мерос.
8.55 «Олам ва одам» дастури:
«Мўзлик даврини кечирганлар».
«Болалар сайёраси»:
9.45 «Чангалзор китоби».
Мультсериал.
10.10 ТВ-анонс.
10.15 «Опалар мактаби».
10.35 «Одами эрсанг»
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ-анонс.
11.15 «Эл тинчлиги йўлида».
11.55 Х. Даврон, Б. Лутфуллаев.
«Соғинч». Муқимий номидаги мусиқали драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.55 ТВ-анонс.
13.00 «Соғинч». Спектакль. 2-қисм.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури:
«Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Дил таронаси».
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Қишлоқ ҳаёти».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Ишликда ўргансанг ҳунар»
17.40 «Ҳаёт ва қонун».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Ўзбекистон аёли».
18.30 «Ошин». Телесериал.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30
Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари».
Телесериал премьераси.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Янги оҳанглар».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал премьераси (Ҳиндистон).
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури:
«23, 5 даража бурчак остида».
23.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

17.55 Дастур очилиши.
18.00 «АНЖЕЛИКА». Сериал премьераси (Франция).
18.35 Дилрабо.
18.45 UzEX.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Қиш сонатаси». Сериал.
20.10 UzEX.
20.15 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Матонат».
20.30 «Бу қўллар»
20.45 Наво-SMS.
21.00 ТВ-анонс ва эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.40 «Саломея». Сериал.
00.05 Ватаним!

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Анонс».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Анонс».
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «Анонс».
20.20 «Футбол тарихи».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Анонс».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.45 «Анонс».
22.50 «Уддабуронлар».
00.20 Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.30 «Болалар спорти».
8.50 Мультфильм.
9.05 «Малахов+».
10.00 «Талқин». Информационно-таҳлилий кўрсатув.
10.30 «Детективы».
11.00 «Мониторинг».
11.20 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Ҳиндистон терма. жамоалари.
12.20 Биатлон. Жаҳон чемпионати.
18.00 Мультфильм.
18.10 «Ким нимага қодир?»
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 Кураш. «И. Каримов халқаро турнири» (Греция).
19.10 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.25 «Тет-а-тет».
20.35 «Любовь моя». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Футбол шарҳи.
22.15 Спортивный кинозал: «Бей и кричи». Кинокомедия.
23.50 ПрофРИНГ.
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

13 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури:
«23,5 даража бурчак остида».
«Болалар сайёраси»:
9.20 1. «Ўйла! Изла! Топ!»
Телемусобақа.
2. «Чангалзор китоби».
Мультсериал.
10.30 «Остонаси тиллодан».
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари».
Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 ТВ-анонс.
12.15 «Аёл ва жамият».
12.35 «Бир асар тарихи».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Ватан ҳақида қўшиқлар.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури:
«Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Дил таронаси».
15.20 «Заковат».
16.20 «Ақл ва идрок».
«Болалар сайёраси»:
16.40 Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 ИИВ хабарлари.
17.35 «Оҳанглар оғушида».
17.50 «Эзгулик».
18.15 «Анда жоним қолди маним». 1-қисм.
18.35 «Сизнинг адвокатингиз».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30
Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари».
Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури:
«23,5 даража бурчак остида».
23.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

Профилактика муносабати билан «Yoshlar» телеканали ўз кўрсатувларини соат 17.55 дан бошлайди.
17.55 Дастур очилиши.
18.00 «АНЖЕЛИКА». Сериал.
18.35 Дилрабо.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Қиш сонатаси». Сериал.
20.10 JOKER телелотереяси.
20.15 KINOMANIYA.
20.45 Наво-SMS.
21.00 ТВ-анонс ва эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.40 «Саломея». Сериал.
00.05 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Аёл қалби».
10.25 «Саломат бўлинг».
10.35 «Интервью».
10.50 «Уддабуронлар».
17.55 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Ҳимоя».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Футбол тарихи».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «O'zbektelefilm» маҳсулоти: «Япония». Телефильм.
22.50 «Тўфон».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Болалар спорти.
8.35 Мультфильм.
9.05 «Малахов+».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Детективы».
10.50 Концерт эстрадно-симфонического оркестра.
11.10 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Ҳиндистон терма. жамоалари.
12.10 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
12.45 Биатлон. Жаҳон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 Кураш. «И. Каримов халқаро турнири» (Греция).
19.15 «Сам себе режиссёр».
20.00 «Вести».
20.20 «Любовь моя». Сериал.
21.10 «Спорт — менинг ҳаётим».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Бред Пит в мелодраме «Легенды осени» (1-я серия). Художественный фильм.
22.50 Еврофутбол. Англия чемпионати. «Челси» — «Мидлсбро».
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

14 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олам ва одам» дастури:
«23,5 даража бурчак остида».
«Болалар сайёраси»:
9.10 1. «Олтин тож». Телеўйин.
2. «Чангалзор китоби».
Мультсериал.
10.05 ИИВ хабарлари.
10.20 Ф.Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
10.40 «Банк ва мижоз».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари».
Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.25 «Ягона оилада».
12.45 «Одамлардан бири».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Ватан ҳақида қўшиқлар.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури:
«Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Дил таронаси».
15.20 «Ўзбегим ўғлонлари».
16.10 «Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала».
«Болалар сайёраси»:
16.30 1. Бизнинг кутубхона».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Эркин иқтисодиёт».
17.45 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Анда жоним қолди маним».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Омад зарлари».
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30
Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари».
Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Кўҳна оҳанглар».
Мирзо Бобур.
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури:
«23,5 даража бурчак остида».
23.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
8.40 Бу шундай бўлган эди.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Шум болалар.
9.25 Полапон.
9.40 «Бу қўллар»
9.55, 15.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.15, 16.15 Тафаккур нури.
10.20 Телетеатр: «Отелло». 1-қисм.
11.15 Нафосат олами.
11.25 KINOMANIYA.
11.55 ТВ-анонс.
12.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 «Сув ҳам тугайдими?»
13.50 «Қиш сонатаси». Сериал.
14.30 ЯНГИ КУН.
15.30 Матонат.
15.45 Газал мулки.
16.00 Давр.
16.20 «Қиш сонатаси». Сериал.
17.00 «Ташаббус-2007».
17.15 Портретга чизгилар.
17.30 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Мурувват».
17.40 Тасвир ва таассурот.
18.00 «АНЖЕЛИКА». Сериал.
18.35 Дилрабо.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Қиш сонатаси». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.15 Автопатруль.
20.35 Наво-SMS.
21.00 ТВ-анонс ва эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.40 «Саломея». Сериал.
00.05 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Ҳимоя».
9.55 «Репортаж».
10.25 «Шунақа гаплар».
10.50 «Тўфон».
17.55 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Имкон чегараси».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «O'zbektelefilm» маҳсулоти: «Италия». Телефильм.
22.50 «Қочоқлар».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 Мультфильм.
9.05 «Малахов+».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Детективы».
10.50 «Ровесник».
11.10 Теннис.
12.10 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
12.45 Бобслей. Жаҳон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 Кураш. «И. Каримов халқаро турнири» (Греция).
19.15 «Олам бўйлаб».
20.00 «Вести».
20.25 «Тет-а-тет».
20.35 «Любовь моя». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Бред Пит в мелодраме «Легенды осени» (2-я серия). Художественный фильм.
22.55 Футбол. Олимпиада ўйинларининг саралаш учрашуви. Тожикистон — Ўзбекистон.
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

15 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури:
«23,5 даража бурчак остида».
«Болалар сайёраси»:
9.15 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
10.20 «Табаррук замин».
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари».
Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.15 «Мустақил Ўзбекистон қизлари».
12.45 «Ибн Сино ҳақида ривоятлар».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури:
«Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Дил таронаси».
15.15 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Верди. «Бал-маскарад». 1-қисм.
16.20 «Сувни асранг!»
«Болалар сайёраси»:
16.30 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 Эски альбом.
17.15 «Имконият».
17.35 «Шифокор қабулида».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Бир жиноят изидан».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 ТВ-анонс.
19.15 «Сизнинг адвокатингиз».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30
ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари».
Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури:
«23,5 даража бурчак остида».
23.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
8.40 Автопатруль.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 У ким? Бу нима?
9.35 Кичкинтой театри.
9.55, 15.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.15, 16.15 Тафаккур нури.
10.20 Телетеатр: «Отелло». 2-қисм.
11.10 Тасвир ва таассурот.
11.30 Телетеатр: «Отелло». 3-қисм.
12.25 ТВ-анонс.
12.30 «Муҳаббат дардлари».
Сериал.
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 «Сув ҳам тугайдими?»
13.50 «Қиш сонатаси». Сериал.
14.30 ЯНГИ КУН.
15.30 Мурувват.
15.40 Газал мулки.
16.00 Давр.
16.20 Ёшлар оркестри ижро этади.
17.20 Нафосат олами.
17.30 Чемпион сирлари.
17.50 Истиқбол тимсоллари.
18.00 «АНЖЕЛИКА». Сериал.
18.35 Дилрабо.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Қиш сонатаси». Сериал.
20.10 ДаврА.
20.40 Рўзғор мактаби.
21.00 ТВ-анонс ва эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.40 «Саломея». Сериал.
00.05 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Муқаддас қадамжолар».
9.55 Мультфильм.
10.25 «Интервью».
10.40 «Қочоқлар».
17.55 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Иқтисод-ревю».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «O'zbektelefilm» маҳсулоти: «Франкфурт». Телефильм.
22.50 «Угай она».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 Мультфильм.
9.05 «Малахов+».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Детективы».
10.50 «Кучли бешлик».
11.35 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
12.10 Биатлон. Жаҳон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «АВТОграф».
19.10 «Гейм-сет-матч».
19.30 «Шарқ яккакурашлари».
20.00 «Вести».
20.20 «Новый русский романс». Сериал.
21.10 Футбол мундиал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Беллашув». Дам олиш дастури.
22.50 Еврофутбол. УЕФА кубоги. «ЦСКА» (Россия) — «Маккаби» (Исроил)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

16 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олам ва одам» дастури:
«23,5 даража бурчак остида».
«Болалар сайёраси»:
9.10 1. «Цирк, цирк. цирк».
2. «Қўнғироқ гул». Мультфильм.
9.50 «Изтироб». Теленовелла.
10.30 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари».
Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ҳажвия бисотидан».
12.15 «Ёшликда ўргансанг ҳунар»
12.35 «Бир жиноят изидан».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 «Зилол».
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури:
«Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Дил таронаси».
15.15 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Верди. «Бал-маскарад». 2-қисм.
16.20 «Меҳр кўзда». Хатларга шарҳ.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили. «Саломатлик дастури.
17.35 «Тарих кўзгуси».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.20 «Ўмр мазмуни».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.15 «Бизнес янгиликлари».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30
Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари».
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Антиқа пойга».
00.45 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
8.40 Чемпион сирлари.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Болалар табассуми.
9.25 ДаврА.
9.55, 15.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.15, 16.15 Тафаккур нури.
10.20 Мўйқалам сеҳри.
10.55 Интерфутбол.
12.25 ТВ-анонс.
12.30 «Муҳаббат дардлари».
Сериал.
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 «Сув ҳам тугайдими?»
13.50 «Қиш сонатаси». Сериал.
14.30 ЯНГИ КУН.
15.30 Истиқбол тимсоллари.
15.40 Газал мулки.
16.00 Давр.
16.20 Ватанпарвар.
17.20 Мухлис-шоу.
18.00 «АНЖЕЛИКА». Сериал.
18.35 Дилрабо.
18.45 Сифат белгиси.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Қиш сонатаси». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.15 Дунё таомлари.
20.45 Наво-SMS.
21.00 ТВ-анонс ва эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.40 «Саломея». Сериал.
00.05 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
10.05 Мультфильм.
10.45 «Иқтисод-ревю».
11.00 «Ўғай она».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Фаза бўйича йўналтириш». Илмий-оммабоп фильм.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.50 «Синдреллининг орзуси».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Болалар спорти.
8.35 Мультфильм.
9.05 «Малахов+».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Детективы».
10.50 Снукер.
11.50 Ринг.
12.20 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
12.55 Биатлон. Жаҳон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Тоғлар». O'zbektelefilm. Ҳужжатли фильм.
19.00 «Поле чудес».
20.00 «Вести».
20.20 «Новый русский романс». Сериал.
21.10 «Жаҳон спорти юлдузлари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Дорихона эшитади».
22.35 Детективное кино: «После заката». Художественный фильм.
00.10 Горные лыжи. Чемпионат мира.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

17 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.50 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
9.25 «Ҳидоят сари».
9.45 ТВ-анонс.
9.50 «Шифокор қабулида».
10.15 1. «Рангинкамон».
2. «Дидар».
10.55 ТВ-анонс.
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Оила ришталари».
Телесериал.
11.55 «Янги оҳанглар».
12.15 «Интеллектуал ринг».
13.00 ТВ-анонс.
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Хонадон».
14.45 «Автомобилдан сақланинг».
Бадиий фильм.
16.10 «Дил таронаси».
«Болалар сайёраси»:
16.25 1. «Ўйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.25 ТВ-анонс.
17.30 «Одами эрсанг»
17.50 «Оҳанглар оғушида».
18.00 «Саломатлик сирлари».
18.20 ТВ-анонс.
18.25 «Сиз қутган учрашув».
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Суперлото». Телелотерея.
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30
Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари».
Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.05 «КиноТеатр».
22.25 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.35 «Ромео ва Жульетта».
Бадиий фильм.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
8.40 Матонат.
8.55 Ватаним!.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Бола тилидан.
9.45 Нафосат олами.
9.55, 15.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.15, 16.15 Тафаккур нури.
10.20 «Ўрмон аҳли». Мультфильм.
11.40 Қилни қирқ ёриб.
12.25 ТВ-анонс.
12.30 «Муҳаббат дардлари».
Сериал.
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 «Сув ҳам тугайдими?»
13.50 «Қиш сонатаси». Сериал.
14.30 ЯНГИ КУН.
15.30 «Айланай»
15.45 Газал мулки.
16.00 Давр.
16.20 Каталог.
16.30 Ҳинд киноси: «Паринита».
18.40 Дилрабо.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Наво-SMS.
19.50 Эълонлар.
20.00 Жаҳон киноси:
«Йўқолган омад».
21.35 Мўйқалам сеҳри.
22.00 ДАВР.
22.30 Жаҳон киноси:
«Ҳурматли жаноб».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.45 «Маърифат фидойилари».
10.00 «Саломат бўлинг».
10.45 «Репортаж».
10.55 «Синдреллининг орзуси».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Гвадалупе». Телесериал.
19.45 «ИИВ хабарлари».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Камин олдида суҳбат».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Истеъдод».
22.45 «Анонс».
22.50 «Опа-сингиллар».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Маҳалламиз паҳловонлари».
8.40 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Бодрое утро».
10.00 Мультфильм.
10.15 «Смак».
10.50 Горные лыжи. Чемпионат мира.
11.40 «Цирк в Монте-Карло».
12.30 «Стать ближе». Шоу-программа.
13.20 «Зверинец».
18.00 «Болалар олами».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Военное дело».
19.10 «Иқтидор». Интеллектуал шоу дастури.
19.50 «Оддий репортаж».
20.00 «Вести».
20.20 «Файзли ошхона».
20.40 «Фото-ревю».
20.55 Музыкальная пауза.
21.00 «Стиль».
21.15 «Звёздный матч».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Смешное кино: «Не пойман — не вор». Художественный фильм.
23.25 «Среда обитания».
23.40 «Турнир хитов».
24.00 «Империя кикбоксинга».
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

18 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.45 «Бан-Бан лақабли йўлбарсча». Мультфильм.
10.05 «Саломатлик сирлари».
10.25 «Оила ришталари».
Телесериал.
11.00 «Қалпоқ».
Ҳажвий кўрсатув.
11.30 «Янги оҳанглар».
11.50 «Сиз қутган учрашув».
12.30 «CINEMA.UZ».
12.55 ТВ-анонс.
13.00 «Тўйлар муборак».
Бадиий фильм.
14.00 «Оддий ҳақиқатлар».
Ток-шоу.
14.50 «Дил таронаси».
15.05 «Жиддий ўйин».
16.00 ТВ-анонс.
«Болалар сайёраси»:
16.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
16.55 «Ҳамон ёдимда».
1-қисм.
17.15 ТВ-анонс.
17.20 «Ҳамон ёдимда».
2-қисм.
17.40 «Алишер Навоий».
Бадиий фильм.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40
ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома»
(рус тилида).
20.05 «50х50». Ток-шоу.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ-анонс.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Заковат».
23.00 «Стенли ва Айрис».
Бадиий фильм.
00.35 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.55 Дастур очилиши.
7.00 «Қиш сонатаси».
Сериал.
9.30 Болалар давраси.
10.00 ВАТАНПАРВАР.
11.00 Journal.
11.20 Миллий кино:
«Келинлар қўзғолони».
12.30 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
15.00 Рўзғор мактаби.
15.20 Дунё таомлари.
15.50 Ринг қироллари.
16.40 Чемпион сирлари.
17.00 Жаҳон киноси:
«Роузлар жанги».
18.40 Дилрабо.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр ҳафта ичида.
19.30 «Ниҳол» мукофоти соҳиблари» туркумидан. Шерзод Давронов.
20.00 KINOMANIYA.
20.30 Жаҳон киноси:
«Буюк сулола».
23.35 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.45 «ИИВ хабарлари».
10.00 Мультфильм.
10.40 «Интервью».
11.25 «Истеъдод».
11.50 «Дорихона эшитади».
14.30 «Камин олдида суҳбат».
15.00 «Опа-сингиллар».
16.35 «Телекурьер-маркет».
16.55 «Жозиба».
17.15 «Саргузаштлар ороли».
17.45 «Мулоҳаза учун мавзу».
18.15 «Телекурьер-маркет».
18.35 «Тақдиринг қўлингда».
19.50 «CINEMA BOLLIWOD».
20.10 «Нима учун?»
20.50 «Дилкаш наволар».
21.20 «Туризм ҳақида».
21.50 «Қасос ўти».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Қувноқ стартлар».
8.30 «Хабарлар» (рус тилида).
8.50 Мультфильм.
9.00 «Бардам бўлинг».
10.00 «Улыбка».
10.10 «Непутёвые заметки».
10.30 «Пока все дома».
11.20 Воскресный «Ералаш».
12.00 «Рақибингиз гроссмейстер».
12.25 «Файзли ошхона».
12.45 «До-ми-соль». Шоу-программа для детей.
13.35 «Проф-РИНГ».
18.00 «Детский мир».
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 «Вести».
20.20 «Д

ОНА ТИЛИГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Улар жон қадар азиз ва мўътабар қадриятлардир. Кимда-ким бу неъматга беписанд қараса, ўз қадрини билмаса, ўзгалар ҳам уни ҳурмат қилмай қўяди.

Шўролар даврида саксон фоиздан ортиқ илмий адабиётлар давлат тилида нашр этилгани, қарорлар, атамалар, шиорлар ва ҳаттоки оддий аризалар расмий тилда битилгани, ўзбек тилида мурожаат этиб, бирон-бир идорадан жавоб олиш мумкин бўлмагани, ҳатто миллий мактабларда она тили дарси қисқартириб ташлангани оқибатида ҳуқуқий, иқтисодий ва маърифий соҳаларда, шунингдек, кадрлар сиёсатида ғайритабиий номувофиқликлар келиб чиқди. Миллий тилларга нисбатан совуқ ва беписанд муносабат шаклланди. Албатта, бу тилнинг ҳаётий такомил йўлини бузиб ташлади ва унинг замонга монанд шаклланиши, луғавий жавҳари бойиб, табиий яшариб боришини бир неча ўн йиллар орқага суриб юборди.

Амалдаги давлат тили шундай бир сиёсий нуфуз касб этдики, «Политбюро», «Узглавзаготживпром», «Узкаракульпром», «УзЛКСМ», «Узптицепром», «Автоном область», «Обком», «Райком», «Секретариат», «Райвоенсовет» каби беҳисоб шўравий ном ва атамалар тўғридан-тўғри зўрлик билан ўзга халқлар тилларига кириб борди. Ўша сиёсат таъсирида одамлар ўз фарзандларига ҳатто Мэлс, Маркс, Октябрь, Тельман, Эльбрус, Дарвин деб исм қўя бошлади. Ва шу тариқа миллий тиллар қадр-қиммати, аҳамияти ва жозибасини йўқотиб, иккинчи даражали муомала воситасига айланди. Бу – ўзга халқларнинг маънавий-руҳий оламини ҳалокатга маҳкум этишдек машъум бир ҳаракат эди.

Мана шундай вазиятда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримов эл-улусни бўғиб келаётган мустабид сиёсатга зид равишда ҳаёт оқимини халқ хоҳиш-иродаси томон буриб юборди. 1989 йилнинг 21 октябрида давлат тили ҳақида Қонун қабул қилиниши шу хайрли йўлдаги қутлуғ қадамларнинг биридир.

Ушбу қонунда тилимиз халқимизнинг маънавий мулкидир дея урғу берилган. Ва унга кўра, олий давлат ҳокимиятидан қуйи қатламгача давлат тилида иш юритиш жорий этилган.

Бу – эзилган халқ ҳаётида унутилмас тарихий воқеа эди, албатта. Шўро тузуми жон-жаҳди билан ўзини сақлаб қолишга уринаётган ўша нотинч замонда бу қадам осонликча қўйилган эмас. Мазкур ҳужжат дастлаб 1989 йилнинг бошида «Ўзбекистон ССРнинг тиллар тўғрисидаги қонуни» лойиҳаси сифатида муҳокамага тақдим этилгани ҳам шундан далолат беради. Ўша вақтда иттифоқ миқёсида икки тиллилик сиёсати авж олган эди. Республика зиёлилари орасида ҳам мана шу сиёсатни ёқлаган, турли миллат ва элатлар орасида, шак-шубҳасиз воситачи тил зарур, деб сувни лойқалатган одамлар йўқ эмас.

Шунга қарамасдан, қонун асослари ҳаётий эҳтиёж даражасида қайта яратилди ва янги лойиҳа яна умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилди.

Муҳокамада 851 минг фуқаро иштирок этди. Улар 3 миллиондан ортиқ қимматли таклиф ва мулоҳазалар билдиришди, тилимизни кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг бурчимиз дея эътироф этишди.

Шу ўринда беихтиёр улуғ авар шоири Расул Ҳамзатовнинг «Менинг Доғистоним» асаридаги бир ҳикоя хаёлдан ўтади. «Хунзах райкомида Михаил Григорьевич Гусейнов деган одам отбоқар бўлиб ишларди, – деб ҳикоя қилади шоир. – Унинг исми аслида Михаил эмас, балки Муҳаммад бўлган. Фуқаролар уруши даврида қайлардадир изғиб юриб, ўша ёқдан Муҳаммад эмас, балки Миша, Михаил Григорьевич бўлиб қайтган. Шунда кекса отасининг ғазаби қўзиган.

– Бу кунингдан ўлганинг яхши! – деган ўғлига. – Сенинг ноқобиллигингдан куйгандан кўра, онангнинг: «Вой, болам!» – деб қон йиғлаганини эшитсам, яхши эмасмиди? Мен не-не ният билан сенга Муҳаммад деб исм қўйган эдим, ўйламасдан, уялмасдан уни ўзгартириб олибсан! Майли, бу – сенинг ишинг, аммо отам менга қўйган исмни Григорий қилиб олишга қандай ҳаддинг сиғди?! Ахир, мен ўлганим йўқ-ку! Кўзим тирик-ку! Билиб қўй, мен Ҳасанман, Ҳасан бўлиб яшадим, Ҳасан бўлиб ўтаман!..»

Ўз қадрини билган ҳар бир инсоннинг қалбида ана шундай мўътабар туйғу яшаши, унинг ғуруру эътиқоди сўнмаган умид ва ишончига тириклик бағишлаб туриши муқаррар.

Тилимизга давлат тили мақоми бериш ҳақида қонун қабул қилинган ўша тарихий сессияда Юртбошимиз жиддий курашлар ва қизғин баҳсу мунозараларга якун ясаб, жумладан, шундай дейди: «Каттами, кичикми, ҳар бир халқ ўз она тилини ҳурмат қилади. Ўз она тилини билмаган киши ўз шажараси ва ўз илдизини ҳам билмай ўтади. Бундай одамнинг келажаги бўлмайди».

Айтиш жоизки, ўша қонунда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир миллат ва элат тиллари доимо ҳурмат қилиниши, уларнинг лисоний жозибасини тиклаш ва келажак наслларга мумтоз мерос сифатида қолдириш масаласи ҳам кафолатланган эди.

Мана, шундан буён қарийб ўн олти йил вақт ўтди. Бу давр ичида она тилига ихлос ва эҳтиром кўрсатиш борасида яхлит бир тарихни ташкил этувчи кенг кўламли ишлар қилинди.

Аввало, 1989 йилнинг ёзидаёқ болалар боғчаларидан токи олий ўқув юртларигача Ўзбек тили ва адабиёти ўқитилиши изчил йўлга қўйилди ва ҳозирги Миллий университетда бу жараённи назорат этувчи ўқув-услубий бўлим ташкил этилди.

Шунингдек, олий ўқув юртларининг ўзга тилли тизимида ўзбек тили бўйича сабоқ жорий қилинди ҳамда шунга ихтисослашган кафедралар ташкил этилиб, давлат тили бўйича имтиҳон топшириш тартиби йўлга қўйилди.

Йирик идоралар, корхона ва жамоат ташкилотлари қошида давлат тилини ўргатиш курслари иш бошлади.

Шу билан бирга, туман, шаҳар, вилоят ҳокимликларида топонимия комиссияси, Вазирлар Маҳкамаси қошида эса Атамалар қўмитаси тузилди. Тилшуносларимиз ҳар бир соҳага оид мақбул атамани танлаш, жойларнинг қадимий номларини илмий асосда чуқур ўрганиб, яна қайта тиклаш борасида кўпдан-кўп хайрли ишларни амалга оширишди.

Мактаб таълими, матбуот, кино ва театр, хўжалик ва ҳокимият тизимида, ҳуқуқ-тартибот, суд ва маъмурий идораларда, ҳарбий соҳада, айниқса, корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳисоб-китоб ҳамда молия ҳужжатлари, умуман, ишнинг давлат тилида олиб борилиши, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар, шаҳодатнома ва дипломлар, илмий ишлар, олий ўқув юртлари учун дарслик ва қўлланмалар мазкур тилда яратилиши ёмғирдан сўнг қуёш чарақлаб чиққани каби тилимиз кўрку чиройини очиб юборди.

Нодир қўлёзмалар ва тарихий асарларни, урф-одат ва анъаналарни, миллий ва диний қадриятларни тўла рўёбга чиқариш, улар ҳақида холис ва илмий тасаввур уйғотиш мақсадида «Мерос» ҳаракат дастури амалиётга киритилди. Топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси ҳар бир сўз ва атаманинг, жой номининг келиб чиқиш тарихи, маъно-моҳиятини атрофлича тадқиқ этган ҳолда қайта тиклашга киришди. Бу эса ном ва атамалар тарихини теран англаб етишга, тафаккурнинг мутелик исканжасидан халос бўлишига, фикрлаш тарзи илмий-мантиқий асосда ривожланишига замин яратди.

Масалага ойдинлик киритиш учун айрим ҳаётий мисолларга мурожаат қилайлик. Сиз «Политотдел» колхози, маданий-оқартув техникуми деган номларни кўп эшитгансиз.

Бир вақтлар маданий-маърифий ишлар маданий-оқартув деб олинган ва мана шу ибора яқин-яқингача сақланиб қолган. Аслида у ясама бўлиб, тилимизда ҳеч бир маъно англатмайди. Аммо бунга ҳеч ким эътироз билдира олмаган.

Қаранг, машҳур жамоа хўжалиги ва унинг футбол жамоаси узоқ йиллар давомида «Сиёсий бўлим» («Политотдел») деган номни ортмоқлаб юрди.

> **МИЛЛАТНИНГ ЎЗ ҚАДР-ҚИММАТИНИ НЕЧОҒЛИК АНГЛАШИ АВВАЛО ОНА ТИЛИГА, ОТА-БОБОЛАРИ БОСИБ ЎТГАН ҲАЁТ ЙЎЛИГА ВА ОНА ВАТАНИГА МУНОСАБАТИДА ТЎЛИҚ НАМОЁН БЎЛАДИ.**

Ҳатто бунга одамлар ажабланган эмас. Чунки тил сиёсати нима эканини ҳамма яхши билар эди.

Аслида ҳар бир ном ва атама аниқ маъно англатиши, ойдин тасаввур ва тушунча уйғотиши, эл-улуснинг эзгу тилакларини, тарихий шахсга ҳурмат ва эҳтиромини ёки бирон-бир фавқулодда воқеа-ҳодисага эътиборини ўзида намоён этиши лозим. Тилда маъносиз сўз яшаши мумкин эмас.

Шу маънода, Крестянский, Красногорский, Водник, Солдатск, Красногвардейск, Комсомольск-Устюрт деган жой номларини қандай изоҳлаш мумкин? Бу жойлар нима мақсадда шу ном билан аталган? Маъноси нима? Буни излаб луғат ва ё қомус титкилаш бефойда. Аниқ бир маълумот топа олмайсиз. Аҳоли муқим яшайдиган бир эътиборли жойни сийқа бир ном билан аташ инсонга ҳурматсизлик эмасми?

Тилимиз давлат тили мақомини олгач, аввало мана шундай мавҳум тушунчаларга ойдинлик киритиш, сўзнинг асл маъно-мазмунини чуқур англаб, кейин уни қўллашга мустаҳкам замин яратилди. Ва бу эзгу ҳаракатнинг хайрли самарасини бугун ҳар қадамда кўриб турибмиз.

Биргина мисол. Шаҳаршунос В.Нильсен «У истоков современного градостроительства Узбекистана» (1988 йил) китобида қайд этишича, пойтахтимизда 56 та асосий кўча бўлиб, Охунбобоев ва Қори Ниёзий, Ўзбекистон ва Чимкент деб аталган ўн кўчадан бошқа барча-барчаси «Уездная», «Ремесленная», «Стрелковая», «Пролетарская», «Новая», «Почтовая», «Инженерная», «Саперная», «Учительская», «Первого мая» «Советская», «Коммунистическая» каби одамлар ғururини таҳқирловчи ясама атамалар, шунингдек, Кафанов, Финкельштейн, Урицкий, Клара Цеткин каби номлар билан аталган.

Шу боис қонунда: «Барча тарихий исмлар ва жойларнинг номлари халқнинг моддий мулки ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади», дея белгилаб қўйилган.

Биз бугун гўзал пойтахтимизни хаёлан сайр этсак, унинг кўркам даҳалари, мавзе ва маҳаллалари номига боқиб, ана шу тарихий ҳақиқат қарор топиб бораётганига гувоҳ бўламиз.

Абу Наср Форобий айтадики «Сўзга айланган товушлар аниқ нарсаларни англатади ва муайян тушунчаларни ифодалайди. Шундан сўнг одамга унинг хотираси ёрдамга келади».

Эгарчи, Тақачи, Ўқчи, Темирчи, Чақичмон каби маҳаллаларнинг азалий номлари шу жойда яшаган аҳоли қандай касб-ҳунар билан машғул бўлганидан, Сағбон, Қорасарой, Чиғатой, Тахтапул, Қашқар каби ўн икки дарвоза ҳамда Шайхонтоҳур, Себзор, Кўкча ва Бешёғоч даҳаларининг номлари эса сўлим шаҳримизнинг қадимий тарихидан ҳикоя қилади.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «бу жой номларининг ҳар бири тарихимизнинг бир парчаси бўлиб, уларни ота-боболаримиз бизга қолдирган мерос сифатида қабул қиламиз».

Тилимиз луғавий жавҳарининг қайси қатламига назар ташламанг, у тоғ ё дарё, шаҳар ё қишлоқ номи бўладими, ёки жанглар урҳоси ё латиф ғазал бўладими, барча-барчасида мозий садолари аксланиб туради. Сўз тарихнинг асл сурати ва ноёб ҳаётий манбаидир. Миллий хислат ва хусусиятлар унда намоён бўлади. Шу боис қайта тикланган Мингўрик, Яккасарой, Зарқайнар, Миробод, Шаҳристон, Дархонариқ каби қадимий номлар тилимизнинг луғавий бойлигига айланиб қолмай, келгуси авлодларга кечмиш сирларидан сўз очувчи бебаҳо маънавий хазина бўлиб қолади.

Бугун «маҳалла» атамаси халқимиз табиатидаги олижаноб фазилатни, бир эл, бир тан-бир жон бўлиб яшашдек азалий ҳикматни ўзида ифода этади. Маҳалла жамиятнинг илдизи, ҳудудий ва маъмурий бирлигидир. Маҳалла бамисоли бир оила, ўз-ўзини бошқаради ва назорат этади. Яхши-ёмон кунда бир-бирига таянчу суянч бўлади.

Қоратош, Чорсу, Ҳофиз Кўҳакий, Тўпқайрағоч, Тиллашайх, Каттабоғ, Чиғатой каби шаҳримиз қучоғида чаман бўлиб ётган кўркам маҳаллаларни бир кўз олдингизга келтиринг. Улар наинки лисоний мулк бўлган жозибали номлари, балки гўзал шарқона латофат, ҳиммат ва меҳр-оқибат, ҳалол-покиза ҳаёт тарзи билан ҳам кишини ўзига маҳлиё этади, жамиятга файзу тароват бағишлайди.

Худди шунингдек, Амир Темур, Шота Руставели, Форобий, Низомий, Улуғбек, Абай, Пушкин, Абдулла Қодирий дея ном олган сўлим ва хушманзара кўчалардан ўтар бўлсангиз, халқимизнинг эл-юрт заҳматини чеккан, кишилик жамияти ривожига муносиб улуш қўшган мўътабар зотларга чексиз ҳурмат ва эҳтиромини чуқур ҳис этасиз.

Гўзал пойтахтимизнинг бугунги чиройига гузар ва маҳаллалар, мавзе ва даҳалар номлари алоҳида фусун ва жозиба бахш этиб турганини рад қилиб бўладими?!

Ёки бўлмаса, кейинги йилларда тилимизга сингиб кетган Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазир, Вазир, Ҳоким каби атамаларни олиб кўрайлик.

Министрлар совети ўрнида Вазирлар Маҳкамаси қарор топди. Маълумки, ўз вақтида Министрлар совети СССР Министрлар Советининг республикада номига иш юритадиган тизими эди, холос.

Вазирлар Маҳкамаси эса том маънода ҳукуматга раҳбарлик этувчи нуфузли маҳкамадир.

Ҳар бир вазирликнинг вилоят ва туман миқёсида ўз бошқармаси фаолият юритади ва яхлит ҳолда улар ижроия ҳокимиятининг мустаҳкам тизимни ташкил этади.

Маълумки, вазир атамаси дастлаб VIII асрда истеъфода этилган. Ҳукумат таркибидаги олий мансубли шахс мазкур унвон билан аталган. Вазирлар ва уларнинг жойлардаги вакиллари ҳукумат ишини давлат сиёсати мақомида ижро этишган. Мазкур тизимга Вазири аъзам – улуғ вазир раҳбарлик қилган.

Ҳоким деганда азал-азалдан давлат раҳбарининг вилоятдаги ноиби тушунилган, бу қадимий атама ҳозир ҳам худди шу маънони англатади. Яъни, ҳоким деганда давлат раҳбарининг вилоятдаги ишончли вакили кўз олдимизга келади.

Вилоят ва туман ҳокимликлари, Вазирлар Маҳкамасининг қуйи бўғинлари бир бутун ижровий тизимни ташкил этади.

Тилимиздаги ҳар бир сўз ва атаманинг мазмун-моҳияти сари йўл очган бундай ҳаётий мисолларни истаганча келтириш мумкин. Асрлар оша яшаб келган асл лексик қатлам, тарих тақозосига кўра юзага келган ном ва атамалар яна қадр топди ва тилимизга, юртимизга жозиба бағишлади.

Жалолиддин Румий айтадики, китоб ўқиганда унинг маъносини англаб етмоқ муҳим. Шунда сўз ўз сирини очади. Акс ҳолда, у парда ортида қолиб кетади.

Ғаффор ҲОТАМОВ.
(Давоми бор).

НОЁБ ГАВҲАР – ҚОРАКЎЛИМСАН



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳа, Ватани Ўзбекистон бўлган қоракўлнинг – миллий ифтихоримизга айланган бойликнинг янада кўпайиши, сифати ортиши йўлида соҳанинг фидойилари жонбозлик кўрсатишмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланувчи қоракўлчилик 17 миллион гектардан зиёдроқ майдонни эгаллаган яйловларда ривожланиб келяпти. Маълумотларга биноан айни дамда Ўзбекистонда тахминан 5 миллион бошга яқин қоракўл қўйлари мавжуд. Немис элчисининг Бухоро амири кўнглига йўл топиши натижасида дунёга тарқалган қоракўл бугунга келиб, қирққа яқин мамлакатда урчитилиб, кўпайтирилаётган экан. Ватани Ўзбекистон бўлган қоракўлнинг жаҳонга тарқалиши унинг ранг-баранг зотлари, турлари кўпайишида муҳим омил бўлмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, бугунга келиб қоракўл зотли қўйларнинг 10 хил ранг, 12 хил тус ва 30 га яқин ранг-барангликлари мавжуд экан. Бу қоракўлимизнинг ноёблиги, гавҳардай товлана боришидан далолат. Таъкидлаш лозимки, қоракўл гуллари, бу зотдаги қўйларнинг янги-янги ранглари, туслари, селекцион белгилари шаклланиши йўлида мамлакатимизда муҳим ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Республикамиздаги мавжуд 104 та қоракўлчилик ширкат хўжаликларининг 20 таси наслчиликка ихтисослашгани ҳам фикримизни исботлайди.

Ўзбекистон Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари соҳани барқарор ривожлантириш, чўл яйловларининг биологик хилма-хиллигини, ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг юқори рентабеллигини таъминлаш, технология ва моллар генофондидан унумли фойдаланиш орқали қоракўлчилик маҳсулотларини кўплаб етиштириш, қисқаси 2015 йилгача қоракўлчиликни барқарор ривожлантиришга жиддий эътибор қаратишган. Бу борада вилоятлардаги қоракўл ишлаб чиқариш бирлашмалари билан ҳамкорликда режали ўқув курслари ташкил этилмоқда, ривожланган мамлакатлар илғор тажрибалари билан ўртоқлашилмоқда.

Юқорида қирққа яқин мамлакатда қоракўлчилик шаклланганини таъкидладик. Хўш, қоракўлнинг ватани бўлган Ўзбекистон ноёб гавҳаримизнинг сифати борасида бугун дунёда қандай ўрин тутади?

– Бугунги кунда дунё бўйича 30 миллион бошдан ортиқ қоракўл қўйлари боқилса, табиийки, уларнинг энг тоза, асосий генофонди Ўзбекистондаги зотлар ҳисобланади. Ана шу сабабдан ҳам селекция ишларида юртимиздаги зотларига улкан эътибор қаратилади. Мамлакатимизда сўнгги йиллар давомида яратилган янги завод типлари ўзбек қоракўлининг дунё мўйна бозорида харидоргирлигини таъмин этмоқда.

Териларнинг жингалакланишига кўра, 4 та гул типи яратилган. Улар – ярим доира қаламгул, ясси қаламгул, қовурғасимон қаламгул, ўсиқгул. Қўйларни танлаш ва саралаш жараёнида ушбу элементларнинг бари ҳисобга олинади. Бундай талабларга жавоб берадиган қўзилар Ўзбекистон Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари билан бамаслаҳат ўстиришга қолдирилади. Бу селекция жараёнининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиб, маҳсулотнинг харидоргирлигини оширади.

Айни пайтда тизимдаги хўжаликларнинг 60 таси қора, 27 таси сур, 19 таси эса кўкрангдаги қоракўл қўйларини урчитишга ихтисослашган. Бу хўжаликларнинг айримларида оқ, қамбар, гулигаз ва зармалла рангли қоракўл қўйлари ҳам кўпайтирилишини таъкидлаш жоиз.

Қувонарлиси шундаки, кейинги йиллар ичида жаҳон мўйна бозори талабларига жавоб берадиган янги-янги типлар ҳам яратилмоқдаки, бу ўзбек қоракўлининг нуфузини янада оширмоқда. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, 29 та хўжаликда қоракўл қўйлар генофондини сақлаш ва бойитиш борасида илмий ишлар олиб борилмоқда. Бундайин изланишларнинг самараси сифатида «Зармалларанг», «Сангузар» завод типи, қорақалпоқ сур қўйларининг «Тўрткўл» завод типи, кумушсимон тусли сур қўйларнинг «Ўзбекистон» завод типларини келтириб ўтиш лозим. 2011 йилгача яна 5 та янги завод типларини яратиш бўйича илмий ишлар ўз якунига етиши кутиляпти, дейди «Ўзбек қоракўли» компанияси раисининг ўринбосари Кенжа ака Мадаминов.

Шу ўринда бу ноёб маҳсулотнинг экспорти қай даражада, деган табиий бир савол туғилади. Келинг, масаланинг бу томонига ҳам эътибор қаратайлик.

«Ўзбек қоракўли» компанияси таркибидаги 25 та корхона қоракўл маҳсулотларини тайёрлаш ва уларни экспорт қилиш билан шуғулланаркан. Ортда қолган йилнинг 11 ойи натижалари таҳлил қилинадиган бўлса, 1 миллион 991, 5 минг АҚШ доллари миқдорида қоракўлчилик маҳсулотлари экспорт қилинганини англаш мумкин. Шунинг 1 миллион 229,2 минг доллари қоракўл тери ва ундан тайёрланган маҳсулотлар улушига тўғри келаркан. Ёки бўлмаса йил якуни бўйича умумий кўрсаткич 2 миллион 200 минг долларга тенг бўлгани ҳам соҳа истиқболи порлоқ эканлигини кўрсатади.

Жорий йилда эса компания таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар хорижий фирмалар билан 3 миллион 83,6 минг АҚШ доллари миқдорида шартнома имзолаган. Бундан кўриниб турибдики, экспорт ҳажми ортяпти. Табиийки, бунда наслчилик борасида олиб бораётган ишларимиз ҳам муҳим ўрин тутади. Масалан, 2004 йилда республикамиздаги Абай, «Сарибел», Ғ.Ғулом номли наслчилик заводларида қора ва сур рангли қоракўл қўйларнинг экспортбоп қоракўл терилари етиштириш имконини берувчи учта юқори сифатли завод типлари давлат стандартидан ўтиб, патентлаштирилди. Селекциямиз соҳасида ҳали олимларимиз кўп-кўп янгиликлар қилишига, ўзбек қоракўлининг довруғи янада кенг ёйилишига ишонамиз.

Истиқлолгача деярли хомашё етказиб берган бўлсак, ҳозирда қоракўл тери ўзимизда қайта ишланмоқда. Буни соҳадаги энг йирик корхоналардан бўлган «Бухоро-Қоракўл» очиқ ҳиссадорлик жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур корхона йилига 1,5 миллион дона терини қайта ишлаш қувватига эга экан. Корхона раҳбариятининг таъкидлашича, ҳали қувватдан тўлиқ фойданилмаяпти. Шундай бўлса-да, ортда қолган йилда корхона томонидан 656 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот хорижга экспорт қилинди. Ҳа, мамлакатимиз иқтисодиётининг янада гуллаб-яшнаши, экспорт салоҳиятимиз юксалишида бундайин корхоналарнинг ўзига хос ҳиссаси бор.

Бундан ташқари «Сарибел –Диамед– Россия», «Оёққудуқ», «Қоровулбозор – Байкал» каби қўшма корхоналар ҳам соҳанинг шаклланишида, ўзбек қоракўлининг дунёга янада кўз-кўз этилишида муҳим роль ўйнамоқда.

2005 йилда Япониянинг Аичи шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмада «Табиат мўъжизаси» деган мавзуда «Ўзбек қоракўли» компанияси вакиллари ноёб гавҳаримизни, унинг турлари, тусларини намойиш этишади. Қоракўл халқаро кўргазманинг бронза мукофотига сазовор бўлиб, компанияга фахрий ёрлиқ топширилади.

Қоракўл қўйларининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, бу жонзотлар 90 фоизга яқин озуқасини даладан териб ейди. Шунинг учун ҳам чўл ва саҳроларда уларни кўпайтиришга эътибор қаратишади-да. Гап шундаки, бунинг баробарида чўл ва саҳроларимиз иқтисодий жиҳатдан ўзлаштирилади, обод бўлади, бу ерларда яшовчи аҳолининг турмуш фаровонлиги ортади.

Ишончимиз комилки, Юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотлар қоракўлчиликнинг янада шаклланиши йўлида ҳам ўзининг самарасини беради. Ҳа, тупроғи олтинга менгзаладиган бу замин, ундаги бунёдкор, яратувчан халқ ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Майор Шерзод АЛИЕВ.

Нуқтаи назар

НОМИМИЗГА ДОҒ ТУШМАСИН

Инсонда ақл ва идрок, иймон ва виждон, диёнат ва ор-номус, ғурур ва ифтихор, гўзаллик ва нафосат мужассам. У ердаги ҳаётнинг энг фаол ҳимоячиси, табиат ва жонзот борки, унинг меҳру шафқатига муҳтож. Бир қарашда ҳамма нарсага ҳукмрондай туюлган инсоннинг бошқа бир назар билан ожиз ва заиф томонларини ҳам кўриш мумкин. Бу ҳаётда кеккайган ҳам, энкайган ҳам яшайверади. Туяни бутунича ютиб ҳам тўймайдиган одамлар бор. Буни ҳаётда ҳар доим кузатиш мумкин. Шу ҳақда чуқурроқ бир мулоҳаза қилиб кўрмаймизми?

Болаликда ҳаммамиз беғубормиз, дилимиз пок ва назаримиз тўқ, кечиримлимиз. Аммо нега ёшлик кучи қайнаган сари шафқатсиз ва бераҳм, олифта ва сипо бўламиз. Буни қарангки, болакай ҳам ҳатто ўзининг қинғирлигини энг аввало, ота-онасини алдашдан бошлайди. Кейин қолганларни алдаш жуда осон. Алдайверади, ака-укаларни алдайди, хато қилиб, уни ёнидаги шеригига, дўстига юклаб юбораверишдан ҳам тоймайди. Гапнинг сирасини айтганда, хато қилиб, гўё «қўй оғзидан чўп олмаган»дай яшайверади. Бошқа бирор имкони бўлмаган тақдирда ҳатто, айбини шайтоннинг бўйнига юклаб қутулади. «Қурғур шайтон йўлдан урди», дея неча-неча тавба-тазаррулар қилади, ўкраб-ўкраб йиғлайди, куйиниб-куйиниб пушаймонлар қилади. Кошки, шу билан тавба қилиб, тўғри йўлга тушиб олса. Минг афсуски, вақт ўткинчи, ўтгани эса ортга қайтмайди. Баъзи бирларимиз эса худди ҳаётда бир умрга яшайдигандек бемалол ўз манфаатимизни кўзлаб минг бир хилда турланамиз, турланаверамиз. Танишларку, кимлигимизни яхши билишади, нотанишлар олдида ўзимизни кўз-кўз қилишга интиламиз, худди дўсту ёронларга садоқат кўрсатишга тайёрдай яшаймиз, охир-оқибат бунинг уддасидан чиқа олмай афсуслар чекамиз. Ўзимиз бошлаймиз, ҳали битмай суюнамиз, роҳатланамиз, бу яна қандай адолатки, пировардида кўзга кўринмас шайтонни ёмонотлиқ қилиб қўямиз. Одамлар ҳар хил: бировлари ҳавойи, бировлари «қўйдай юмшоқ», бировлари тоғдай сабр-тоқатли. Бировлари яхшилик қилиб роҳатланса, бировлари ҳақоратлашдан «ором» топади.

Инсон қизиқ ва айни пайтда уни охиригача тушуниб етиш ҳам қийин. Сўзлаганда яхши гап топади, амалда эса номаъқулини қилади. Ҳайвонларнинг ялтоқилик қилганини ҳеч кўрганмисиз? Йўқ, кўрмайсиз ҳам. Улар ё қўрқиб ортга чекинади ёки мардона ҳужум қилади. Инсон эса шароитга қараб иш юритади. Бунинг сабаби аён. Чунки унинг ақл-фаросати бор. Керак бўлса алдайди ҳам. Ўз тенқурларидан ўзиш учун алдайди, бир гўзал васлига етишиш учун, бошқалардан кўра яхшироқ яшаш учун, ўзи шунга муносиб бўлмаса-да, юқорироқ лавозимга эришиш учун алдайди. Кейин қийналса яна айбни шайтонга тақаш, яна бир умр обрў талашиш, пинҳона бир-бировга чоҳ қазиш, «ҳаммангдан мен кучлиман», дея ҳукмронликка интилиш: мана сизга баъзи бировларнинг яшашдан кўзлаган мақсади.

Инсонийликнинг бош белгиси – эзгуликка интилишдир. Шундай экан, унга ҳамиша ёмон томонга бошлаб юрадиган «ҳамроҳ» нимага керак? Икки севишган қалбни бирбиридан ажратиб, муҳаббатга кафан бичиб, ўғил-қизимизни бахтли қилмоқчи бўлсак ёки қўшнимизнинг томидан ёмғир томчилари чаккалаб ўтиб турганда уч қаватли данғиллама иморат қилиб, камбағал одам устидан намойишкорона масхаралаб, ҳузур қилиб юрсак, бунга шайтоннинг қандай дахли бор? Орзу-ҳавас билан яшаш яхши. Бироқ унинг ҳам маълум чегараси бор. Керагидан ортиғи одамга фойда келтирмайди. Кўнгил нималарни орзу қилмайди, дейсиз. Кўнгилга қулоқ тутаверсак, бир куни уялиб қолишимиз тайин. Ахир, эл-юрт ҳар бир қадамингни кузатиб туради. Ўз вақтида этагингни йиғиб ололмасанг, эртага кеч бўлади.

Ҳар қандай инсоннинг Ватани битта бўлади. Ватан ҳеч қачон иккита бўлмайди. Бизга ато этилган бу гўзал юрт учун жон бериш ҳам нечоғлик шараф.

Биз энди ҳаммамиз шу юрт равнақи учун ўз ҳаловатимиздан кечиб, Ватан истиқболи йўлида шахсий манфаатларни иккинчи ўринга суриб қўйиб, ҳалол меҳнат қилмоғимиз керак. Шундай экан, келинг, яхшиси, ҳар нарсани ўз номи билан атайлик, айбимизни ҳам бировга тўнкамай, ўз бўйнимизга олайлик. Шунда уни тузатиш ҳам осон бўлади. Янги, озод ва обод жамиятни ривожлантиришда бундай йўл тутиш жуда ҳам зарур.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

Хотира

ХИЗМАТИНГНИ УНУТМАС АЗИЗ ХАЛҚИНГ



Тошкент шаҳрида жойлашган «Ўзэкспо» марказининг дала майдонида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички Ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, «Адолат» социал-демократик партияси, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, Республика Фахрий (Байналмилал) жангчилар бирлашмаси, ИИВга қарашли ЖАР спорт соғломлаштириш мажмуаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилишда мардлик кўрсатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган лейтенант Сайёр Садинов хотирасига бағишлаб, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси кубоги учун «Тоғ машқлари» мусобақаси ўтказилди.

Хотира, нафақат ўтмишни унутмаслик, балки бугунги ҳаётимизнинг қадрига етиш, эртанги кунни тўғри тасаввур этиш, демакдир. Хотира инсонни келажакка теран қарашга ўргатади. Шу боис, ёшларимиз юртимиз сарҳадлари дахлсизлиги, халқ фаровонлиги, миллат равнақи йўлида муносиб хизмат қилиб, мардлик ва матонат кўрсатган қаҳрамонларимиз жасоратини унутмаслиги, улардан ибрат олиб яшашлари даркор.

Ўтказилган мусобақа ҳам айнан шундай эзгу мақсадларни ўзида мужассамлаштирди. Унда Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий лицей ўқувчилари, ҳарбийлашган мактаб ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирок этишди.

– Мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, – дейди бош ҳакам, истеъфодаги генерал-майор Раҳматулло Отахонов, – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлиги ҳимояси йўлида ҳарбий бурчини ўташ вақтида қаҳрамонларча ҳалок бўлган лейтенант Сайёр Садиновни хотирлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик ва она юртга чексиз муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этишга, юрт тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ҳимоясига тайёрлаш, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун мавжуд барча имкониятларни ишга солиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишдан иборатдир.

Мусобақа қатнашчилари жамоаларга бўлиниб, тоғ машқлари бўйича беллашдилар. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг «тоғ тайёргарлиги» кафедраси офицер ва сержантлари махсус майдончалар ташкил этиб, иштирокчилар учун катта имконият яратиб беришди. Ҳар бир ўқув нуқтасида ўқувчиларга тоғ тайёргарлиги, тоғ асбоб анжомлари, улардан тўғри фойдаланиш бўйича тегишли маълумотлар берилди. Жамоалар мусобақада тоғ дарё сувлари ва тўсиқларидан ўтиш, қирадирларда лидороб ёрдамида ҳаракат қилиш, тоғли ҳудудда вақтинча яшаш учун чодир тикиш, сафар қопларини тайёрлаш каби машғулотлар бўйича синовдан ўтказилди. Ёшлар бор билим ва имкониятларини ишга солиб, ғолиблик учун курашдилар.

–Мен ушбу мусобақада қатнашаётганимдан фахрланаман, – дейди ҳарбий лицей ўқувчиси Жалолиддин Аминов. – Чунки она Ватанимиз ҳимояси йўлида қурбон бўлган лейтенант Сайёр Садиновнинг жасорати биз ёшларнинг қалбида қаҳрамонлик, шижоат туйғуларини алангалатиши шубҳасиз.

Мусобақага марҳумнинг онаси Розия опа Садинова ва акаси катта лейтенант Бахтиёр Садинов ҳамда қаҳрамон билан бирга хизмат қилган сафдошлари, ёру дўстлари ҳам ташриф буюришди.

– Бугун мен шунчалик ҳаяжондаманки, буни сизга ифодалаб беролмайман, – дейди Розия опа. – Ўғлимнинг хизматларини унутмасдан, уни хотирлаб, шундай тадбирларни ўтказаётган барча ташкилотчиларга ўзим ва оила аъзоларим номидан самимий, чексиз ташаккуримни билдираман.

Мусобақа якунларига кўра, 21-меҳрибонлик уйи жамоаси фахрли биринчи ўринга сазавор бўлишди ва мусобақа кубогини қўлга киритишди. Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар ва лейтенант Сайёр Садинов оила аъзоларининг махсус совғалари топширилди.

Ҳа, хотира бу ўтганларни ёд этиш, улар кўрсатган жасоратларни ёшлар онгига сингдириш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашнинг муҳим мезонларидан биридир. Оддий аскарликдан офицерлик даражасига кўтарилган марҳум ёш лейтенант Сайёр Садиновнинг қаҳрамонлиги, матонати сўзсиз биз ёшларнинг қалбимизда абадий сақланажак.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф олган сурат.

В ОСО «Ватанпарвар»

СЫНОВЬЯ ГОТОВЯТСЯ К СЛУЖБЕ

– Замечательная у нас молодежь, – говорит ветеран Вооруженных Сил подполковник в отставке Я.Топогонян. – Мне часто приходится встречаться с будущими защитниками Родины. Особенно много таких встреч состоялось в ходе прошедшего месячника массово-патриотической работы. И я видел, с какой заинтересованностью ребята слушают рассказы о нашей армии, с какой настойчивостью готовятся к предстоящей службе. И помогают им в этом созданные при трудовых коллективах, учебных заведениях, в махаллях первичные организации содействия обороне «Ватанпарвар». Они готовят молодежь к защите нашего независимого Отечества, повышают ее политический, нравственный уровень, воспитывают ее в духе верности богатой истории нашего народа, его славным традициям и духовным ценностям.

И вся эта работа ведется под руководством Центрального совета ОСО «Ватанпарвар» Республики Узбекистан. В ней особое внимание уделяется подготовке технически грамотных специалистов для Вооруженных Сил, развитию технических видов спорта, военно-патриотическому воспитанию граждан.

– Организационное укрепление всех структур ОСО – важнейшая особенность и, я бы сказал, главное условие существования нашей организации, – говорит заместитель председателя ЦС ОСО «Ватанпарвар» Шухрат Жураев. – За последнее время эта работа заметно усилилась в г. Ташкенте, Ташкентской, Андижанской, Наманганской, Бухарской, Ферганской и других областях республики. Здесь научились по-деловому, оперативно решать многие вопросы, своевременно принимать и осуществлять меры по выполнению намеченных планов и принятых решений.

С каждым годом расширяется число специальностей, по которым готовят юношей в учебных организациях ОСО «Ватанпарвар». И в армию уже приходят готовые, технически грамотные специалисты, которые с первых дней службы честно и добросовестно выполняют свой воинский долг. Но следует подчеркнуть, что ОСО готовит специалистов не только для Вооруженных Сил, но и для народного хозяйства. Ведь юноши, отслужившие положенный срок, придут на промышленные предприятия, в строительные и другие организации, где смогут использовать полученные знания, подкрепленные практикой в рядах армии.

– И, конечно же, одной из наших главных задач является военно-патриотическое воспитание нашей славной молодежи, – констатирует начальник отдела организационно-массовой работы Центрального совета Умид Жураев. – Мы стараемся укрепить в сознании каждого молодого человека чувство высокой ответственности за судьбу страны, воспитываем высокие моральные и духовно-нравственные качества, активную жизненную позицию, патриотизм. Ведь именно к этому и призывает в праздничном поздравлении защитникам Родины Президент страны, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами Ислам Абдуганиевич Каримов.

Уже с начала года идет большая работа в этом направлении. Много интересных и содержательных мероприятий было проведено в ходе месячника массово-патриотической работы. Встречи с ветеранами войны, труда, Вооруженных Сил, спортивные соревнования. Все это оставило неизгладимый след в сердцах юношей, готовящихся к службе в армии.

Памятники и обелиски славы возвышаются во многих городах и районах республики. Это священные места не только для тех, кто сражался рядом с погибшими героями, для их родных и близких, но и для тысяч юношей и девушек, верных подвигам старшего поколения, приумножающих их славу.

Всегда распахнуты двери в Музей ЦС ОСО «Ватанпарвар» – «Шонли Ватан тарихи». С момента открытия его с большим интересом и желанием посещает допризывная и призывная молодежь. Здесь будущие защитники Родины хорошо уясняют простую истину: к службе в армии надо готовиться заранее. Молодежь привлекает также собранный уникальный материал о деятельности всемирно известных представителей нашего народа, великих полководцах, героях национально-освободительного движения.

Проводимая работа приносит ощутимые плоды. В армию приходит достойное пополнение. Центральный совет ОСО «Ватанпарвар», областные, городские и районные советы, а также первичные организации и в дальнейшем намерены всемерно развивать военно-патриотическую работу, вовлекая в нее широкие массы допризывной и призывной молодежи.

Сергей АЛЕКСАНДРОВ.

ИДЕОЛОГИЯ ТЕРРОРИЗМА

«ПРОРОКИ ЗАЗЕРКАЛЬЯ» – СЛУЧАЙНОСТЬ ИЛИ ЗАКОНОМЕРНОСТЬ?

(Продолжение.
Начало в предыдущих номерах).

Но вернемся к другим особенностям текста фетвы. Боевики – исполнители «увещаний» А.Юлдашева – не использовали пояса смертников, начиненные взрывной смесью и шрапнелью. И сделали это совершенно не из чувства гуманизма. Их духовный лидер изначально исключил из сценария участие смертников, понимая, что в акции 13 мая они прямо обозначат движение Акромия в статусе террористической организации. И тогда прощай надежды на политические дивиденды, отбеливающие религиозную основу андижанской акции.

Другое дело – сотни бутылок с «коктейлем Молотова», которые они заготавливали днем 13 мая. «Ну да, были бутылки, – сказал мне один акрамист летом 2005. – Да, мы готовили их. Но не использовали же».

Да, не использовали. Но не по забывчивости и, уж конечно, не из чувства гуманизма. Просто не представился случай. Если бы «коктейль» был расфасован к первым часам ночи 13 мая, то несложно догадаться, чем завершались бы напутствия А.Юлдашева и сколько обожженных трупов было бы в общей статистике жертв.

На вопрос: «Почему «коктейль» не был заготовлен раньше?» – все тот же боевик-акрамист ответил мне: «Акция по известным причинам началась раньше намеченного срока». Добавлю от себя к его словам: «Раньше оттого, что накануне обстоятельства вынудили изменить намеченные сроки начала акции, соответственно и пункты широкомасштабного плана А.Юлдашева».

Кстати, сам автор этого плана (А.Юлдашев) настолько был уверен в его успешном осуществлении, что текст фетвы закончил словами: «Мои внутренние чувства говорят мне: «Дорогие братья! Поздравляю вас».

Уточню, до своего поздравления, строками выше, он же, словно провидец, обещал: «...если события (читай семь вышеприведенных пунктов – **прим. А.Г.**) дойдут до этой точки, борьба решится в нашу пользу. Ибо скольким малым группам удалось победить, одержать победу над большими группами...».

Поздравления должны были поступить и от хизбуттахировцев. Впрочем, поздравления поступили бы не только от них, что невольно вызывает вопрос – сколько еще радикальной «шушеры», может породить Зазеркалье. Ответ на вопрос однозначен и прост: «Много!» И ответ обязательно должен быть украшен восклицательными знаками. Во всяком случае, во всех известных точках мира, где «шушера» проявляет себя, признаков снижения ее активности нет! Напротив – размножается она, но при этом ныне говорит о своей ориентации на демократию и требует защиты прав. Правда, делает лукавую поправку: «После нашей победы в нашей мировой государственности вы будете иметь отличительные знаки иноверцев». И их мало волнует, что эти знаки «зимий» – что тавро для скота. Но это их не смущает, напротив. В тяге к варварству средневековья у них есть любимые примеры фашистов Гитлера, украшавших в новейшей истории звездами Давида грудь евреев.

В ТЯГЕ К ВАРВАРСТВУ СРЕДНЕВЕКОВЬЯ У НИХ ЕСТЬ ЛЮБИМЫЕ ПРИМЕРЫ ФАШИСТОВ ГИТЛЕРА, УКРАШАВШИХ В НОВЕЙШЕЙ ИСТОРИИ ЗВЕЗДАМИ ДАВИДА ГРУДЬ ЕВРЕЕВ.

Собственно положительные ответы на вопрос: «Сколько радикальной «шушеры» нам еще ожидать, к примеру, в Узбекистане?» – социум как-то уже и не удивляют. О возможности появления в нашей повседневности разнородных «увещевателей» от ислама говорят давно. Но это не мешает «увещевателям» из Зазеркалья и их приверженцам игнорировать все сказанное о них. В том числе и определение, высказанное самим Пророком: «Признаков лицемерия три – речение лжи, обещание без исполнения, предаваемое доверие».

Определение, под которое подпадали многие и многие персонажи из многовековой истории исламской религии. Но в сравнении с современными потомками-мракобесами все они кажутся ягнятами. В нашей современности мракобесы более изощренны и кровожадны, оттого и достойны в лучшем случае жесткого перевоспитания в местах не столь отдаленных. В худшем – чтобы самых кровожадных из них, по путинской рекомендации, «мочить» на поражение в любом месте встречи с ними. Причем без «рассусоливания» – толерантно это или не толерантно. И уж точно не задаваясь вопросом – гуманно или не гуманно, законно или не законно перемещать их по тюрьмам мира, в том контексте, в каком это делали американцы, привлекая в этот процесс другие страны.

И задаться, в конце концов, вопросом – не аморально ли, при наличии ежедневно обновляемой, прогрессирующей статистики жертв террористических актов в мире, подвергать, к примеру, критике американскую администрацию за инициирование специальных военных трибуналов для подозреваемых в терроризме. При этом основываться жалобой задержанного в Афганистане и направленного в тюрьму Гуантанамо Салима Ахмеда Хамдана, телохранителя Усамы бен Ладена – знатного, международного живодера № 1 из того самого Зазеркалья.

Зазеркалья, в котором никогда не будут звучать слова Президента США: «У нас страна законов и власти закона. Эти люди захвачены на поле боя, и они очень опасны. Так что существует баланс между обычной юстицией, типичной системой, и той, которая будет осуществляться в военных судах».

В контексте определения Пророка о лицемерии хочу процитировать услышанное от Мамасалы Нуралиева, духовного наставника боевика Ж.Биймурзаева, лидера боевиков, исполнивших в Узбекистане весной 2004 г. серию террористических атак и актов самоуничтожения:

«Только через несколько лет, – произнес Мамасалы, – я понял, что был вправе только обучать подростков правильному произношению слов текста Корана. Но не его толкованию, тем более в своей интерпретации. Почему? Я чтец Корана. Меня с детства учили правильно произносить буквы алфавита, соответственно и тексты, но это не давало мне права на самостоятельное толкование аятов. Не говоря уже о том, что я даже не историк ислама. В жизни я простой труженик, земледелец. Земляки говорят – хороший труженик. Зачем мне надо было ввязываться в этот процесс. Занимался бы своим делом. Я сожалею, что внес свою лепту в воспитание этого монстра (Ж.Биймурзаева), возомнившего из себя мессию. Но тогда, в девяностых годах, многих охватил дух религиозного подвижничества. Нам казалось, что путь, который мы выбрали, был самым верным. Мало кто тогда задумывался, вправе ли брать на себя груз ответственности, имитируя познания ислама на основе своих минимальных знаний его тонкостей. Что из этого получилось? Последний раз, когда я его видел в 2003 году, он (Ж.Биймурзаев) выглядел надменно.

Айдын ГУДАРЗИ.

(Продолжение следует).

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Примирительная встреча

Примирительная встреча палестинских лидеров в Мекке проходит за закрытыми дверями и без видимого саудовского участия. Стороны – делегации палестинских движений «Фатх» и «Хамас» – настроены добиться фундаментального соглашения по составу будущего правительства национального единства и его программе, сообщает ИТАР–ТАСС.



Требование остановить реактор

Японская делегация на шестисторонних переговорах по ядерной проблеме Корейского полуострова заявила о необходимости приостановки работы атомного реактора в Йонбене (КНДР). Япония будет готова присоединиться к оказанию экономической и энергетической помощи Пхеньяну при условии выполнения им положений Пхеньянской декларации.



Индия приобретет СУ-30

Индия приобретет 40 российских истребителей семейства СУ-30. Об этом заявил представитель ВВС Индии Махеш Упасани. Готовятся поставки и в Малайзию, заказавшую шесть самолетов. В Индии сейчас проходит Международный авиационно-космический салон «Аэро Индия-2007».



Погибли 25 человек, 30 ранены

20 человек погибли, около 30 получили ранения в результате взрывов двух бомб, передает Интерфакс. Еще пять человек убиты при атаке неизвестных на патруль в городе Баакуба. Во время взрыва заминированного автомобиля на базаре города Аль-Азизия погибли 14 человек. Ранения получили около 30 человек. Аль-Азизия населен преимущественно шиитами. Большинство погибших – мирные граждане.



Потеря вертолета в Ираке

Американское военное командование сообщило о крушении шестого за последние три недели вертолета в Ираке. По данным армейских представителей, принадлежавший частной охранной фирме вертолет попал под обстрел боевиков с земли. Пилоты сумели совершить посадку, эвакуировав весь экипаж и выгрузив оборудование. В результате аварии никто не пострадал.



Альянс не расширится

Руководство «Renault-Nissan» до 2009 года не планирует расширять альянс за счет включения в него других мировых автопроизводителей, заявил глава альянса Карлос Гон на пресс-конференции в Париже, посвященной подведению финансовых итогов года французской компании. «Мы сфокусированы на работе каждой отдельной компании в альянсе. До 2009 года ничего нового рассматривать не будем», – сказал он.



Убивают поддельные лекарства

Ежегодный оборот поддельных лекарственных препаратов в мире составляет 32 миллиарда долларов. Об этом, как передает Интерфакс, заявил на проходящей в Баку международной конференции генеральный секретарь Организации экономического сотрудничества Хуршид Анвар. Во многих странах поддельные лекарства составляют примерно десятую часть, а в некоторых – до половины общего оборота. Все это приводит к гибели более миллиона человек в год, отметил Анвар, причем 60% подделок производятся в развитых странах.



Чемпионат при пустых трибунах

Кабинет министров Италии подтвердил, что зрители не вернутся на футбольные стадионы, пока на них не будут приняты все меры безопасности. Как передает РИА Новости со ссылкой на АР, такое решение было принято на заседании совета министров. Таким образом, возобновление чемпионата Италии, скорее всего, состоится в ближайшее воскресенье при пустых трибунах.

(www.NEWSru.com).

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 566 ЙИЛЛИГИ



Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин
шод айлагай,
Онча борким, каъба вайрон бўлса,
обод айлагай.

Қил яхшилику демакни дохил қилма,
Миннат била яхшиликни ботил қилма.

Ани англа муфлиски, йўқ ҳиммати,
Чу йўқ ҳиммати, йўқ анинг ҳурмати.

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки, нишона анга иймон эрур.

Алишер НАВОИЙ.

НАВОИЙ МЎЪЖИЗАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Низомий олса Барда бирла Ганжа,
Қадим Рум аҳлиға ҳам қилса ранжа.
Чекиб Хисрав доғи тиғи забонни,
Юриб фатҳ айласа Ҳиндистонни.
Яна Жомий Ажамда урса навбат
Арабда доғи чолса кўси шавкат.
Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.
Олибмен тахти фармонимда осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табрез,
Ки қилмишдур найи килким шакаррез.

Маълумки, ўрта асрларда техника тараққий этмаган эди. Ўша вақтларда барча мўъжизалар манбаи бадиий адабиёт саналган. Бинобарин, дурдона асарлар подшоҳлар кутубхоналарини безаб тургани бор гап. Кутубхона ишлари энг донишманд кишиларга топширилган. Давлат раҳбарлари ўз кутубхоналари билан фахрланганлар. Шоирлар забардаст лашкарбошилар мақомида кўрилган. Худди шу баҳога қиёсан Навоий ҳазратлари, черик – қўшин тортмасдан Хитойдан Хуросонгача эгалладим, Шероз, Табрез ҳам меники, демоқда.

Навоий асригача ривожланган дунё миқёсида Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Деҳлавий асарлари дурдона сифатида кўп эъзоз топган. Абдураҳмон Жомийни Навоий ўзига пир санайди. Буюк мутафаккир юқорида номлари зикр этилган шоирлар билан мусобақага киришади. Уларнинг асарларига жавоб ёзади. Ўз таъбирича айтганда, бу майдон ичра турмоқ осон эмас эди.

Хўш, Навоийнинг буюклиги нимада?

Мазкур саволга олим Вадуд Маҳмудий қуйидагича жавоб қайтарган эди: «Навоийнинг асли муҳим шахсияти на мутасаввуфлиги, на шоирлиги, на тарих ёзғонидир. Унинг мумтозлиги шундай қайнағон ва юзларча йилдан бери сингиб кетган форсликнинг марказида турклар муассасаларини қуришидир. Навоийнинг форсға ва форс маданиятиға бир душманлиғи йўқдир, у тўғридан-тўғри миллатчи ва туркликни севатурғон бир шахсиятдир. Навоий ўз асарларида форсчанинг нозик, оҳангдор бўлғонини ва у билан шеър айтиш қулай ва хуш келатурғонлигини айтадир. Лекин «модомики, биз айри ирқмиз ва айри бир тил эгасимиз, нима учун ўз элимиз тушунатурғон қилиб ўз тилимиз билан ёзмайлик?» дейдир».

Алишер Навоий биринчи навбатда туркий тилни ҳимоя қилган. Ўрта асрларда кўпгина тиллар форсий тил шон-шуҳрати соясида кўринмай қолган эди. Ҳаттоки, аксарият шоирлар, туркий қўпол тил, шеър айтмоққа ярамайди, дейишганди. Бу фикрларга мутафаккир бобомиз қатъиян қарши чиққан.

«Мана, Навоийнинг бизга муҳим бир хизмати ва уни бу кун турк адабиёти отаси аталишининг амалий ўзаги шундадир. Алишербек бундан беш юз йил илгари форс тилига қарши исён қилди ва ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» отли асарида туркчанинг форсийдан ҳеч вақт қолишмаслиғини, балким ундан қатқат ортуқ ва бой эканини исбот этди» дейди В.Маҳмудий.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий асарларини астойдил ўқиган киши тилимизнинг нақадар нозиклигини чин кўнгилдан ҳис қилади. Сўз таъмини туяди. Муҳаббат мавзуидаги аксари ғазаллар ўқувчини ҳайратга солиши шундан:

Кўзунгки куфр ила юз динға солди вайронлиғ,
Худой учун тий они – йўқмудур мусулмонлиғ.

Шоир соҳибжамол қиз кўзини одамни ақл-хушдан мосуво этадиган, дин йўлидан чиқарадиган тилсимот сифатида таърифлайди. Кўз шу қадар чиройли, таралаётган шуъла шу қадар оромбахшки, беихтиёр ошиқ «оҳ» тортиб юборади. «Кўзингни тийсанг бўлмайдими ахир?» дея огоҳлантиради қизни шоир.

Қадди-қомати тубандагича таърифланади:

Қадингки жилва уза жилва кўргузар ҳар дам,
Ажаб эмас манга ҳайронлиғ узра ҳайронлиғ.

Лаб таърифи бўлакча:

Лабингни сўрсам, эмас тонгки, тўкти қонимни,
Сўрарлар оники, бўлғай бирав била қонлиғ.

Биров билан уришиш, жанжаллашиш ибораси «бўлғай бирав била қонлиғ» тарзида ифодалайдики, бу ҳол тил жозибасини тағин-да кўркамлаштирган.

Навоийнинг поэтик тили бир қарашда мураккабдек туюлади. Аммо, тилга тушиб олсангиз, яъни сир-асрорини ечсангиз ҳеч қанақа мураккаблик кўрмайсиз. Энг асосийси, ўша «микротил»ни ўрганишдир. Ўрганилгандан сўнг ҳаммаси осон кечади.

Алишер Навоий ижодини ўрганишга киришадиган одам унинг бош ғоясини пухта билмоғи жоиз. Навоий барча қадриятлардан гўзалликни устун қўйди. Инсонни ҳаёт лаззатларидан бахраманд бўлиб яшашга чорлайди. Одамнинг умри ўткинчи экан, хўш, нима учун у қисқагина муддатни дилхираликка, жанжалу низоларга сарфламоғи керак? Инсон муҳаббат оғушида яшаса бўлмайдими ахир? Йигитликка шўхлик, кексаликка донишмандлик ярашади:

Навоий, йигитликни қўй, чун қоридинг,
Қилиб тавба, бўл зуҳду тақвоға толиб.

Мутафаккир доимо гўзалликдан маъно ахтаради. Гўзаликни ҳар недан улуғ кўради:

Хизрваш хат бирла чун ҳуснунг самандин сургасен,
Юз Скандарни суға элтиб, сусиз келтургасен.

Навоий идеал подшоҳ образини ҳамиша Искандар сиймосида тасвирлаган. Соҳибжамол кучи шундаки, юз Искандарни сувга олиб бориб, сувсиз олиб қайтишга-да қодир. Шоншавкатли подшоҳ ҳам Гўзаллик қошида тиз чўкади. Соҳибжамол қиёмат-қоимни реал воқеликка айлантириши мумкин:

Етилмиш, оллоҳ-оллоҳ, не қомат ул қомат,
Ки, олам аҳлига солди қиёмат ул қомат.

...Чу қилди жилва, вафо сари ҳеч қилмади майл
Жафода топқан учун истиқомат ул қомат.

Гўзалликка интилган одам ҳеч қачон ёмонликка қўл урмайди. Гўзаллик жилваланаётган кўнгилда ёвузликка сира ўрин йўқ. Севган, севилган киши жоҳиллар сафига кирмайди. Бинобарин, бу ёруғ дунё маъноси муҳаббат билан изоҳланади.

Алишер Навоий бир умр гўзалликка интилиб яшаган. Бу даҳо шоирнинг фантастикага мойиллиги аксарият шарқшунос олимларни ҳайратга солиб келади. Чунончи, Навоийнинг баъзи образларида телевидение, ҳаттоки, интернет ўз аксини топган, деган фаразлар бор.

«Фарҳод ва Ширин» достонидаги учинчи шартга биноан Фарҳод темир одам билан учрашмоғи ва унинг устидан ғалаба қозонмоғи лозим», – деб ёзади филология фанлари доктори Раъно Иброҳимова, – «Навоий томонидан қаламга олинган бу темир одам таърифи кейинчалик илмий-фантастика асарларда тасвирланган, ҳозир эса реал ҳодисага айланган роботларни эслатади. Шоир талқинидаги темир одам илмий фантастиканинг энг ибтидоий шакли эди. Навоий тасвиридаги темир одам қуйидаги сифатларга эга:

Бўлур дарвоза ичра ошкоро,
Темур жисмини қилмиш пайкар аро.

Эрур одамға монанду мушобиҳ,
Илигида темурдин ё қилиб зиҳ.

Навоий фантастик манзара ёхуд фантастик образ яратар экан, китобхонни ишонтириш мақсадида ўзи бу ҳодисанинг ҳақиқат эканига кафолат беради. Натижада бу бадиий усул тасвирланган фантастик ҳолатга нисбатан чуқур ишонч ҳиссини уйғотади».

Тафаккур кучи, ҳиссий сезиш... Буларнинг барчаси А.Навоий ижодида уйғунлашиб кетган. Мутафаккир, инсон кўп нарсаларга қодир экан, демакки, ўзини ҳам ўзгартира олади, қабилидаги хулосага келади. Инсон санъат воситасида ўзгармоғи мумкин.

Машҳур шарқшунос олим Н.И.Конрад даҳо меросини тадқиқ этаркан: «Алишер Навоийдек шоир бўлганидан суюнамиз! Шундай шоирни бизга инъом этган ўзбек халқига каттадан-катта раҳматлар айтамиз. Биз уни ўрганибгина қолмаймиз, балки ўқиймиз ҳам. Фақат уқибгина қолмаймиз, улар устида фикр юритамиз. Уни ўзимизники қиламиз! У Ренессанснинг бир буюк эрасидан бошқа – янада каттароқ тарихий маънога эга Ренессансга кириб келди» деб ёзган эди.

Дарҳақиқат шундай. Навоий даҳоси янги аср, янги минг йиллик бўсағасидан ҳам ҳатлаб ўтди. Унинг мероси эзгулик йўлида хизмат қилишда давом этмоқда, мазмунан тобора янгиланмоқда. Тараққиёт билан ҳамоҳанглик касб қилмоқда. Зотан, бундан-да ортиқроқ мўъжиза бўлмаса керак.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД.

БУЮК ШОИР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

«Оразин ёпқоч, кўзумдан сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш»

Юқоридаги матлаъли ғазални тинглаб, мавлоно Лутфий:

– Агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштирардим, – дея айнан кимнинг истеъдодига юқори баҳо берганлигини яхши биласиз, албатта. Ҳа, ижод қилишни 10-12 ёшидан бошлаган ва ўзидан бой шеърий, насрий ва илмий мерос қолдирган, ўзбек адабиётини юксак чўққиларга кўтарган ҳамда ўзбек адабий тилига асос солган буюк бобомиз – Алишер Навоийга.

Бугун юртимизнинг барча гўшаларида шеърият мулкининг султони, мутафаккир ва давлат арбоби мир Алишер Навоий таваллудининг 566 йиллиги кенг нишонланмоқда. Мазкур санага бағишланган маънавий-маърифий тадбирлардан бири Марказий офицерлар саройида ҳам бўлиб ўтди.

«Навоий ҳазратлари» саҳнада пайдо бўлганда, барча томошабинлар хаёлан XV асрга саёҳат қилган, ўша давр ва муҳитни ҳис этган бўлса ажаб эмас. Ўзбекистон халқ артисти ва қаҳрамони, кўплаб давлат мукофотлари соҳиби, Ўзбек миллий академик драма театри актёри, устоз санъаткор Зикир Муҳаммаджоновнинг беқиёс ижросидан баҳраманд бўлганларнинг гулдирос қарсаклари узоқ вақтгача тинмади.

Тадбирда шунингдек, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли ёзувчи Омон Мухтор ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул ходими, шоир Рустам Мусурмон ҳам қатнашди.

Омон Мухтор Алишер Навоий қолдирган бой адабий мерос – жаҳон адабиётининг дурдона асарлари хусусида батафсил маълумот берди. Рустам Мусурмон эса ўзининг энг сара ижод намуналарини ҳавола этди.

Тадбир сўнггида Марказий офицерлар саройи масъул ходими капитан Дилявер Аблаев йиғилганлар номидан меҳмонларга чуқур миннатдорчилик билдириб, уларга Мудофаа вазирлигининг эсдалик совғаларини топширди.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорларининг Навоий ғазали билан айтилувчи мумтоз қўшиқлари маънавий-маърифий тадбирга ўзгача файз бағишлади.

– Бундай хотира тадбирлар ўзининг тарбиявий аҳамияти билан ниҳоятда муҳимдир, – деди Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази – Марказий офицерлар саройи бошлиғи офицер Баҳодир Тўйчиев. – Қолаверса, уларда халқимизнинг машҳур ва севимли санъаткор, ижодкорларининг иштирок этиши томошабинлар – Ватан ҳимоячилари ва уларнинг оила аъзоларида унутилмас таассурот қолдиради. Шубҳасизки, жаҳон маданияти тараққиётида муҳим ўринга эга, қўлёзмалари кўплаб тилларда чоп этилган ҳамда ҳаёти, ижоди дунё ҳамжамияти томонидан ҳамон катта қизиқиш билан ўрганилаётган буюк аждодимиз – Алишер Навоий ҳазратларининг асарлари ва улардаги пурмаъно фикрлар бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган. Ушбу ҳикматлардан воқиф бўлиш эса ҳар бир инсон дунёқараши ва маънавиятини янада бойитади.

Навбаҳор ЖАЛИЛОВА.
Капитан Дилявер АБЛАЕВ суратга олган.



МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИГА ТАШРИФ



Мамлакатимизнинг бойликлари бениҳоя. Уларни санаб адоғига етиш қийин. Ана шу кўпдан-кўп бойликларимиз орасида энг бебаҳоси улуғ мутафаккир Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасидир. Айни кунда мазкур маънавият хазинасида ўн миллиондан зиёд ноёб дурдона – китоблар мавжуд.

Шеърият мулкининг улуғ султони Алишер Навоий ҳазратларининг таваллуд куни муносабати билан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг бир гуруҳ офицерлари миллий кутубхона билан яқиндан танишиш ва доимий ҳамкорлик қилиш учун бу ерда бўлдилар. Кутубхонадаги қатор бўлимларда бўлган офицерларнинг ҳар бирида бу улкан маънавият хазинаси чуқур таассурот қолдириши табиийдир. Бу ноёб дурдоналар маконида бир бора бўлган кишининг яна қайта-қайта ташриф буюрмаслиги мумкин эмас.

Офицер Ҳасан Ибрагимов:

– Миллий кутубхона билан ҳамкорлигимиз келажакда ўз сермаҳсул мевасини бериши шубҳасиз. Чунки бу ерда ҳар қандай ёш, ҳар қандай соҳа эгасининг маънавий эҳтиёжини қондира оладиган турли адабиётлар мавжуд.

Офицер Бахтиёр Гаипов:

– Бу ерда ҳарб санъатига доир қимматли манбаларнинг мавжудлиги бизни мамнун қилди. Яна шуниси қувонарлики, керакли адабиётларни топиш кўп вақтни олмайди. Жаҳон андозаларига мос жиҳозланганлиги, хизмат кўрсатишнинг такомиллаштирилганлиги китобхонларга қулайлик туғдиради.

Офицер Қаипназар Бахиев:

– Агар мендан пойтахтнинг энг диққатга сазовор жойларини сўрашганда ҳеч иккиланмасдан буюк сиймо номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасини айтган ва кўрсатган бўлардим.

Кўриниб турибдики, мазкур ташриф кутилганидан ҳам зиёда натижани берди.

Инобат ИБРОҲИМОВА.
Муаллиф олган сурат.

ДИЛЛАРНИ ЧАРОҒОН АЙЛАБ

Мумтоз мусиқамизни тинглаганимизда руҳиятимизга ажиб енгиллик энгани каби улуғ шоир, ҳазрат Навоийнинг «Қаро кўзум» янглиғ ғазалларидан бир олам маъно топасан киши. Зотан, инсон юраги ҳам бир олам. Унинг ҳам баҳор ва кузлари, тонг ва тунлари, ором ва зилзилалари бор. Шеърият юрак садоси бўлганидан ана шу мураккаб туйғулар оламини ифода этади. Ҳақиқатан ҳам бир шеърни ўқиб қувонсак, кўксимиз сурур ва ифтихор туйғуларига тўлса, яна бир шеърни ўқиб хаёлга чўмамиз, инсон дардларига ошно бўламиз.

Назм ва тафаккур буюк султони, файласуф Алишер Навоий ҳазратлари ўзларида туғилган ҳар бир фикрни шеър билан ифода қилар эдилар.

Кўнглимда не мони бўлса эрди пайдо,
Тил айлар эди назм либосида адо.

Алишер Навоий шеърнинг ғоявий ва бадиий таъсир кучига алоҳида эътибор берганлар. Шоир Шарқда девон тузиш соҳасида тўпланган анъана ва тажрибаларни умумлаштириб тузган девони «Бадоеъ ул-бидоя»га «Дебоча» ёзади. Бу дебочада Навоий бадиий ижодда мазмуннинг муҳимлиги, бадиий шаклнинг ҳам гўзал ишланган усулига эътибор бериш ҳар бир лирик нав хусусиятига кўра мазмун танлаш, муҳаббат ҳақидаги шеърларида ҳам маърифатомуз фикрларни жо қилиш, бу нав шеъриятда бехаё тавсифни йўлатмаслик масалалари хусусида фикр юритади. Алишер Навоий шеъриятида кўнгил – истилоҳ ва тимсол сифатида кўп қўлланилади. Шарқ лирикасида анъанага айланиб қолган бу усул бўлиб, кўнгил «Севгининг асосий сабабчиси сифатида талқин» қилишини кўриш мумкин. Шоир қалб ва кўнгилни инсон маънавий ҳаётининг мазмуни ва бош мақсади деб билган. Чунки ошиқлик, одиллик, комиллик – барчасининг истиқболи кўнгилга боғлиқ. Оллоҳ вужудлари қалбдан бошқа бирор аъзога маърифат мушоҳадасига берилмоқ, ғайбий сирларни кашф этмоқ салоҳиятини насиб этмаган. Навоийнинг эътирофи бўйича оламни яратишдан мақсад одам бўлса, одамдан мақсад кўнгул эди.

Инсон кўнгли билимлар хазинаси. Бу хазинада Ҳақ ўзини пинҳон этган. Икки дунё саодати кўнгилда мужассам. Кимки бу хазинага соҳиб бўлса, шубҳасиз, ўзлигига етади. Шоирнинг биргина «Бадоеъ ул-бидоя» девонидан «кўнгул» радифли ўнта ғазал ўрин олган. Ҳазрат кўнгилни анъанавий тарзда, гоҳ каъба, гоҳ қуш, гоҳ гунча, гоҳ денгизга ўхшатди. Унга ишонган дўст сифатида мурожаат қилади. Шунга кўра ғазал султони кўнгилнинг турли хил сифат ва сувратлари гўзал тарзда тасвирлаб берилган.

Алишер Навоий туркий шеъриятда илк бора Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларида учрайдиган кўнгил парвози, илоҳий сайр ҳақидаги фикрларни ривожлантиради. Бу орқали шахснинг маънавий-руҳоний ҳурлигига эътиборни қаратди.

Шеърият султони Алишер Навоий ҳазратлари кўнгил тимсолининг ўрни, мазмун ва мундарижаси, ҳиссий таъсир шаклларини тадқиқ этиш, биринчидан, улуғ шоир шеъриятининг ботиний хусусиятлари ва сир-асрорларини очишга хизмат қилса, иккинчидан, Навоийнинг санъаткорлик маҳоратини янада кенг ва чуқур ёритишга яқиндан ёрдам беради. Сўзимизни мухтасар қилган ҳолда Алишер Навоийга бағишлаб «Тафсири Ҳусайн Кошифий» номи билан шуҳрат топган ноёб асарнинг муқаддимасида шоирни улуғлаб назм ва наср йўлида битилган мадҳиялардан намуна келтиришни лозим топдик. Академик А.Қаюмовнинг илмий изланишларида таъкидлаб ёзилганидек, «Улуғ шоир, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийни улуғлаб, унинг элу юрт, ижод аҳли ўртасидаги чексиз обрў ва эътиборини, нодир фазилатларини таъриф қилади». Муқаддимада битилади: «Олийжаноб буюклик паноҳидан башорат тўла ишорат бўлди. Ҳокимият дастгоҳи, юксак сифат эгаси, осмондек баланд қобилиятлар соҳиби, султон ҳузуридаги энг яхши киши, мамлакат хонлигининг бошлиғи, давлат таянчи, султонлик устунининг қудратли суянчиғи, ислом мусулмончилигининг намунаси, уларга қувват бағишловчи, давлат, ҳокимият, дунё динининг низомидир».

Бу тафсирни ёзган олим Ҳусайн Кошифий улуғ сиймонинг бизга, ёшларга ибратли бўладиган томонларини гўзал мисраларда ёзиб қолдирган. Олим Кошифий билан Навоий ўртасида самимийлик ва ўзаро ҳурмат барқарор бўлган. Унинг натижасида форсий тилдаги Қуръон тафсири «Жавоҳир ут-тафсир» яратилди. У бениҳоя юз йиллардан бери яшаб келмоқда. Навоий ҳазратлари «Мажолис ун-нафоис» асарида Ҳусайн Воиз Кошифий тўғрисида сўз юритиб, бу кишининг «Тафсир жавҳарлари» асари бебаҳо, нодир такрорланмас асар эканлигини ёзади.

Буюк зот Алишер Навоийни ўқиб-ўрганиш, дур-гавҳар каби гўзал мисраларни ёд этиш, давраларда шеърият ҳақида, ҳикматлар ҳақида гўзал суҳбатлар қуриш дилимизни чароғон этади, онгимизни нурлантиради.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.

УЛУҒ ШОИР АНЪАНАСИ

Мумтоз адабиётимизнинг порлоқ машъали бўлмиш Мир Алишер Навоий ўз асарларида башариятнинг бахти-саодатини, улуғ умуминсоний ғояларини куйлади. Унинг ижодий мероси нафақат бизнинг, балки жаҳон халқларининг бебаҳо маънавий мероси бўлди. Устоз навоийшунос олимимиз Ёқубжон Исҳоқов Навоий ижодининг буюклиги хусусида шундай дейди: «Навоий поэзияси маданиятимиз тарихида фавқулодда ва айни замонда қонуний ҳодиса. Чунки бу шеърият қарийб беш асрлик тажрибага эга бўлган форсий, туркий адабиётнинг қонуний давоми сифатида юзага келди». Дарҳақиқат, Навоийнинг ижодий мероси ўзининг ҳажми ва юксак бадиий кўлами билан ўзбек тили ва адабиётининг салмоқли қисмини ташкил этади. Шу боис ҳам, ҳалигача шоир ижодининг денгизига шўнғиган ҳар бир толиби илм ҳар сафар янгича маънавий жавоҳирларни топаётирлар.

Навоий яратган пурҳикмат шеърий дурдоналар ўз даври ва ўзидан кейинги ижодкорлар учун ҳам улкан адабий таъсир манбаи бўлди. Заҳириддин Бобур, Бобораҳим Машраб, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Огаҳий, Феруз, Увайсий, Нодирабегим, Амирий, Муқимий, Фурқат ва яна кўплаб мумтоз шоирлар Навоий бадиятидан жўшқин ижодий куч ва илҳом олдилар. Айниқса, шоир Муҳаммадризо Огаҳийнинг шеъриятида буюк Навоийнинг бемисл адабий таъсири сезилади. Буни қуйидаги қиёсий таҳлилда янада теранроқ англаймиз.

Навоий:

Ганж умиди била туфроққа эл кирди, басе,
Умри зоеъ қилибон, фикри маҳолот айлаб.

Огаҳий:

Эмн истар эрсанг, Огаҳий, фақру қаноат пеша қил,
Ким нақд роаҳтдин қилур жоҳ аҳлини маҳжур ганж.

Мавзу ва мазмун жиҳатдан Огаҳийнинг ғазали улуғ шоир байтини янада тўлдирмоқда, ривожлантирмоқда. Навоий фикрича, бойлик, зеб-зийнат, деб қанча одам умри мобайнида машаққат чекди. Аммо уни ўзи билан олиб кетолмади, яъни тупроққа – қабрга қуруқ қўл ила кирди. Топган сийму зари унга вафо қилмади. Демак, унинг бор уриниши, умри зоеъ кетди. Негаки, ҳаётини маънавият-маърифат зарлари ила бойитмади. Солиҳ амалларга, эзгуликка йўғрилмаган умр, шубҳасизки, беҳудадир. Шуни теран англаган Огаҳий умрни мазмунли ўтказиш учун чексиз бойлик, хазина тўплаш керак эмас, аксинча камтарона яшаб, қаноатли бўлиш лозим, деган фикрни олға суради. Негаки, бойлик бойлар аҳлини тинчлик, ҳузур-ҳаловат, хотиржамликдан бебаҳра қилади. Ганж, яъни моддий бойлик – тожу тахт, иззат-мартаба, олтину кумуш, булар бариси эгасига асло вафо этмайди, бугун унинг қўлида бўлса, эртага ўзганинг ихтиёрида бўлади.

Бу каби сермазмун байтларнинг таҳлилини истаганча давом эттиришимиз ва бундан чексиз маънавий озуқа олишимиз мумкин. Шуниси аниқки, даҳо шоир Навоийнинг илғор фалсафий-ирфоний, маънавий-маърифий қарашлари нафақат кеча ва бугун, балки келажакда ҳам баркамол авлод тарбиясида, истеъдодли шоир ва ёзувчиларимиз камолотида бемисл ўгит бўлиб хизмат этади.

Баҳодир ВАЛИЕВ, аспирант.

ДЕВУШКА НЕДЕЛИ



Наталья Микрюмова является студенткой 3-го курса Республиканского института физической культуры. В жизни Наталья очень интересный и прекрасный собеседник. Оптимизм и тяга к новым знаниям – ее отличительная черта. У нее очень много увлечений: занятия по таэквондо, художественная литература, классическая и современная музыка и, конечно же, как и свойственно прекрасной половине человечества, мировая мода.

Сегодня ее однокашники говорят о ней как об очень отзывчивом и добром человеке.

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»! Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10х15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем). Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

ПОДГОТОВКА К ТОРЖЕСТВАМ

В преддверии торжеств, посвященных 2000-летию древнего и вечно молодого Маргилана, в городе осуществляется большая работа.

– Подготовка к празднованию юбилея ведется с учетом рекомендаций Президента Ислама Каримова, которые он дал во время пребывания в нашем городе, – сказал корреспонденту УзА хоким Маргилана Насибулло Рахматуллаев.

В центре города возводится современный торговый комплекс. Продолжаются работы на комплексе Пирсиддик, месте поклонений Улугмозор, в мавзолее и музее Жахон отин Увайси, медресе на улице Саид Ахмада Ходжи. Полностью обновлены Центр молодежного творчества, новая школа на 945 мест на улице Зарафшан. Отремонтированы городской роддом, семь семейных поликлиник, диспансер для детей и подростков. Центр экстренной медицинской помощи получил современное медицинское оборудование. В строительство Сквера молодежи и чайханы на его территории большой вклад вносят спонсорские организации.

М.СУЛЕЙМАНОВ,
корр. УзА.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Юртимиз посбонларига бағишлаб ёзилган ашъорларнинг адоғи йўқ. Улар ана шундай ифтихор туйғусига йўғрилган сатрларга муносибдирлар. Қуйида шоир Темур Убайдуллонинг «Фахрия» шеърини эътиборингизга ҳавола этарканмиз, Ватан ҳимоячилари ҳамиша Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчи бўлиб қолишларига ишонамиз.

ФАХРИЯ

Ватан дилни ёндирувчи оташ сўз,
Ватан қимирлаган жонга туташ сўз.
Зилол сув таратган булоғигача,
Олтин ундиргувчи тупроғигача.
Қуёш хандон кулган осмонигача,
Буғдойидан тортиб сомонигача.
Кўзларга тўтиё эрур ҳамиша,
Кўзларга нур, зиё берур ҳамиша.
Дунёда бир касб бор фахрли, шонли,
Йигит зоти борки орли, иймонли –
Улғайиб, вояга етган онидан,
Юртини қўриқлар ётдан, ғанимдан.
Бу касбнинг соҳиби – юрт посбонидир,
Юртни асрагувчи шер ўғлонидир!
Алпомиш мардлиги ёрдир уларга
Жалолиддин шаҳди бордир уларда.
Кўксида ярақлар Ватан нишони.
Ватаннинг аскари, юртнинг ўғлони!

СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

Армия спорти

ОММАВИЙ СПОРТ ИШЛАРИ КЎРИГИ

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, ҳар бир жамият эл-юртига, Ватанига садоқатли, иймон-эътиқоди бутун, мард ва жасур, маънавияти юксак, яъни баркамол инсонлар билан фахрланади. Таъбир жоиз бўлса, бу ҳар бир давлатнинг қудратли салоҳият манбаидир. Шунинг учун ҳам мустақил тараққиётимизнинг илк одимлариданоқ баркамол, соғлом авлод тарбиясига эътибор қаратдик. Соғлом авлодни тарбиялаш давлатнинг буюк пойдеворини, фаровон ҳаётимиз асосини қуриш деган тамойилга асосландик. Бугун танлаган йўлимиз қанчалар тўғри эканлигини ҳис қилар эканмиз, бу бизни янада дадил одимлашга, устувор мақсад ва вазифалар сари илдамлашга ундайди.

Маълумки, миллий армиямиз қурилишида ҳам аввало соғлом муҳитни, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, демакки, ўғлонларимизнинг маънан ва жисмонан баркамол бўлишига улкан аҳамият қаратганмиз. Бундайин эзгу ишларимиз натижасида айнан соғлом ва баркамол бўлиш учун, ҳаётий қарашлари шаклланиб, Ўзбекистонимизга таянч ва суянч бўлиш учун ҳам минг-минглаб ёшларимиз ҳаёт мактаби ҳисобланган миллий армиямизга интилишаётгани ҳақиқат. Ҳа, ишончли, юксак тайёргарликка эга бўлган ва жисмонан чиниққан Ватан ҳимоячиларини тарбиялашга устувор эътибор кишини ғурурлантиради.

Жисмоний тайёргарлик ҳарбийларимизнинг жанговар шайлигидаги муҳим бўғин ҳисобланишини яхши биламиз. Негаки, яхши машқ қилган, ҳар томонлама юксак тайёргарликка эга, жисмонан ва маънан баркамол бўлган посбон барча қийинчиликларни муваффақият билан енгиб ўтиши, қўйилган вазифани ишончли ва сифатли бажариши мумкин.

Хўш, ҳарбийларимизнинг жисмоний тайёргарлиги жойларда қандай ташкил этилмоқда, бу борадаги қарор ва буйруқлар қай даражада ижро этиляпти? Бу саволларга аввало қўшинларда ўтказилаётган мусобақа ва чемпионатлар, Умумармия ўйинлари орқали жавоб топиш мумкин. Қолаверса, Мудофаа вазирлиги қўшинларида яхши анъанага айланган оммавий спорт ишлари кўригини ўтказиш билан бу саволларга ойдинлик киритилади. Аниқроғи оммавий спорт ишлари кўригини ўтказишнинг мақсад ва вазифаларида ҳам бу акс этган. Келинг, шу ўринда биринчи босқичи ниҳоясига етиб, иккинчи босқичи кўтаринки руҳда давом этаётган 15-оммавий спорт ишлари кўриги борасида тўхталайлик.

Мазкур кўрикнинг устувор мақсад ва вазифалари ҳарбий хизматчиларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб этиш, уларни ҳарбий спорт мажмуига кирувчи талабларни, турли разрядларни берувчи нормативларни бажаришга руҳлантириш, ҳарбий таълим ва тарбияда оммавий спортнинг муҳим ўрин тутишини Ватан ҳимоячилари ўртасида кенг тарғиб қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарликларини шакллантириш орқали уларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни ошириш, Мудофаа вазирлиги қўшинларида оммавий спорт ишларининг аҳволини аниқлаш кабиларни қамраб олади.

Оммавий спорт ишлари кўригига Мудофаа вазирлиги спорт қўмитаси умумий раҳбарлик қилади. Кўрик давомида ҳарбий хизматчилар ҳарбий спорт мажмуига кирувчи машқлар ва талабларни бажаришади. 100 метрга, 1 километрга югуриш, қурол билан 5 километрга марш усулида югуриш, турникда тортилиш, чаққонлик бўйича, тўсиқли йўлак бўйича комплекс машқлар шулар жумласидан. Ёш тоифасига қараб ҳар бир гуруҳ очколар меъёри белгиланган бўлиб, бу талаб ва меъёрни бажарган ҳарбий хизматчига «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишони берилади.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, жойларда, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда кўрикни ҳар томонлама сифатли ўтказиш учун барча зарур шароитларга эга бўлган спорт мажмуалари, стадионлар, спорт заллари, майдончалар бор. Айниқса, кейинги йилларда улар замон талаблари асосида жиҳозланмоқда. Шунинг ўзи ҳам баркамол авлодни тарбиялашдек устувор мақсаднинг ҳаётга кенг татбиқ этилаётганидан, давлатимизнинг она юртимиз посбонларининг жисмонан чиниқишлари учун улкан ғамхўрликлар кўрсатаётганидан далолат. Бундайин эътибор, бундайин ғамхўрликка ҳарбийларимиз ҳам муносиб жавоб беришаётганини кўриб, билиб турибмиз. Буни фахримиз, ғуруримизга айланган армиямиз спорти ютуқлари исботлайди. Ишончимиз комилки, 15-оммавий спорт ишлари кўриги Ватан ҳимоячиларини жисмоний тайёргарлик ва спортга янада қизиқтириб, миллий армиямизда соғлом турмуш тарзини янада шакллантиришга хизмат қилади.

Майор Алижон САФАРОВ.



VI зимние Азиатские игры

МАРИНА И АРТЕМ – ОБЛАДАТЕЛИ «БРОНЗЫ»

Соревнования VI зимних Азиатских игр «Чанчунь-2007» завершились выступлениями фигуристов на стадионе «Ухуань» («Пять колец»). В парном катании спортсменам нашей страны Марине Аганиной и Артему Князеву противостояли опытные и титулованные фигуристы из Китая, а также известные спортивные пары из КНДР. Но наши соотечественники блестяще исполнили свою произвольную программу и заслуженно поднялись на третью ступень пьедестала почета. В день закрытия VI зимних Азиатских игр бронзовые призеры из Узбекистана приняли участие в показательных выступлениях. На соревнованиях фигуристов в одиночной программе от Узбекистана выступала Анастасия Гимазетдинова. Она по итогам выступлений в короткой и произвольной программе сумела набрать 130.71 балла и заняла шестое почетное место.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТГАН БЕЛЛАШУВ



Навоий вилоят Ўрта-махсус касб-ҳунар бошқармаси, шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда гарнизондаги ҳарбий қисм ташаббуси билан «Шунқорлар» ҳарбий спорт ўйинларининг шаҳар биринчилиги босқичи бўлиб ўтди.

Шаҳардаги бешта коллеж ва иккита академик лицей ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган баҳсларда иштирокчилар тўққизта спорт тури бўйича ўзаро куч синашишди.

– Ёшларни жисмонан чиниқтириб, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш мақсадида ташкиллаштирилаётган мазкур беллашувлар кўтаринки руҳда ўтказилди, – дейди «Камолот» ЁИҲ етакчиси Р. Рўзимуродов. – Икки кун давом этган баҳсларда йигитлар ҳар томонлама юксак таёргарликка эга эканликларини намойиш қилишди.

Шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритган жамоа, энди вилоят биринчилигида иштирок этади.

Майор М. АШУРОВ.

ОПРЕДЕЛЕНЫ ИМЕНА ЛУЧШИХ

В Республиканском специализированном лицее профориентации и профильного трудового обучения регулярно проводятся различные спортивно-массовые мероприятия, творческие конкурсы, викторины и вечера.

Вот и недавно среди учащихся старших классов лицея были проведены конкурс на лучшее сочинение на тему: «Судьба Родины – моя судьба», составление кроссворда и реферат на военно-патриотическую тему, соревнования по гиревому спорту и подтягиванию на перекладине, а также на лучшее знание военного дела.

Глубокими и содержательными члены жюри назвали сочинения учащихся Назимы Назаровой, Темура Мухтарова и Тахира Тохтаева. В составлении кроссворда отличилась Татьяна Мартынюк, а реферат ученика 2-го класса Алишера Тухтаева никого из членов жюри не оставил равнодушным и был признан лучшим.

Победителем первенства лицея по гиревому спорту и подтягиванию на перекладине стали ученики 11-го класса Руф Тагирьянов и Рахим Эрембетов.

Интересным и захватывающим был конкурс на лучшее знание военного дела, где приняли участие 16 учеников 10–11-х классов. Хорошими знаниями военного дела, исполнением военной песни, практическими навыками в оказании первой медицинской помощи пострадавшим и своей эрудицией отличился ученик 10-го «Е» класса Иван Образцов. Он и был признан победителем в данном конкурсе.

После всех этих состязаний учащиеся лицея посетили Музей Вооруженных Сил Республики Узбекистан, где пополнили свои знания по истории.

Лазо ВАЛИЕВ,
преподаватель начальной допризывной подготовки, подполковник в отставке.



Футбол

МАВСУМ МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАНДИ

Аввал хабар берганимиздек, Москва шаҳрида йилнинг илк расмий мусобақаси – МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги турнири бўлиб ўтди. Унда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси катта ғалабаларни кўпдан бери кутиб келаётган республикамиз футбол мухлисларига олам-олам қувонч бахш этиб, нуфузли мусобақанинг бош совринини қўлга киритди.

Турнирдаги дастлабки учрашувда кутилмаганда Латвия чемпиони «Вентспилс» жамоасига 0:2 ҳисобида ўйинни бой берган пахтакорчилар кейинги баҳсларда дарвозаларидан бирорта ҳам тўп ўтказиб юбормай фақат ғалабага эришишди. Чорак финалда Сербиянинг ОФК жамоаси билан асосий ва қўшимча вақтда 0:0 ҳисобида дуранг ўйнаган вакилларимиз пенальтилар бўйича 4:2 ҳисобида ғалаба қозониб, ярим финалга йўл олишган эди. Мазкур баҳсда ғолиб айнан пенальтилар бўйича аниқланиши маълум бўлган вақтда «Пахтакор» мураббийлари асосий дарвозабон И.Нестеров ўрнига иккинчи дарвозабон Т.Жўраевни майдонга туширишди ва Темур ўзига билдирилган ишончни тўлиқ оқлаб, рақибларнинг иккита зарбасини қайтарди ҳамда жамоа ғалабасига муносиб ҳисса қўшди.

Ярим финалда эса вакилларимиз Молдова чемпиони, 2003 йилги МДҲ кубоги соҳиби «Шериф» жамоаси билан куч синашишди. Ўйин пахтакорчиларнинг деярли тўлиқ устунлиги остида ўтди ва 40-дақиқада Л.Кошелев томонидан киритилган ягона тўп жамоамизга муҳим ғалабани келтирди. Иккинчи ярим финал учрашувида эса Россиянинг ЦСКА ва Латвиянинг «Вентспилс» жамоалари ўзаро баҳс олиб боришди. Тенг курашлар остида ўтган ўйин тақдирини латвияликлар томонидан киритилган ягона тўп ҳал қилди ва «Вентспилс» финалда «Пахтакор» билан учрашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

«Пахтакор» – «Вентспилс». Турнирнинг дастлабки учрашувида бир-бирига рўбарў бўлган бу жамоалар мусобақанинг сўнгги – финал ўйинида яна учрашишлари ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган бўлса, ажаб эмас. Аммо бутун турнир давомида чиройли ва ишончли ўйин кўрсатган мазкур жамоалар бошқалардан устун эканликларини исботлашди ва ҳал қилувчи ўйинда яна ўзаро баҳс олиб боришди.

Кўплаб футбол мутахассислари ва мухлислар кўз ўнгида ўтган финал учрашуви «Пахтакор» футболчиларининг тўлиқ устунлиги остида ўтди. Буни учрашувнинг статистик маълумотлари ҳам исботлаб турибди: дарвозага йўналтирилган зарбалар бўйича ҳисоб 19:9, бурчак тўплари бўйича 6:0. Футболчиларимиз ўйин давомида бир неча қулай имкониятларга ҳам эга бўлишди, аммо улардан самарали фойдалана олишмади. Ўйиннинг асосий ва қўшимча вақтида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолинди ва дуранг ҳисоби қайд қилинди – 0:0.

Ўйин тақдирини пенальтилар сериясида ҳал қилишини тушунган «Пахтакор» бош мураббийи Р.Ҳайдаров яна асосий дарвозабон И.Нестеров ўрнига майдонга Т.Жўраевни туширди. Биринчи бўлиб тўпга пахтакорчилар сардори С.Жепаров яқинлашди. Аммо унинг зарбасини «Вентспилс» дарвозабони Андрей Ванин қайтаришга муваффақ бўлди. Бу ҳолат албатта футболчиларимизга катта руҳий таъсир ўтказиши мумкин эди. Бироқ пенальтилар борасида анча тобланиб қолган пахтакорчилар кейинги барча зарбаларни аниқ бажаришди. Таблода 4:4 ҳисоби порлаб турган бир вақтда латвиялик футболчиларда яна битта зарба бериш имконияти сақланиб қолган ва ана шу зарба финал тақдирини ҳал қилиши мумкин эди. Тўпга ярим ҳимоячи Завгареев яқинлашди ва… Минглаб мухлислар ҳаяжон билан кузатиб турган ушбу сонияларда Темур Жўраев ўз маҳоратини намойиш қилиб, тўпни қайтаришга муваффақ бўлди. «Марафон»ча давом этган футбол лотореясида асосий таркибдаги барча ўйинчилар бир мартадан зарба йўллашганидан сўнг навбат дарвозабонларга етди. Т.Жўраев ўз имкониятини қўлдан бермай, тўпни дарвозага аниқ йўллади ҳамда «Вентспилс» дарвозабони А.Ванининг зарбасини қайтариб, учрашувнинг ҳақиқий қаҳрамонига айланди. 9:8 ҳисобида ғалаба қозонган «Пахтакор» ўз тарихидаги энг йирик муваффақиятлардан бирига эришди ва Марказий Осиё давлатлари жамоаларидан биринчи бўлиб МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубогини қўлга киритди. Пахтакорчилар сардори С.Жепаров турнир тўпурари, Т.Жўраев эса «Энг яхши дарвозабон» учун аталган совринлар соҳибига айланишди. «Чемпионлар чемпиони» деб ном олган пахтакорчиларни ушбу муваффақият билан қутлаймиз ва яқинлашиб келаётган Осиё чемпионлари лигаси баҳсларида ҳам омадлар тилаб қоламиз.

С.ПЎЛАТОВ.

Кўнгилга ташриф

ВАТАН СЕНДАН РОЗИ БЎЛСИН

Ҳаётдаги оқил, фозил, доно инсонлар маънавият сарчашмаларидир. Улар билан бир бора бўлсада юракдан суҳбат қуришнинг ўзи умрингизнинг энг гўзал они сифатида ҳаётингизга муҳрланиб қолади. Қалбингизнинг тафтини олиб, мудроқ туйғуларингизни уйғотиб, дилингизга умид ёқиб, кўксингизга нур тўлдирадиган бундай донолар ўгити умр йўлингизга машъала бўлса арзийди.



Қадим-қадимдан сухандону донишманд инсонларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш учун унинг ихлосмандлари неча чақирим йўл босиб ҳузурига келишган. Маслаҳатлар олишган. Бундан кўриниб турибдики, маънавий эҳтиёж ҳам моддий эҳтиёж каби башарият аҳли учун доимий заруриятдир.

Буни қарангки, улкан тараққиёт, техника асрида ҳам бу зарурият ўз нуфузини йўқотган эмас. Янги аср одамлари хонадонида туриб ойнаи жаҳон орқали бутун дунёни кўриш, не-не зиёли инсонларнинг суҳбатидан баҳра олиш имкониятига эга бўлсаларда, барибир улар билан юзма-юз суҳбатга ошиқаверишади. Ўзларини қийнаган ҳаёт жумбоқларига, юракларида туғилиб турган саволларга жавоб олишга интилишади. Мана шундай ҳозиржавоб, фозила, эл назаридаги доно инсонлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Республика «Маърифатпарвар аёллар» уюшмаси раиси шоира Турсуной Содиқовадир.

Турсуной опа ҳақида сўз юритишдан аввал Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг опа тўғрисидаги бир таърифини келтириб ўтишни истардим. «Бўз туманида адабий кечага ниҳоятда кўп одам йиғилди. Зал ғала-ғовур бўлиб кетди. Шовқин-суронни босишнинг сира иложи бўлмади. Милиция бошлиғи ҳам, туман ҳокими ҳам шовқинни боса олмади. Учрашувни қолдиришдан бошқа илож йўқ эди. Шунда Турсуной саҳнага чиқди. Залга бир зум қараб турди. Айтар сўзи ҳали оғзида эди. Бирдан зал жимиб қолди. Пашша учса овози эшитиладиган сукунат ҳукм сурарди.

Билмадим, бу шоирамизнинг кўзида жоду борми, мингдан ортиқ одамни сеҳрлаб қўйдими – билмадим. Шоира булбулигўё бўлиб кетди. Бу қуюқ ширага тўлган, бири биридан маъноли, ҳикматга мойил сўзлар тилига қайдан қуйилиб келяпти, деб ўйлайман».

Бу холис фикрдан сўнг опага қандай баҳо беришни ўзингиз танлайверинг азиз ўқувчи. Қўлида бир қоралмасиз юрт олдига чиқиб, барчага бирдек манзур сўз айтишнинг, барчанинг диққат-эътиборини бирдек ушлаб туришнинг ўзи тенгсиз бир маҳоратдир, илмдир. Буни воизлик санъати дейдилар. Турсуной опа ўзи айтганидек «Ёзилмаган талай китобларим нутқларимда учиб кетдилар. Тилимнинг булбули қоғозга эмас, одамларнинг кўзига қараб жўшқинроқ ҳайрайдир. Китоб қатларига қамаш на даркор, уни кўнгиллар боғига қўйиб юбордим...»

Опанинг ҳар бир суҳбатини тингловчилар жон озиғидай қабул қилишганига кўп бора гувоҳ бўлганман. Чунки бу суҳбатларнинг барчасида ҳаёт нафаси – оила устуворлиги, аёл ва эркак ўртасидаги меҳр риштаси, фарзандлар тарбияси, бахтга элтар йўллар ҳақида ҳикматли фикрлар мавжуд. Айниқса Турсуной опанинг Ватан қадри, юрт соғинчи тўғрисидаги бетакрор мулоҳазалари қалбингиздан муносиб жой эгаллай олади; «Биринчи бор баҳорни таниган, илк бор варрак учирган, биринчи марта ҳайитлик олган жойинг, биринчи ўқитувчи, биринчи муҳаббатингни танитган макон – Ватандир! Ўз жонидан яратгани учун ҳам она яхши-ю ёмон боласини тишида тишлаб ўтади. Ватан ҳам ўшандай – бағри кенг. Қадамларингни кўксига қўйиб, суяб яшайди сени. Осмони кўрпанг, майсаси димоғингни босиб ётадиган муаттар болишингдир. Ватан мунғайган тандирли, пастаккина томли кулбангдан бошланади. Унга бўлган муҳаббатинг ҳам шу остонада туғилади». Ватанни барчага тушунарли тилда, содда оҳангларда таърифлаш бундан-да зиёда бўлмаса керак.

Шунингдек, йигитлик бурчи, ўғил фарзанд бўлиш илми, оилага соҳиблик қилиш шартлари таниқли маънавият тарғиботчисининг доимо етакчи мавзуси бўлиб келган: Ўғлим! Ёдингда бўлсинки, «ўғил» дегани «нор-ғул» дегани! «Йигит» дегани «бургут» дегани ва «ўғлон» дегани «полвон» дегандир! Бошқача бўлишга ҳаққинг йўқ, балки полвон бўлишинг қийиндир, аммо полвонликка интилишинг шарт, чунки сен ўзинг туғилган остонанинг бору йўғига жавоб берасан».

Турсуной Содиқованинг кўплаб назмий ва насрий асарлари қўлма-қўл бўлиб кетган, турли мавзудаги маърузаларидан радио, телевизор, газета ва журналлар орқали тез-тез баҳраманд бўлиб турамиз. Бироқ юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, юзмаюз, меҳр қониб суҳбат қурганга нима етсин. Шу муносабат билан Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида ҳарбий хизматчилар билан таниқли шоира ва маънавият тарғиботчиси иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази бошлиғи – Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройи бошлиғи полковник Баҳодир Тўйчиев ва Мудофаа вазирлиги ҳарбий оилалар билан ишлаш бўлими бошлиғи – Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ойнисо Нодирова етакчилигида амалга оширилган бу учрашув Ватан посбонларида катта таассурот қолдирди, десак хато бўлмайди.

Сир эмаски, Шарқда эркак зотига нисбатан ўзгача ҳурмат мавжуд. Бу бежиз эмас. Чунки эркак аввало оила қўрғони, юрт таянчидир. Оиланинг мустаҳкам қалқони бўлсагина унинг ичидаги покиза, гўзал ҳаётга нопок қўллар чўзилмайди. Турсуной опа таъкидлаб ўтганидек «Ўғил фарзанд ота-она учун ушалмаган орзу, юрак бутунлигидир. Қолаверса, жон кушандаси ҳам, мол кушандаси ҳам ўғли бор уйдан ҳайиқади». Учрашувда мана шу йигитлик мақомидан бошланган суҳбат йигит бурчи, севги-муҳаббатга муносабат, оила қуриш шартлари каби ҳаёт синоатларига уланди.

Тўкин бахт эгаси бўлиш ҳар бир инсоннинг орзу-мақсади шубҳасиз. Бунинг учун ҳаётнинг қайси бир қирраларига эътиборли бўлмоқ, амал қилмоқ лозим. Турсуной опа суҳбати давомида бахт «калити»га эришиш йўлларига ҳам алоҳида урғу бериб ўтди. «Бахт пок дил ва пок баданга насиб бўлғуси. Кимнингдир сенга қилган ноҳақлиги учун ўч олиш истаги юрагингда турар экан, билгинки, сен доимо бахтни ўзингдан итариб турасан. Кўкси адоват алами билан банд бўлган инсон бошига ҳеч қачон бахт қуши қўнмайди. Тўғрироғи, булбул чаманни излагани каби, бахт қуши ҳам шабнами тўкилмаган, тоза муаттар феълли кишиларни қидиради... Гапнинг индаллоси шуки, вужудингни ва руҳингни бошидан покиза тут! Тамакига ружу қўйсанг, ҳужайраларингдан тутунда куйган бола унади! Ароқ билан суғорилган томирларинг берган мева аччиқ бўлади! Хуллас, олманинг тагига олма, тиконнинг тагига тикон тушади».

Зални тўлдириб ўтирган – айни муҳаббат ёшини қаршилаб турган йигитлар учун опанинг муҳаббат мавзусидаги суҳбати ҳам айни муддао бўлди. «Муҳаббат кўнгил мулкидир. Ўғлоним, ёқтириш билан муҳаббатни фарқлай олгин. У кишининг жисмида инқилоб ясаб келади. Бировни ёқтирдинг дейлик, шу лаҳзадан бошлаб ўзинг ўзингдан кўнглинг тўлмай қолади, бирдан жами айбинг юзага чиқади-да, қаттиқ уялишга тушасан. Билки, бу – муҳаббат. Ҳамма хатоингни у қиз кўриб турганга ўхшаб, жон аччиғида ўнгланиш заруратини сезасан, шу – муҳаббат. Ҳақиқий ошиқ ёрга сен мени бўлишинг шарт демайди, таъма қилмайди. Сенга муносиб бўлишга менга йўл бўлсин, дея ўзини тупроқларга тенг қўяди:

Ҳали ишқнинг баҳосини топмади дунё,
Сиз ишқдан-да баланд, ишқдан покиза бир тахт.
Кимман ахир, асли сизга буюклар раво,
Ушоққина елкам узра сиз кўп оғир бахт».

Турсуной Содиқованинг таъсирчан шеърларидан баҳраманд бўлмаган мухлислар кам бўлса керак. Шоира учрашув давомида суҳбат мавзусига мослаб ўз шеърларидан ҳам тақдим этди. Оила қуриш остонасида турган ўғлонларимизга опанинг оилага соҳиблик қилиш шартлари тўғрисидаги маслаҳат ва мулоҳазалари ҳам жуда таъсирли ва ўринли бўлганига шубҳа йўқ. Бу мавзу юзасидан йигитлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишди.

Одатда, қандай мавзуда бўлмасин, ярим соатлик маърузада ҳам тингловчиларда бетоқатлик сезила бошлайди. Аммо Турсуной опанинг икки соатдан зиёд давом этган суҳбатини учрашув иштирокчилари меҳр билан тинглашди, қарсаклар билан олқишлаб туришди. Бундан кўриниб турибдики ҳарбий хизматчиларимиз, айниқса Ватан, оила юкига елка тутмоққа шай турган аскар ва курсант ўғлонларимизга бундай учрашувларнинг, маънавият сабоқларининг ўрни беқиёс.

Учрашув сўнггида посбонлар томонидан миннатдорчилик сўзлари билан бирга Турсуной Содиқовага гулдасталар инъом этилди, дастхатлар олинди. Мақоламиз хотимасини эса опанинг тилаклари билан якунлашга қарор қилдик: «Ўғлонларим, сизларга қолдирадиган ягона меросимиз шу Ватан! Келажак авлодларга омон-омон етказишларинг шарт бўлган муқаддас омонат, аввалию охир маконимиз – шу Ватан, она Ўзбекистондир! Ватаннинг катта-кичиги, хунук-чиройлиги бўлмайди! Унинг каму кўстини юзига солмайдилар, тарозуга қўймайдилар! Уни тишларида тишлаб ўтадилар! Йўғини бор қилмоққа, умрларини сарфлаб, жонларини қурбон қилиб ўтадилар! Ҳар бир яхши ишингиздан Ватаннинг бир ками битади. Рози қил бу Ватанни, токи у ҳам сендан рози бўлсин!»

Зулфия ЮНУСОВА.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

Машҳур саркардалар ҳаётидан

ФОТИҲ

Александр Македонский (Шарқ мамлакатларида Искандар Зулқарнайн номи билан машҳур бўлган, милоддан аввалги 356 – 323 йиллар) Македония подшоси Филипп Iнинг ўғли эди. У ёшлигидан ҳарб санъатини чуқур эгаллашга, шон-шуҳратга интилди.

343 йилдан бошлаб унга энг машҳур юнон файласуфи Арасту (Аристотель) устозлик қилди. Шаҳзода македониялик жангчиларнинг кичик отрядига биринчи марта ўн олти ёшида бошчилик қилди. Ўша давр учун бу оддий ҳол эди – шоҳнинг ўғли ўз ерида лашкарбоши бўлмаслиги мумкин эмасди.

Александр ўз вақтини бекор ўтказмасди. Тинчлик пайтлари суд ишларига аралашар, қўшинларга турли кўрсатмалар берар, овга чиқар ва кўп ўқирди. Юриш вақтларида армия ташвишларидан бўшаганида ҳам камондан отишни тўхтатмас, қўл жанги усулларини такомиллаштирар, тез ҳаракатланаётган аравадан сакраб тушиб, яна унга чиқиб олишни машқ қиларди.

Ҳарбий қўмондонлик истеъдодини ёш шаҳзода 338 йили Херонея жангида фивликларни тор-мор қилганида намоён этди. У жангда 2 минг отлиққа бошчилик қилган эди.

336 йилнинг августида Филипп II Александрнинг онаси Олимпия бошчилигидаги фитначилар томонидан ўлдирилди. Ота тахтига ўтирган 20 ёшли Александр суиқасд уюштирганларни қатл қилди. Унга мерос қолган кучли қўшиннинг асосини оғир пиёдалар – узун найзалар билан қуролланган найзабардорлар ташкил этарди. Ҳаракатчан енгил пиёдалар (асосан камончилар ва палахмончилар) ва оғир қуролланган отлиқлардан ташкил топган ёрдамчи қўшинлар ҳам кўп сонли эди. Шунингдек қўшинда турли девортешар машиналар ва қамал қурилмаларидан фойдаланиларди.

Дастлаб Александр бошқа юнон давлатлари орасида Македониянинг устунлигини ўрнатди. Ўз рақибларига фақат қурол кучи билан таҳдид солди. Коринф иттифоқи бошлиғи бўлди.

Кейин ёш шоҳ Дунай водийсида ва Иллирия денгизи бўйида кўчманчиларга қарши юриш қилди ва уларнинг сардорларини ўзи билан форсларга қарши бўлажак юришга қурол кучи ёрдамида кўндирди.

Александр Юнонистоннинг шимолида жанг қилиб юрганида Фив ва Афина Македония ҳукмдорлигига қарши чиқдилар. Бундан ғазабланган шоҳ дарҳол ортга қайтиб фивликларнинг қаршилигини шафқатсизлик билан бостирди ва Фив шаҳрини бутунлай вайрон қилди. Афиналиклар бундан сабоқ олиб, жангсиз таслим бўлдилар. Александр Македонский 334 йилнинг баҳорида Кичик Осиёга қарши юриш бошлади. У Граник дарёсига боргунга қадар жиддий қаршиликка учрамади. Май ойида бу ерда форслар билан биринчи жиддий жанглар бўлиб ўтди. Баъзи манбаларга кўра 35 минглик македонияликлар армиясига 40 кишилик қўшин қарши турди.

Ушбу жангда Александр Македонский шахсан оғир отлиқ қўшинни бошқарди ва кўп ҳолларда жангнинг энг қизғин жойларида пайдо бўлди. Айнан шахсий жасорати, моҳир қўмондонлик сифатлари унинг обрўсини ошириб юборди.

Бу ғалабадан сўнг, 334-333 йилларда Александр Кария, Ликия, Памфилия, Фригия, Каппадокия вилоятларини босиб олди. Кейин эса Сурияга юриш бошлади. Эрон шоҳи Доро III жуда катта (уч баробар кўп) қўшини билан унга қарши чиқди. Лекин бу жангда македонияликларнинг қўли баланд келди ва Доро III қўшини қочишга мажбур бўлди. Александр Ўрта Ер денгизининг Сурияга тегишли қирғоқларини босиб олиш мақсадида Финикияга юришни давом эттирди. Буюк саркарданинг орзуси йирик форс салтанатини бутунлай босиб олиш эди.

Фаластиннинг Тир шаҳрида бўлиб ўтган оғир жангда 8 минг одам ўлдирилиб, 30 минг киши қул сифатида сотиб юборилгандан сўнг, бошқа барча шаҳарлар унга бўйсунишга мажбур бўлдилар. Қадим дунёнинг аҳолиси энг зич бўлган Миср Александр Македонскийга қаршиликсиз таслим бўлди.

Тез орада Александр Македонский Вавилонни, эронликларнинг пойтахти Персеполисни босиб олди. 330 йилнинг охирига келиб эса бутун Кичик Осиёни бўйсундирди. Беш йилдан камроқ вақт ичида йирик империя тузди. Ушбу давлатда ҳарбий ва молиявий ишлар фақат юнонлар ва македонияликлар қўлида эди.

Кейинги уч йил давомида Александр Македонский ҳозирги Афғонистон, Ўрта Осиё ва Шимолий Ҳиндистон ерларига, кейинчалик эса Ария, Драниана, Бақтрия ва Сўғдиёна ерларига ҳарбий юришлар қилди.

Бақтрия ва Сўғдиёна давлатлари Спитамен бошчилигида босқинчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Бу ердаги аҳоли македонияликлар армиясини майда тўқнашувлар, яъни партизан уруши тактикасини қўллаш билан ҳолдан тойдирдилар ва босқинчилардаги ҳукмдорлик руҳиятини сўндирдилар.

Александр Македонский 327 йилнинг баҳорида Шимолий Ҳиндистонга юриш бошлади. Қўшинлар Гидасп дарёси соҳилларида шиддатли жанглар олиб бордилар ва ғолиб келдилар. Сўнг ҳозирги Панжоб ерларига ҳам кирдилар. Лекин Ҳиндистоннинг ичкарисига юриш тўхтатилди.

Чунки энди Александрнинг нафақат ташқи, балки ички душманлари ҳам кўпайиб кетган эди. Анча йиллардан бери ҳарбий юришларда банд бўлган кўпчилик аскарлар ўз ватанларига қайтиш истагини билдирдилар. Александр Македонский қўшиннинг хоҳишини бажаришга мажбур бўлди ва ортга қайта бошлади. Бироқ унга уйга етиб бориш насиб этмади. Вавилонда тўсатдан касал бўлиб бир неча кундан сўнг, 33 ёшида вафот этди.

Александр ўлимининг оқибатлари тез орада намоён бўлди. Атиги бир йил ичида энг йирик, қудратли империя бир-бирига душман бўлган кичик давлатларга бўлиниб кетди.

Подполковник
Абдуқодир АБДУЖАМИЛОВ.

МУҲАББАТ АЛЛАСИ

(Давоми. Боши газетанинг 4-сонида).

Орадан йиллар ўтди. Шерзод мактабни тугатгач, ўқишга йўл олди. Шаҳарда оиласи билан ижарада яшайдиган акасиникига борган Шерзод бир қарашданоқ унинг ҳам обод яшамаслигини, кунини аранг ўтказишини билиб олди. Ёш оила ҳалол турмуш кечириш учун борига қаноат қилар, бир кун овқат пиширса, бир кун дастурхонда хатто, нон ҳам бўлмасди. Бунинг устига Шерзод билан бирга қариндош-уруғларнинг ҳам бир тўда боласи абитуриент бўлиб борган. Ораларида унчалик йўқчилик нелигини тушунмайдиганлари, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотимаганлари ҳам бор. Баъзи кунлари уйда ҳеч вақо қолмаганини билган Шерзод овқат қачон, дея сўраётган абитуриентлар олдида акаси ва келинойисининг уятдан қизариб кетаётганини кўриб қолар, улардан баттар бўғиларди. Бир куни уйда туз ҳам қолмаган экан. Овқат тузсиз пиширилди. Жимгина овқатланаётган Шерзод меҳмон болалардан бирининг туз, деган товушидан еётгани томоғига тиқилди.

Акасига ёрдамлашиш учун у билдирмасдан чиқиб кетиб мардикорлик қиларди. Кейин ўқишга кирса, шусиз ҳам қийналиб яшаётган оиласидагиларни баттар қийин аҳволга солишини, шусиз ҳам ўзидан катта яна бир акаси аранг ўқиётганини эслаб, ўқишга кириш фикридан воз кечди. Аслида у мактабни жуда яхши баҳоларга битирган эди. Номус қучлилик қилиб, бу ҳақда ҳеч кимга айтмади-ю, аммо ўзи мардикор ишлаб, то тест кунигача акасининг уйидаги абитуриентларни боқиб юрди. Ҳатто тест куни ҳам Шерзод аудиторияда эмас, балки иссиқда куйиб-пишиб бетон қорирди. Натижа ўзи кутганидек бўлди. Уйдагиларига, тестдан йиқилдим, деб баҳона қилган йигит ҳарбийга йўл олди. Қишлоқда қолган Чарос эса кун эмас, дақиқа санаб уни кутди. Шерзод унга ҳар куни икки-учта хат ёзар, сурат йўллар, қизнинг суратини доим бағрида асраб юрарди.

Хизмати поёнига етай деганда, қишлоқда аҳвол бошқача кўриниш олди. Чарос қаттиқ касал бўлиб қолди. Бу ҳақда Шерзодга хабар бериш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади. Қизни тузалиб кетади, дея кутишганди, аммо у бир кечадаёқ сўлиб, тугади. Ўлимидан олдин тез-тез ҳушини йўқотаётган Чарос кўзини очганда фақат Шерзодни сўрар, уни юпатиб, ҳозир келади, деганларидан сўнг яна ўзидан кетар, алламаҳалда кўзини очиб, ойи келмаяпти-ку, дея йиғлар ва яна ҳушидан айрилар экан. Шу тариқа Чарос севгилисининг дийдорига интиқ бўлиб кўзини юмди. Бундан бехабар Шерзод эса уйи сари йўл олаётганда, у хизмат қилаётган қисмга ўқишни битириб армияга йўл олган акаси келиб тушди.

Армияда, аскарликда кўришган ака-ука қучоқлашиб кетдилар. Шунда акаси Равшан Шерзодга қараб, Чаросни бериб қўйганларини тушунтирди. Бу гапдан ғайрати ўзига сиғмаган, ёвқур, ўта шижоатли, ҳафталаб уйқусиз ва оч-наҳор юрса ҳам бемалол беш кишини савалай оладиган азамат Шерзод худди таги арраланган баҳайбат дарахтдек гурс этиб йиқилди. Уни суяб ўзига келтирдилар. Аммо унга энди ҳаммаси барибир, Чароссиз дунё ҳам керак эмас, яшаш маънисиз эди.

Алпдек келбати гамдан букчайган йигит уйига аранг кириб келаркан, туз тотмай қўйди. Биров билан дардлашмади ҳам. Фақат гамгин, аламли куй-қўшиқлар тинглаб, бир уйда қамалиб ётаверди. Шу тариқа ҳафталар ўтиб кетди. Боласининг касал бўлиб қолишидан кўрққан ота-она Чароснинг ота-онасига йиғлаб бориб, воқеани тушунтирдилар. Қизининг гамида адо бўлган шўрлик Дамин ака ва Рисолат холалар яна бир оғир синовни бўйнига олишдан бошқа йўл тополмади. Улар Чароснинг сингиси Наргизани Шерзодга беришга рози бўлишди. Қаранг, Шерзод Наргиза сиймосида севгилиси Чароснн кўргандек, гўё у тирилиб келгандек ҳис қиларди ўзца пайт. Шу уни оёққа турғизди. Гамни енгган йигит яна аввалгидек қадамидан ўт чақнайдиган паҳлавонга айланди.

Ҳозир Шерзод билан Наргиза оила қуришган. Бахтли турмуш кечиришмоқда. Аммо Наргизани Шерзод Чарос деб чақиради. Бунга ҳар иккаласи ўрганиб қолишган. Қулоқларига бу овоз муҳаббат алласидек эшитилади.

Шоҳруҳ КОМИЛОВ.

ФОРПОСТ МИРОВОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ

Термез, отметивший свое 2500-летие, – город драматической и прекрасной судьбы. В разные моменты истории он становился оплотом царя Македонии, главным арабским центром в Мовараунахре, важнейшим торговым городом на Джейхуне. Несмотря на все сложности своего жизненного пути, он восставал из руин и пожарищ, перемещался с места на место, а в условиях независимости стал главным форпостом, южными воротами республики.

Современный Термез расположен почти в самом сердце легендарной области Бактрия, на берегу могучего Окса–Амударьи, воды которой струились на протяжении тысячелетий на север, в не менее легендарный Хорезм.

Юг Узбекистана удивительно интересен во многих отношениях. Обнаруженные на этой земле следы обитания первобытного человека, древние памятники и произведения античного искусства Тешикташа и Зараутсая, Джаркутана и Сапаллитепа, Холчаяна и Дальверзинтепа убедительно говорят о великой и уникальной истории живших в Сурханском оазисе людей, о созданной ими неповторимой культуре. Поэтому не случайно для сооружения археологического музея выбран именно этот регион.

Музей археологии в Термезе создан по инициативе Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова в соответствии с Постановлением Кабинета Министров республики на базе Сурхандарьинского областного краеведческого музея, основанного здесь в конце 30-х годов прошлого века. Здание музея отреставрировано, и новый величественный облик его как нельзя лучше соответствует своему назначению, олицетворяя гармонию восточного и современного зодчества.

Предваряет экспозицию просторный холл, вдоль стен которого установлены уникальные находки, а в центре оформлена крепостная стена с воротами средневекового города. В холле установлена большая рельефная карта Сурхандарьи, оборудованная специальным пультом, и на которую в хронологическом порядке нанесены археологические памятники. Модели и макеты, карты и планы в сочетании с современным технологическим оборудованием помогают полнее и ярче воспринимать события, о которых рассказывает музейная экспозиция.

За основным зданием музея возвышается оригинальная колоннада, на которой выставлены капители, фрагменты базы колонн. Создается впечатление уютного античного дворика, что не наблюдалось пока ни в одном музее мира.

Основная экспозиция расположена на втором этаже музея, где на оригинальных щитах в хронологическом порядке расположены тексты обо всех исторических периодах, начиная с эпохи камня, бронзы, античности...

Первые стоянки человека на территории Сурхандарьи появились в долинах рек Байсунского хребта, среди горных лесов, дающих обильные сборы дикорастущих плодов и населенных разнообразными видами диких животных.

Наскальные изображения Зараутсая, выполненные минеральной краской, – целые композиции с выразительными сценами охоты на быков и джейранов – дают возможность проникнуть в мир художественного мышления древнего человека и его религиозных представлений.

Находки с поселений Сапаллитепа, Джаркутан, Мулоллитепа, Миршаде дают представления о керамике, орудиях из бронзы, металлических и каменных украшениях, домашней утвари эпохи бронзы.

(Продолжение следует).



Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти раҳбарияти ҳамда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси жамоаси катта ўқитувчи Нуриддин Сандибоевга онаси

ҚАРОМАТ аянинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
Х. ЗАЙНИЛОВ, А. УСМОНОВ, Х. МИРЗАЕВ, Т. ЖУМАНАЗАРОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди. Дизайн ва рассом – **Наталья Лантева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Газета жума куни чиқади.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Нашр кўрсаткичи 114 **Буюртма** № G-3309. **Адади** 28100.